Muassis:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2013-yil 25-iyulda 0055-raqam bilan qayta ro‘yxatga olingan

TIL VA ADABIYOT TA’LIMI

LANGUAGE AND LITERATURE TEACHING

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI VAZIRLIGINING ILMIY-METODIK JURNALI

2014-yil. 11-son.

1991-yildan chiqa boshlagan.

Bosh muharrir:
Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay’ati:
Baxtiyor DONIYOROV
Mamatqul JO‘RAYEV
Shahnoza JO‘RAYEVA
Islom ZOKIROV
Ulug‘bek INOYATOV
Abduhamid MUXTOROV
(Bosh muharrir o‘rinbosari)
Nizomiddin MAHMUDOV
Sirojiddin SAYYID
Ergash UMAROV

Jamoatchilik kengashi:
Muhammadjon ALIYEV
Ergesh ABDUVALITOV
Manzura DADAXO‘JAYEVA
Lutfullo JO‘RAYEV
Ehson TURDIQULOV
Valijon QODIROV

Bo‘lim muharrirlari:
Shahnoza JO‘RAYEVA
(Til o‘qitish metodikasi bo‘limi)
Dono XO‘JAYEVA
(Adabiyot o‘qitish metodikasi bo‘limi)
Sahifalovchi:
Husan SAFARALIYEV
Matn teruvchi:
Nodira UMAROVA

Jurnaldan ko‘chirib bosilgan maqolalar «Til va adabiyot ta’limi»dan olindi, deb izohlanishi shart.

Jurnalda nashr etilgan maqolalarda mualliflarning tahririyat nuqtayi nazariga muvofiq kelmaydigan fikr-mulohazalari bosilishi mumkin.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Bosmaxonaga 24.11.2014-yilda topshirildi. Ofset usulida chop etildi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8. Shartli bosma tabog‘i 6,0. «Times» garniturasi. 10, 11 kegl. «SANO-STANDART» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent sh. Shiroq ko‘chasi, 100.
Buyurtma № Adadi 6700 nusxa.

MUNDARIJA

ZULFIYA TAVALLUDINING 100 YILLIGI

Uldona Abdurahmonova. «Baxtim shul, o‘zbekning Zulfiyasiman» 3

DOLZARB MAVZU

Baxtiyor Doniyorov. O‘zbek adabiy tili orfoepiyasi va orfografiyasining dolzarb muammolari 9

DARS – MUQADDAS

Iroda Mamadaliyeva. Bilim qayda bo‘lsa, buyuklik bo‘lar 12

Rohila Homidova. Bilim takrorlash mevasidir 14

Go‘yoxon Xudoynazarova. Ismlarning lug‘aviy va munosabat shakllari 15

Shahlo Oshiqova. To‘kislik, mehr-u oqibat, diydor ramzi bo‘lgan asar 17

Moxin Omarova. «Ko‘nglumdin o‘zga mahrami asror topmadim...» 20

ILG‘OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR

Gulnora Eshchanova. Innovatsion ta’lim texnologiyalari – samaradorlik garovi 24

Rixsixon Ubayxo‘jayeva. «Sen uchun ko‘kragim erk yeri»... 25

Feruza Azimova. Akademik litseylarda Alisher Navoiy ruboiylari tahlili 26

Kavsar Turdiyeva. Fan va amaliyot integratsiyasi 29

LET’S LEARN ENGLISH

Lutfullo Jo‘rayev. Keling, ingliz tilini o‘rganamiz! 30

TEACHING ENGLISH

Teachers supporting each other 33

ADABIY TAQVIM

Abdug‘affor Eshonqul. Urush fojiasi va muhabbat tarannumi 34

TADQIQOTLAR

Ibrohim Darvishov. Janubi-g‘arbiy Namangan dialektik areali va uning ayrim fonetik, morfologik xususiyatlari 37

Sh. Ergasheva. Predikativ birlikning pragmatik xususiyatlari 39

Munisjon Hakimov. Omon Matjon she’riyatida satira 41

Shoiraxon Toshxo‘jayeva. Erkin A’zam ijodida ma’nodoshlik 43

ABITURIYENTGA YORDAM

Yorqinjon Odilov. Imlo qoidasi – abituriyent foydasi 45

Tahririyat manzili:
100129, Toshkent shahri, Navoiy ko‘chasi, 30-uy. Telefon: (8–371) 244-04-18, 244-04-15. e-mail: til@sarkor.uz veb-sayt: www.tilvaadabiyot.uz

KITOBDAN YAXSHIROQ DO‘ST BO‘LMAS

Bugun bashariyat texnika asri, axborot erasi, globallashuv zamoni singari turli nomlar bilan atalayotgan yangi va murakkab bir davrda yashamoqda. Kamolotga chorlaydigan ezgu ta’limotlar bilan yovuz g‘oyalar o‘rtasidagi azaliy kurash bugun har qachongidan-da keskinlashib, har bir inson, ayniqsa, yoshlarning ong-u qalbida chuqur aks sado bermoqda. Shu asno “kitobdan yaxshiroq do‘st bo‘lmas” hikmati hayotda yana bir bor o‘z isbotini topayotir. Zero, Prezidentimiz Islom Karimov ta’kidlaganidek, “bugungi shiddatli davrda chinakam ma’naviyatli va ma’rifatli odamgina inson qadrini bilishi, o‘z milliy qadriyatlarini, milliy o‘zligini anglashi, erkin va ozod jamiyatda yashash, mustaqil davlatimizning jahon hamjamiyatida o‘ziga munosib o‘rin egallashi uchun fidoyilik bilan kurasha olishi mumkin”.

Respublika ixtisoslashtirilgan musiqa va san’at akademik litseyida an’anaviy «Zukko kitobxon» tanlovida bu jihatlar yana bir karra o‘z ifodasini topdi. Tanlov “Sog‘lom bola yili” Davlat dasturi ijrosi doirasida, O‘zbekiston xalq shoiri Muhammad Yusuf tavalludining 60 yilligiga bag‘ishlab o‘tkazildi. Undan maqsad esa o‘quvchilarning kitobxonlik madaniyatini yuksaltirishdir.

Tanlovda akademik litsey o‘quvchilaridan tashkil topgan «Mezon», «Tafakkur», «Fikrat» jamoalari 4 shart bo‘yicha bahslashdi. Asar tahlili shartida “Mezon” guruhi vakili Shahnoza Donoboyeva Alisher Navoiyning “Sab’ayi sayyor” asarini, “Fikrat” guruhi vakili Abdunabi Nurmatov Oybekning “Fonarchi ota” hikoyasini, “Tafakkur” guruhi vakili Asadbek Turg‘unov Mirmuhsinning “Me’mor” asari syujeti haqida gapirib, qisqacha tahlil qildi. Ayniqsa, notiqlik san’ati shartida «Mezon» guruhi vakili Tohirjon Akramovning “Nil va Rim” (U.Nosir) monologini mahorat bilan ijro etgani yig‘ilganlarda katta taassurot qoldirdi.

Tanlov hakamlaridan shoir, O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasi a’zosi Axtamqul Karim, “Gulxan” jurnali bo‘lim muharriri Nilufar Jabborova, Chilonzor tumanidagi 179-umumiy o‘rta ta’lim maktabining ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi Barno Mirkamolova va boshqalar badiiy asarlarning qadr-qimmati haqida gapirib, yoshlik xazina jamlash fasli (o‘z hayotiy mezonlarini shakllantirish, kasb-hunar egallash, moddiy va ma’naviy jihatdan mustahkam salohiyatga ega bo‘lish) ekanini, bunda kitob mutolaasi o‘quvchilarni hamisha ezgulikka esh etajagini ta’kidladi.

Tadbirda o‘quvchilarning ijodiy ishlari ko‘rgazmasi tashkil etildi. Undan maketlar, suratlar va to‘qilgan kiyimlar o‘rin olgan.

Tanlov yakunida g‘olib va ishtirokchi jamoalarga eng qimmatbaho sovg‘a – kitoblar topshirildi.

Uldona ABDURAHMONOVA,
«Til va adabiyot ta’limi» jurnali muxbiri

e-mail: til@sarkor.uz

“БАХТИМ ШУЛ, ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН”

“Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам мен ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърият мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболаға бўлмайди”.

Ислом КАРИМОВ

Аёлини асраган, улуғлаган халқ – буюк халқ. Аёллари бахтли элнинг эса фарзандлари баркамол, келажаги нурафшондир. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, аёл бахтли бўлса, оила соғлом бўлади, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир.

Мустақиллик майдонига йўлимиз тушар экан, муаззам Бахтиёр она, Хотира хиёбонида эса Мотамсаро она монументлари олдидан шунчаки ўтиб кетолмаймиз. Ватан ҳимоячиларининг ўзига хос зиёратгоҳига айланган «Ватанга қасамёд» ҳайкалида ҳам мунис ва мўътабар онанинг ҳарбий хизматга отланган азиз фарзандининг ой бориб, омон қайтишини тилаб дуога қўл очган сиймоси гавдаланган. Ва буларнинг барида якдил бир жиҳат: аёл – она, у худди Ватандай азиз ва мўътабар эканини англаймиз. Бу жиҳатлар Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ижоди ва хотирасига кўрсатилаётган юксак эҳтиромда янада рангинроқ акс этади.

Бугун мамлакатимиз аҳли ҳар баҳорни шоира Зулфия таваллуд топган кунни нишонлаш билан кутиб олишни анъанага айлантирди. Шоира китобларини юртимиздаги кўплаб оилавий кутубхоналар жавонида кўриш мумкин. Президентимизнинг 1999 йил 10 июндаги қароридан сўнг ҳар йили юртимиздаги истеъдодли қизлардан бир гуруҳи Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда. Қарорга кўра шоиранинг ўзбек тилида “Сайланма” асарлари, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърий тўпламлари, “Зулфия замондошлари хотирасида” китоби нашр этилади, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратилади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида “Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти” мавзусида илмий конференция ўтказилади.

Мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этилса, 2015 йил март ойида “Туркистон” саройида Зулфия хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш кўзда тутилган.

“БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ”

Мазкур қарор моҳияти, унинг адабий-ижтимоий ва маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти юзасидан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, таълим-тарбия, адабиёт ва санъат соҳаларида фаол иштирок этаётган етук жамоат арбоблари, эл-юртимиз меҳрини қозонган ижодкор аёллар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари фикрлари билан қизиқдик.

Элмира БОСИТХОНОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорини халқимиз, кенг жамоатчилик аёл зотига, адабиётимиз ҳамда аждодларимизга юксак эҳтиром намунаси сифатида кутиб олди. Ҳа, XX асрнинг буюк аёллари сафи-

да, шубҳасиз, муносиб ўрин эгалловчи таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири, халқаро "Жавоҳарлаъл Неру", "Нилуфар" мукофотлари совриндори Зулфия Исроилова ҳақида қанча гапирсак кам. Унинг ўзбек адабиёти, нафақат ўзбек, балки Шарқ адабиёти ва фалсафаси ривожига қўшган ҳиссаси алоҳида таҳсинга лойиқдир! Зеро, Президентимиз таъбирлари билан айтганда, Зулфияхоним "...бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азобини, ғам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонлардан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланди".

Таъкидлаш жоизки, "Саодат" журнали Зулфия опа бошчилик қилган даврда ижодкор аёллар учун катта мактаб, халқимиз учун маънавий бир дарё вазифасини ўтади. Севимли шоирамиз Зулфиянинг ҳаётий ва ижодий мероси, айниқса, Шарқ қизларига ўрнак бўладиган маънавий дунёси, ахлоқий қиёфаси халқимиз томонидан юксак қадрланиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони, 2007 йилдаги "Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги эзгу ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мана 15 йилдирки, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Зулфия номидаги давлат мукофоти Республика комиссияси, жойларда 207 та ҳудудий комиссиялар фаолият юритмоқда. Комиссияларимиз номзодларни саралаш, улар иқтидорини баҳолашда ҳалоллик мезонларига суянган ҳолда ишламоқда. Мазкур мукофот учун ўтказилаётган танловларнинг туман-шаҳар босқичларида иштирокчиларнинг сони 120 минг нафардан ортиб кетгани, вилоят босқичларида 12 минг нафардан ортиқ иқтидорли қизлар ўз истеъдодини намоён этаётгани эътиборлидир.

Бу йил адабиёт, маданият, таълим, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган, ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга қизлардан 16 нафари ушбу мукофот билан тақдирланди. Ҳозирга қадар Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари сони 212 нафарга етди. Уларнинг 10 нафари Президент стипендияси, 10 нафари Навоий, Ибн Сино стипендиялари совриндорлари, 30 нафари спорт бўйича Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари экани қувончлидир. Биргина жорий йилда 8 нафар мукофот соҳибаларининг бадиий китоблари чоп этилди.

Зулфия опа халқимиз тарихининг ажралмас қисми сифатида бугун ёшлар қалбида, онгу шуурида ўз ижодий нафаси, яшаб ўтган фидойи умри билан мангу қолишга ҳақлидир. Шоира меросидан баҳра ва ўрнак олиб улғайган хотин-қизлар оила ва маҳаллада, жамиятимизда тинч ва осойишта ҳаётнинг, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват туйғуларининг қадрига етиш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби соғлом муҳитни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаверади.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири:

– Устоз Зулфияхонимнинг меҳригиёси, оҳанрабоси бор эди. Бир марта у кишининг суҳбатида бўлган ҳар қандай инсон шоиранинг меҳру муҳаббати, ўзгача салобати, улуғворлигига мафтун бўлар, бу учрашувни умрбод эслаб юрарди. Унинг жўшқин, ўктам овози дунё минбарларида ўзбекнинг шону шавкатидан сўйлаган, Шарқ шеъриятининг сеҳру жозибасини жаҳонга тараннум этган.

Шону шуҳратнинг юксак чўққиларида турган шоиранинг беҳад гўзал самимияти, одамжонлиги, камтарлиги мени ҳали ҳануз лол қолдиради. Бош муҳаррир Зулфияхонимнинг махсус қабул кунлари бўлмасди. Эртага келинг, деган иборани ёмон кўрардилар. Байрам арафасида барча машҳур ёзувчиларимиз, албатта, у кишини табриклашга келишар, узоқ суҳбатлашишарди. Шоира қизларни, айниқса, вилоятдан келган тортинчоқ ҳаваскор қизларни дарров қабулига чорлар, бағрига маҳкам босиб, пешонасидан ўпар, машқларини ўша заҳотиёқ ўқиб, таҳрир қилиб бўлимга чиқарар, навбатдаги сонга режалаштиришни таъкидларди.

Илк шеъри ўқувчилик кезларидаёқ Зулфиянинг оқ йўли билан "Саодат"да чоп этилган Ҳалима Худойбердиева халқ шоири бўлиб, эл меҳрини қозонди. Мақсуда Эгамбердиева, Муҳтарама Улуғова, Санъат Маҳмудова, Қутлибека Раҳимбоева, Дилбар Саидова, Ҳаётхон Ортиқбоева, Шарифа Салимова, Шаҳодат Исахонова, Раъно Раҳмон, Гулистон Матёқубова, Хосият Бобомуродова, Раҳима Шомансурова, Энахон Сиддиқова, Гулжаҳон Мардонова, Гулчеҳра Раҳимова, Замира Рўзиева, Венера Иброҳимова, Дилбар Ҳайдарова, Фароғат Камол каби бугунги кун таниқли шоира ва адибаларининг илк ижодлари "Саодат"да чоп этилган. Зулфия опа ўша вақтдаёқ ўз ёрқин истеъдодлари билан мафтун этган Қутлибека ва Фароғатга оқ йўл ёзиб, "Менинг қувончларим" деб атагандилар.

Ходимлар билан муносабатда ғоят самимий, сезгир ва кўнгилчан шоира дарров аҳвол руҳиятимизни англар, хафа бўлсак, боисини суриштирар, мушкулимизни бир зумда осон қиларди. Қўл остидаги ходимлари учун ҳамма шароитни муҳайё қилиб қўяр, улар билан туғишганлардай қадрдон бўлиб кетган эди.

...Қанчаларимизга елкасини тутиб, опичлаб ижоднинг сўқмоқларидан олиб ўтиб, юксакликларга кўтарди. Паноҳига олиб, ҳимоя қилди. Ҳаволаниб кетганимизда қаттиққўл онадай тергаб, қийинчиликлардан довдираб қолганимизда меҳру эътиборини аямади. Эвазига ҳеч нарса тамаъ қилмасди, у. Туғилган кунларида фақат гул кўтариб борардик. Гулларимизга таъриф бериб, меҳр билан нозик гулдонларга солар ва Ҳамид Олимжоннинг

e-mail: til@sarkor.uz

ёшлиги акс этган портрет тагига оҳиста қўярди... Таваллуд айёми ажиб мушоирага айланарди.

Шоира Зулфия инсон қадрини, сўзини улуғ тутар, мухлисларининг мактубларига меҳр ва муҳаббат жавоб хатлари битарди.

"*1976 йил 9 ноябрь куни телевизорда шеър ўқидингиз. Оиламизда дунёга келган янги меҳмонга ном қўйишни маслаҳатлашиб турган эдик. Шеърингизни диққат билан тинглаб, янги чақалоқни олиб ўтирдик. Сиз шеър ўқиб бўлгач ҳаммамиз бир оғиздан сизга раҳматлар айтдик. Қизчамизни Зулфияхон деб атадик. Бу тўғрида сизнинг рухсатингизни илтимос қиламиз.*

Сизга ва уй ичингизга узоқ умр, соғлиқ тилаймиз.

Салом билан, Хўжаевлар оиласи.
Туркманистон. Тошовуз шаҳри".

Ижодий фаолиятдан, жамоат вазифаларидан, "Саодат" журналига муҳаррирликдек масъулиятли ишдан фурсат топиб, меҳрибон инсон Зулфия ҳар галгидек тўлиб тошиб, ташаккур сўзларини битади:

"Қизчангизга яхши ният билан менинг номимни берган экансизлар, мен унга бутун шуҳратим, яхши номим келтирган шодликларни тилайман! Шоира бўладими, олима бўладими, тўқувчи бўладими, доктор бўладими, ким бўлса ҳам меҳнатсевар, покиза, инсофли, одамларга меҳрибон, иродали ва ақлли бўлиб ўссин. Севги, садоқат унга ёр бўлсин!
Зулфия. 1976 йил".

Зулфия опа жуда андишали, ҳаёли, ҳар бир сўзини етти ўйлаб бир гапирадиган инсон эдилар. Ҳикоялар, мақолалар, очерклар, энг кичкина маслаҳатларда ҳам бирор ибосиз, қўполроқ сўзлар бўлса, ниҳоятда ўринли таҳрирлар киритардилар. Соғлик-саломатликка оид мақолаларда одобдан нари айтилган бирор нозикроқ сўздан кейин "минг узр" деб қавс ичига олиб қўярдилар. Инсон муносабатлари пардали сўзларда акс этиши керак, ҳар бир инсоннинг ҳис-туйғулари илоҳий, муқаддасдир дегувчи эдилар. Ҳеч қачон хахолаб кулганларини, бировни масхаралаб, камситганларини кўрмаганмиз. Ғийбатни-ку умуман ёқтирмасдилар...

Зулфия опа 1944 йил 3 июль кунида бошига тушган айрилиқ мусибатини мардонавор кўтарди. Ҳамид Олимжоннинг фожиали ҳалокати унинг ҳаётини остин-устун қилиб юборди, лолу карахт қилди. Бундай айрилиқ изтироблари оловида куйиб, қул бўлиб, қақнусдай қайта тирилиш осон эмасди. Ўша мудҳиш кечада пешонамда бир тутам сочим оппоқ қордай оқарган, дердилар опа. Қўлимда қаламни маҳкам ушлаб, икки киши учун яшаб, ишлашим керак эди, дердилар.

Зулфиянинг юрагини шеърият катта олам, олис йўллар билан боғлади, таниқли шоира, жамоат арбоби сифатида жаҳон минбарларида овози янграй бошлади. Унинг "Мушоира"си шеъриятни инсоният бахту саодати, тинчлиги, дўсту биродарлигининг буюк Элчиси мақомига кўтарди. Поэзиянинг жозибаси, ўзбек тилининг камалак ранглари, Тинчлик,

Дўстлик деган нондай азиз сўзлар офтоби дунё халқларининг юрагига кириб борди унинг мағрур овозида. Шарқ мумтоз адабиётидаги мушоира жанрига янги мазмун, маъно бағишлади. Шарқ шеъриятн осмонида "Зулфия" деган гўзал юлдуз чарақлаб порлади.

Ҳар йили баҳорнинг биринчи кунида кўксида Зулфия сиймосини порлатиб навниҳол Зулфиялар сафимизга кириб келадилар. Зулфиянинг овози, сўзлари, ёшлиги бўлиб кўзимизни қувонтириб юради улар. Зулфиянинг боғларида навқиронлик, меҳр-муҳаббат, садоқат, нафосат, Ватанга сўнмас эътиқод чечаклари очилаверади. Бу боғлар хазон бўлмайди, шоира айтганидек, уни маҳв этолмас хазон лашкари...

Салом сенга, эй Зулфиядан мужда келтирган Баҳор!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира:

— Устоз адиб Ақсад Мухторнинг ҳаёт бўронлари, саҳро бўронлари билан юзма-юз туриб курашиб, енгиб яшаган инсон ҳақида ёзганда "Бўронларда бордек ҳаловат" қиссасини ҳар гал ўйласам, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним эсимга келади. Опада ҳам асарнинг руҳан кучли қаҳрамонига ўхшаш ирода, чидам, бардош, айни дамда улуғлик бор эди. Биз у кишининг меҳридан баҳраманд бўлиб адабиётга кириб келган аёллар – буни ҳар лаҳзада ҳис қилар эдик.

…Бахту буюклигинг – бетинчлигингда.., –
дейдилар шоира бир шеърида.
Бошқасида эса:
…Бир парча қуёшга тўлмайди кўнгил, –
дейдилар.

Яна бошқа бир шеърида эса:
Севинчга – севинч-ла,
Хавфга, жунбишга
Қураш, исён билан кираман эрдай.
Ёнаётган сувга, гўдакка, қушга
Кафтимни тутаман халоскор ердай…

Улкан одам бўлиб яшаш, бу улканликни бошқалар учун халоскорликка, таянчга, суянчга айлантириш, бир сўз билан айтганда, Зулфияхоним ижодидаги мағрур, айни дамда кучли инсон образи ҳамма замон ва маконларга бўларли тимсолдир...

Зулфияхоним шахсидаги буюкликнинг яна бир илдизи уларнинг устозлик мақомлари билан боғлиқ. Опа ўз даврида "йилт" этган истеъдоди кўзга ташланган ёшларнинг юриб келаётган сўқмоқларини катта йўлларга туташтирган инсон. Устоз нафақат бизга "оқ йўл" тилаган, нафақат илк шеърларимизни меҳр назаридан ўтказиб берганлар, балки ҳар биримиз учун ўзларини жавобгар ҳис қилганлар. Ўзларини бахтимиз, шаънимиз, шахсимиз учун ҳам жавобгар деб билганлар. Бу устозликнинг, устозлик мақомининг олий белгиси бўлса керак. Муҳтарам Президентимизнинг Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарори муносабати билан жойларда ўтказилаётган тадбирлар, хотира кечаларида биз устознинг ибратли ҳаёти, шахсига бир карра соғинчли нигоҳ ташлаймиз, унута бошлаганларимизни эслаймиз. "Халқ меҳрида ёрман эл шуҳратига", дея ижод қилган, яшаган улуғ инсон қалбига яқинроқ борамиз.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА, Қорақалпоқ давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси:

— Аёл дунёнинг кўрки, меҳр қуёши ва тириклик мазмунидир. Ҳар сафар шоира Зулфия назмига юзланар-канман, шу хулосага келаверaман. Бугун республикамиз бўйлаб шоиранинг 100 йиллигини кўтаринки руҳда нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрилар экан, Зулфия мактаби гўзал Тошкентдан водийгача, Сурхондан Қорақалпоқ ўлкасигача — бутун Ўзбекистон қизларини қамраб олганига амин бўламиз. Буни шеърий машқларимга сингдиришга ҳаракат қилдим:

Қайғудан бахт топган аёл қудрати,
Чақмоқнинг тошидек, гуллардай нозик.
Вафо, садоқатнинг ёруғ тимсоли,
Муҳаббат чўққисида қад кўтарар тик.
Шеърият оловли юракдур асли...
Шеъриятни енгмас на ўлим, на вақт,
Шеърият карвонин аёл сарбони.
Ғам палласидан топдингизми бахт,
Демак, у тирикдир ҳамон яшайди.

Ситора ТОШМАТОВА, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси:

— Биз ёшлар учун Зулфияхоним меҳр ва муҳаббат, вафо тимсолига айланган. Шу боис ҳам шоира номидаги давлат мукофотини кўксимизга тумордек қадаб юрамиз.

Президентимиз қарори билан Зулфия таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланиши ўзбекистонлик хотин-қизлар учун бир гўзал хушхабар бўлди. Бу адабиётга, Зулфияхонимга, умуман, ўзбек аёлларига, биз сингари ёш қизларга берилган юксак эътибордир. Зеро, Зулфияхонимнинг ўзи орзу қилганидек,

Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...

СУВДАЙ СОКИН ОЛОВ ҚАЛБ

Олов — табиатнинг тўрт асосий унсуридан бири. Олов табиатига шиддат, ёғду, ҳар қандай жисмни ўзига бўйсундириш қудрати хос. Сув каби сокинлик, тупроқдек вазминлик унга ёт. Бироқ олов фақат сув ва тупроқ билан таъсирлашгандагина мувозанатга келади. Зеро, табиатнинг бу қоидаси Зулфия шеъриятида яна бир карра ўз тасдиғини топади.

Зулфия ижоди — аёл шиддати, юракнинг шамчироққа айланиши (ўзи ёниб, атрофга ёруғлик таратиши). Айни пайтда ундаги сокинлик қудрати, хаёл мавжланишлари, қалбнинг ўз чегарасини англаши, туйғуларнинг тартибланиши ҳис (олов) ва ақл (сув) мувозанатининг гўзал ифодасидир.

Шоиранинг ота-онаси ҳақидаги хотиралари бу жиҳатларни янада ойдинлаштиради. Унинг хотираларида отаси — Тошкентда ном қозонган уста Исроил дегрез (темирчи)дан "доим олов иси келган"ини ("*Унинг қўллари чўққа айланган темир парчасини истаган шаклга солиб, инсон учун керакли нарсага айлантиришга қодир эди*"), онаси Хадича опа эса "овози майин, мусиқий", сабр-қаноатли, маънили аёл эканини ("*Агар истеъдодим бор бўлган бўлса, унинг чашмаси — онам. Агар адабиёт аҳлига бир кафт дон янглиғ шеърий ҳосил тутган бўлсам, унинг уруғини қалбимга, аввало, онам сочганлар*") англаймиз.

Илк шеърий тўплами – «Ҳаёт варақлари» нашр этилганда Зулфия 17 ёшда эди. Шеърият дастлаб онасидан эшитган эртак-афсоналари ҳосиласи бўлса, кейинчалик тақдирига – "ҳаётининг барча саҳифалари, азиздан азизи, оғриғи, шодлиги, содиқ дўсти, сирдоши"га айланади. "Одамлар чинакам шеърга ишониши", суяниши, уни интиқ ку-

тиши, малҳам деб билиши Зулфияга катта қувват бағишлайди.

Зулфия ўша илк китоби чиққан 1932 йилда таниқли шоир, тиришқоқ олим сифатида эл оғзига тушган Ҳамид Олимжон билан танишади. Орадан уч йил ўтиб, Хотин-қизлар билим юртини битириб, Ўзбекистон Фанлар комитети қошидаги Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига ўқишга киргач, улар турмуш қуришади. Зулфияга Ҳамид Олимжоннинг бир дўсти совчи бўлиб борган. Олди-берди, умуман, бўлмаган. Хадича хола фақат бир нарса — куёвнинг онаси бор-йўқлиги билангина қизиққан, холос. Шоирнинг онаси Комила хола ҳам тўй баҳонасида Жиззахдан Тошкентга келиб, шу ерда яшаб қолади. Ҳатто Ҳ.Олимжоннинг ўлимидан кейин ҳам умрининг сўнггигача Зулфия хонадонининг тўрида яшайди, шоира унга муносиб келинлик қилади.

Ҳамид Олимжон ҳамма жиҳатда ўрнак эди. Зулфия ижодий (фикрлаш, миллий ва жаҳон адабиётини пухта ўрганиш, ёза олиш) ё инсоний (фарзандларга меҳрибонлик, вафодорлик, садоқат) жиҳатдан ижодкор шахс сифатида Ҳамид Олимжон мактабида тарбия олди, чархланди, камолга етди, дейиш мумкин. Шоира учун Ҳамид Олимжон **талабчан устоз** (“*Шеърларимни илк бор ҳаяжондан титраб, унга ўқирдим. У аёвсиз таҳрир этарди*”), **адолатпарвар** (“*айёрликни ёмон кўрарди, суҳбатдошининг юзига тик қараб, кескин ва қатъий гапирарди*”), **салоҳиятли ижодкор** (“*бирор сатр шеър ёзмаган кунида ўзидан жуда норози бўлар, ўша кунни умри ҳисобига қўшмай, ўчириб ташлагиси келарди*”), **билимли-меҳрибон дўст** (“*дунёқараши жуда кенг эди. Бу кенгликни ўзи шудгор қилиб, дон сочиб, ҳосил кўкартираётган деҳқон каби заррама-зарра ва тинимсиз ҳолда яратган, деб ўйлардим*”) бўла олди. «Ижодкор учун ёзган нарсасидан бўлак ҳеч қандай имтиёз бўлмаслиги шарт», деган ақидани сўзи, иши билан сингдирди”. Зулфия хотираларига таянсак, Ҳ.Олимжон унга кўпроқ севикли ёр, фарзандлари онаси ва шогирд сифатида қараганини англаймиз. Адабиётшунос, профессор Наим Каримовнинг ёзишича, улар, одатда, тонгда барвақт туриб, биринчи келган трамвайга тушар ва шаҳар ташқарисига йўл олар, шоир буни «матчои сайил» деб атарди. Ҳ.Олимжоннинг, айтайлик, бугун ҳам машҳур сатрлари айнан ўша сайиллар фароғати, Зулфияга бўлган муҳаббатининг латиф ҳосиласи эди:

“Энг гуллаган ёшлик чоғимда
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни...”.

Бироқ шоиранинг бахтли, ўз таъбири билан айтганда, “тўрт фасл ҳам баҳор бўлиб кўринади”ган кунлари кўпга чўзилмайди: Зулфия 20 ёшида турмушга чиққанди, ўттизга етмай бева қолади. Бироқ ҳаётга умид, ишонч, оиласи, эл-юрт олдидаги масъулият шоирани ҳаётга қайтаради. Ҳар бир ўйида, сўзида, ишида Ҳамид Олимжоннинг теран нигоҳини сезиб яшайди: “*Энди мен сатрларимга унинг нигоҳи билан қарашни ўргандим. Ҳали-ҳануз менинг жуда кўп қораламаларим иш столим ғаладонларида айнан шу нигоҳдан ўтолмай, қолиб кетади*”.

Зулфия ҳаёт шодлигини шеърда (“*Шеър бу — чақмоқдай оний туйғу. Унинг сувратини чизиб улгурсанг — улгурдинг, йўқса етмиш икки томирингга сим-сим оғриқ солиб юраверади*”), фарзандлариневаралари тийнатида (“*Қани айтинг, фарзанддан қиммат бу дунёда нима бор экан?*”) кўради. Шундан куч олади:

Сен ўс – соғлом, беқайғу, эркам,
Муҳаббатим бошингга соя,
Мен бахтиёр алла айтайин,
Қўшиқларим кўп, бениҳоя.

“ҲАЁТНИ КУЙЛАЙМАН, ЧЕКИНАР АЛАМ”

Баҳор – олам ва одам янгиланадиган фасл. Халқимиз ҳаёт ва тафаккур тарзида, миллий космогонияда ҳам кўклам – кириш, куз – чиқиш қутблари. Шу боис халқимиз қадимдан кўкламда Наврўз, кузда Меҳржон байрамларини нишонлаган.

Зулфиянинг баҳор келган кунда туғилгани ва бахтни ҳамиша кўклам тимсолида ифодалаши бежиз эмас. Буни “Баҳор келди сени сўроқлаб” шеъри таҳлили мисолида ҳам кўриш мумкин. Баҳор “салқин саҳарлар”, “бодом гули”, “бинафша лаби”, “еллар”, “қушлар парвози”, “елларнинг нози”, “бахмал водийлар” ва “қирлар”да меҳмон. Бироқ шоира наздида баҳор сарсари кезиб, бировни изламоқда. Шу йўлда шаббодага, бўронга, жилога, елга эврилади. Аслида излаётган Шоира, изланаётган эса... уни ташлаб кетган ёридир. Фақат уни ёди “майин бир қўшиқ”қа айланиб самони қоплайди ва бу овознинг “баҳорги бурканган”, ёри “севган элда” янграши унга умид бахш этади:

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

Шоира шеъриятида яна бир гўзал тимсол бор: бинафша. Митти гул замину замонда, олам ва одам қалбида қаҳратон қиш ҳукмронлик қилганда ҳам, у бор гўзалликни — ҳаётга меҳр ва ишончни ўзида жамлай олади. Бинафша ҳали юртимиз мустабид тузум (қаҳратон) исканжасида қолаётган бир пайтда халқимиз қалбида куртак ураётган миллий мустақилликнинг тимсоли бўлгандир, балки. Зулфия бинафшани “дилнинг таг-тагидаги эрка бир виқор нашъаси” атаркан “қутурган қишда” нигоҳлари “баҳор излайди”. Чунки “хаёл бинафша”сиз “кўнгил боғи қоларди ғариб”. Бинафшада — ёшлик шавқи, ёруғлик нафаси туяди. Бироқ,

Ўтди ёшлик мендан бир шавқ кўрмайин,
Дўллар урган бинафшасифат.

“ҲУРРИЯТ, КЕЛДИНГ-ЭЙ, НАҲОТКИ КЕЛДИНГ”

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов “Сизни соғиндим, Зулфия опа” мақоласида қизиқ бир эпизодни айтади: қўқонлик мухлислар шоирага Нодирабегимнинг сиёҳдонини совға қилишади. «Нодира айтолмай кетган қўшиқлар сизнинг қаламингиздан тўкилсин», дея лутф қилишади. Ҳа, шоира чин маънода фаол хотин-қизларимизга ўрнак, етук жамоат арбоби эди. Бу, айниқса, турли нашриётлар, “Саодат” журналида (1950–1985 йй.)ги фаолиятида ёрқин акс этади.

Жаҳон адабиётидан А.Пушкин, М.Лермонтов. Н.Некрасов, М.Воқиф, Э.Огнетсвет, Мустай Карим, А.Притам каби ижодкорлар асарларини ўзбек тилига ўгирди. Унинг асарлари ҳам кўплаб чет тилларига таржима қилинади. Зулфия халқаро Жавоҳарлаъл Неру (1968), “Нилуфар” (1971) мукофотлари лауреати бўлади. Бироқ у учун энг юксак даража ягона — халқининг Зулфияси бўлиш эди.

Шоира халқимиз ва Ватанимиз тарихидаги буюк кун – Мустақилликни катта қувонч билан қарши олди. Унинг эл тақдирида мангу яшашини ният қилди:

Ҳуррият, келдинг-эй, наҳотки келдинг,
Келар йўлларингда пинҳона толдим.
Менинг ота-онам, жон Ватанимда,
Элим тақдирида абадий қолдинг!

Келдинг-ей, Истиқлол, истиқбол бўлиб,
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим...

Зулфия бир пайтлар “*ҳали ер юзида бугунгидан ҳам яхшироқ инсонлар — руҳи бой одамлар яшайди. Агар ўша кишилар ҳам менинг бирор сатримни эсга олсалар, ўша сатр улар учун керакли бўлса, қалбининг бўш бир нуқтасини тўлдирса... Қаламимга шу умид куч беради*”, деб ёзган эди. Бугун мамлакатимизда қиз ўстираётган аксарият ота-она фарзандининг Зулфияга муносиб ворис, маънавий издош бўлишини истайди. Зотан, халқимиз ҳаёт экан Зулфиянинг ижодий ва ҳаётий мероси донолик, садоқат, вафо, эътиқоднинг энг ҳаётбахш ўзанларидан сабоқ бераверади:

Бандаман, эй, Тангрим, кашфи табиат,
Ахир бир кун сўнар кўзларимда нур.
Калимага заиф қолганда қудрат,
Сенга сўнгги саждам — умрим тўкилур…

Улдона АБДУРАҲМОНОВА,
“Til va adabiyot ta'limi” jurnali muxbiri

e-mail: til@sarkor.uz

Бахтиёр ДОНИЁРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ОРФОЭПИЯСИ ВА ОРФОГРАФИЯСИНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Мустақиллик йилларида ўзбек тилини тиклаш, асраш ва ривожлантириш, унинг давлат тили сифатида жамиятдаги ўрни, аҳамияти ва таъсирини кучайтириш, том маънода миллий қадриятга айлантириш йўлида улкан миқёсдаги эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тилимизни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилиб, унинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган кўплаб илмий ва илмий-оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалар, янги-янги луғатлар чоп этилаётир.

Тил ижтимоий ҳодиса бўлгани учун ҳам замон билан ҳамнафас тараққий этиб боради. Мазкур янгиланиш жараёнлари, энг аввало, тилнинг луғат таркибида акс этади. Зотан, фан ва технологиянинг ривожланиши тилларга янги-янги тушунчаларни олиб киради. Негаки, техника тараққиёти натижасида яратилган кашфиётлар қайси мамлакатга кириб бормасин, шу тилда ўз номини ҳам оммалаштиради. Шу нуқтаи назардан, ўзбек адабий тилининг тарихий тараққиёт даврига назар ташланса, қадим туркий тилдаги *кирпич*, *кара таш – карандаш*, *товар*, *ўтюк – утюг*, Аҳмад Фарғоний – аль-Фраганус (Европада), *алжабр – алгебра* сингари кўплаб сўзлар ва буюк боболаримиз исмлари бошқа тилларга ўзлашгани каби ўзга халқлар тилларидан ҳам бир қатор сўз ва сўз шаклларининг луғатимиздан муқим жой олгани табиий.

Маълумки, ўзлашма сўзлар уни ўзлаштирган тилнинг қонун-қоидаларига мослашади, шу тилга сингиб кетади. Акс ҳолда у тўлиқ ўзлашмаган ҳисобланиб, шу тилнинг луғатида «бегоналиги», «ўзга»лиги сезилиб туради. Ўзбек тили луғат таркибидаги ўзлашма сўзлар сўзлашув тили орқали ҳам, адабий тил орқали ҳам ўзлашган бўлиши мумкин. Тилнинг тарихий тараққиёти натижасида сўзларнинг маълум қисми ўз ўрнини бошқа янги сўзларга бўшатиб беради, яъни архаик ёки тарихий сўзга айланади. Тилдаги бу ҳолат, яъни ўзлашма сўзлар кириб келишининг ижобий ва салбий томонлари ҳам бор, албатта. Ижобий жиҳати тил луғат таркибининг бойиши бўлса, унинг салбий жиҳати асл туркий сўзларнинг истеъмолдан чиқиб кетишидир. Кўринадики, халқлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий алоқалар тилга турлича таъсир қилар экан.

Азал-азалдан ўзбек халқининг асл жонкуяр намояндалари тил, жумладан, она тили масаласига алоҳида эътибор билан қараган. Бунинг исботи сифатида Алишер Навоийнинг туркий тил ифода имкониятлари бойлигини кўрсатиб бериш мақсадида олиб борган саъй-ҳаракатлари, хусусан, «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини яратгани ёрқин далилдир.

Агар XV асрда Алишер Навоий туркий тилнинг ифода имкониятлари бениҳоя кенг эканлигини ўз ижоди орқали кўрсатиб бера олган бўлса, бу тилнинг қонуний муҳофазаси фақат XX асрнинг охирида, яъни юртимиз ўз миллий мустақиллигини қўлга киритиши арафасида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан яна бир бор юқори поғонага кўтарилди.

Ўз ўрнида ёдга олиш жоизки, истиқлолга қадар собиқ иттифоқнинг бирёқлама сиёсати даврида ўзбек тилининг луғат таркиби русча сўзлар учун ланг очиб қўйилган эди. Биз бундай сўзларни она тилимизга тўғридан-тўғри, бутун фонетик (нутқ товуши), орфографик (тўғри ёзув) ва орфоэпик (тўғри талаффуз) хусусиятлари билан бирга қабул қилишга мажбур эдик. Энг афсусланарлиси, минг йиллик тамаддунига эга маҳаллий аҳолини, ўша давр ибораси билан айтганда, «саводли қилиш» мақсадида ўзбекча сўз ва атамаларни ёппасига русча – интернационал (байналмилал) сўзлар билан алмаштириш урф бўлди. Бунга эса ижобий масала, тараққиёт омили, деб ҳам қаралди. Аслида, мустабид тузумнинг мазкур сиёсати замирида она тилимиз миллий табиатини йўқотиш, халқимизни ўзлигидан маҳрум қилишдек мудҳиш ғараз бор эди, десак, янглишмаган бўламиз.

Яна бир жиҳат: бу даврда хорижий тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам, асосан, рус тили орқали ўзлашгани учун барчасида шу тилнинг фонетик, орфографик, орфоэпик ва грамматик хусусиятлари сунъий равишда сақлаб қолинди. Натижада, ўзбек тилининг луғат таркибига савдо, транспорт, саноат, ҳарбий-маъмурий, уй анжомлари, табобат, адабиёт ва санъат каби қатор соҳаларга хос бир қанча сўзлар ўзлаштирилди: **поезд, вагон, вокзал, почта, телеграф, конфет, завод, фабрика, машина, доктор, газета, суд** ва ҳакозо. Мазкур ўзлашмаларнинг грамматик табиатига диққат қилинса, уларнинг аксарияти от ва қисман сифат туркумига мансуб эканлиги аён бўлади.

1989 йил 21 октябрда, ҳали юртимиз тўла мустақил бўлмаган бир шароитда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва халқимиз хоҳиш-иродаси асосида «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Унда: «Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, уни ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди. Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис палаталари тегишли қўмиталарининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади», дейилган.

Шундан буён ўтган давр давомида жуда кўп сўз ва атамалар тилимизнинг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб янгиланмоқда, шўролар тузуми даврида «эскирган» дея унутилган *девон*, *маҳкама, вазир*, *вазирлик*, *вилоят*, *туман*, *миллий кураш, ҳалол* каби кўплаб сўзлар қайтадан тикланиб, кенг қўлланмоқда.

Тилшуносларнинг маълум қилишича, ўзбек тилининг янги изоҳли луғатини яратишда шўро мафкурасини акс эттирувчи сўз ва иллюстратив материаллардан «тозалаш» зарурати билан (зеро, луғатни мафкурасизлантириш ушбу нашрнинг

асосий мақсадларидан бири эди) ундан кўплаб луғат мақолалари ва уларга берилган мисоллар чиқарилди, уларнинг ўрнига сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда пайдо бўлган янги тушунчаларни номловчи, луғатлардан барқарор ўрин олган тил бирликлари киритилди. Шунингдек, мавжуд сўз ва атамалар янги маънолар билан бойитилди.[1]

Қолаверса, ҳозирги ўзбек тилида муқобили бўла туриб ўринсиз қўлланиб келинаётгани бир қатор русча ва бошқа байналмилал сўзлар мамлакатимиздаги ҳозирги тил сиёсати талаблари ва тил амалиётидан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган, ўзбек адабий тили имлоси ва талаффузи меъёрларига мос бўлган тил бирликлари билан алмаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, қайта тикланган сўзларнинг янги маънолар касб этишига ҳам олиб келди.

Албатта, мазкур соҳадаги ҳар бир одим, энг аввало, халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини қайтариш, унинг ўз муносиб ўрнини топиши, жамоатчилик олдида ҳам қадрланишини таъминлашга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бироқ бу борада қилинадиган зарур ишлар ҳали талайгина. Жумладан, кўп ҳолларда рус тили орқали тилимизга кириб келган сўзларнинг орфографияси ва орфоэпиясида бир қатор муаммолар кўзга ташланиб қолмоқда. Ўзлашма сўзларнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, тил қонуниятига кўра, бир тилдан бошқа тилга ўтаётган сўз ўзлаштираётган тилнинг қонун-қоидаларига, жумладан, имло ва талаффуз қоидаларига тўлиқ мослашиб кетсагина ўзлашган сўз ҳисобланади. Аммо собиқ мустабид тузумнинг тил сиёсатига кўра, рус тили орқали ўзбек тилига ўзлашган сўзлар ғайриилмий тарзда бўлса-да, «оға» тилнинг қонун-қоидаларига асосан ёзилар ва рус тилининг орфоэпик меъёрларидан оғишмай талаффуз қилинар эди. Чунки ўша даврда мустабид тузумнинг вайронкор мафкурасига хизмат қиладиган шундай қоида бор эди: ҳар қандай рус тилидан ўзлашган сўзлар илмийликка зид бўлса ҳам рус орфографияси ва орфоэпияси қоидаларига асосан ёзма ҳамда оғзаки нутққа ўша тилда қандай бўлса, шу шакл ва товушда татбиқ этилиши шарт эди.

Минг шукрки, бугун юрт озод, Ватанимиз мустақил. Олдимизда ҳеч қандай ғайриилмий чеклову мажбуриятлар йўқ. Юртбошимиз ташаббуси ва халқимиз хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган давлат тили ҳақидаги қонун ҳам амалда. Шунга қарамай, айрим байналмилал сўз ва атамаларни она тилимиз табиатига ҳамоҳанг ёзиш ва талаффуз қилиш масаласида оғриқли нуқталар, салбий ҳолатлар ҳануз учраб қолаётгани афсусланарли.

Бу ҳолат тилшуносликда редукция деб аталадиган ҳодиса мавжуд бўлган сўзларда кўпроқ учрайди. Яъни, кучсиз талаффуз натижасида товушнинг ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатдан пасайиши (бу ҳодиса асосан урғусиз бўғиндаги унлиларга хос бўлади). Редукция натижасида ҳамда тез суръатда гапириш жараёнида товуш тушиб қолади.[2] Масалан, рус тили фонетикасига кўра, ***молоко (сут)*** сўзининг охирги *«ко»* бўғинидаги **о** унлисига урғу тушгани сабабли биринчи ва иккинчи бўғинлардаги унли товушлар редукцияга учрайди ва **малако** тарзида талаффуз этилади. Шунингдек, ***Россия, Москва, мобил, фонарь, демократия, конституция, октябрь, ноябрь, она, его*** каби сўзларнинг имлоси шу тарзда ёзилган ҳолда рус тили орфоэпияси қоидаларига кўра, талаффузда ***Россия – Рассия, Москва – Масква, фонарь – фанарь, демократия – димакратия, конституция – канституцыя, октябрь – актябрь, ноябрь – наябрь, она – ана, его – ево*** тарзида талаффуз этилади. Рус тилининг табиатига хос бўлган сўзларнинг ёзуви ва талаффузидаги ушбу тафовутлар ўзбек тили табиатига мутлақо ёт.

Бизнингча, ҳар қандай ўзга тилдан ўзлашган сўз фақат ўзбек тили фонетикаси ва грамматик қоидаларига асосан оғзаки ва ёзма нутққа сингиши лозим. Шунда у халқимизнинг қадимий ва бой маънавиятига ҳамоҳанг бўлади. Қолаверса, миллий ҳамияти (миллатнинг муқаддас қадриятларини пок сақлаш туйғуси)га путур етмайди. Шу ўринда, XV асрда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида қорлуқ лаҳжасида сўзловчи Андижон халқига: «*Эли туркдир* (ўзбекдир). *Шаҳар аҳолиси ва бозорга келувчилардан туркийни билмайдиган киши йўқ. Элининг тили адабий тилга мувофиқ*»[3], дея берган таърифини ёдга олиш мумкин. Агар замонавий ўзбек тилининг асоси сифатида айнан қарлуқ-чигил лаҳжаси шевалари олингани ҳисобга олинса, халқимизнинг тили ва ёзуви бир хилда ифодаланиши аён бўлади. Айни ҳолатни инглизларнинг ҳам *Moscow* ёзиб, *Moskow* деб ўз тил қонун-қоидаларига кўра талаффуз этишларини ёки *Russia* сўзини *Rashe* тарзда ифодалашини келтириб ўтиш жоиз.

Таассуфки, бугун телевидение ва радиода ҳам айрим журналистларимиз нутқида рус тилидан ўзлашган байналмилал сўзларни ўзбек тили қоидаларига зид равишда истеъфода этишдек салбий ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Улар бунинг хато эканлигини билиб-билмаган ҳолда, баъзида «маданиятлилик» белгиси, деб ҳам тушунаётганликлари ғоят ачинарли. Ана энди, бир ўйлаб кўрайлик. Бу кўрсатувни томоша қилаётган ёки радио орқали тинглаётган мухлислар, айниқса, ўқувчи-ёшлар география ёки тарих дарслигида ўқиган **Япония** давлатини теле ёки радиожурналист талаффузида ифодаланганидек «**Иипония»** тарзида айтиши ёки юқоридагидек, **фонар**ни **– фанарь, демократия**ни **– димакратия, конституция**ни **– канституцыя, октябрь, ноябрь** ойларини **актябрь, – наябрь** тарзда ифодалашга интилиши, энг ёмони, ёзиш керак экан-да, деган тушунчага бориб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас. Бинобарин, ОАВ ходимлари халқ наздида ҳамма янгилик ва ахборотдан энг биринчи бохабар бўладиган ва барчага тўғри етказадиган мутахассислар ҳисобланади.

Талаффуз борасидаги яна баъзи мулоҳазаларни ҳам келтириб ўтамиз. Масалан, японларнинг ўзлари «Toyota» автомашинасини сўзда «о» товушларини «а» тарзида эмас, «о» тарзида талаффуз қилади ва ёзади, яъни ***«тойота»***. Бизнингча ҳам, у ўзбек тилида рус тилидагидек *«таййота»* деб эмас, асл ўзбек тили талаффуз қоидалари асосида ифодаланиши лозим.

Шунингдек, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида ишлаб чиқарилаётган ва хорижга экспорт қилинаётган *«Cobalt»* автомашинасининг номи республиканинг энг донгдор нашрларида, яна ўша рус орфоэпияси қоидалари асосида ***«Кобальт»*** тарзида ёзилишини қандай изоҳлаш мумкин? Бу ҳолат ой номларини ёзишда ҳам учрайди. Масалан, республика нашрларида **октябрь, ноябрь,**

Shahlo OSHIQOVA,
Namangan viloyati Mingbuloq tumanidagi 13-sonli davlat ixtisoslashtirilgan maktab-internati ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi

TO‘KISLIK, MEHR-U OQIBAT, DIYDOR RAMZI BO‘LGAN ASAR

CHINGIZ AYTMATOVNING “OQ KEMA” ASARI TAHLILI

(7-sinf, II chorak)

Darsning maqsadi:

a) ta’limiy maqsad: o‘quvchilarga Ch.Aytmatov hayoti va ijodiga doir ma’lumotlar berish hamda “Oq kema” asarini tahlil qilish;

b) tarbiyaviy maqsad: o‘quvchilar qalbiga hamkorlik, do‘stga sadoqat, yaxshlik, fidoyilik, Vatan oldidagi burchni anglash, ajdodlarimizdan faxrlanish va tabiatga muhabbat tuyg‘ularini singdirish;

d) riyojlantiruvchi maqsad: o‘quvchilarning og‘zaki nutqini o‘stirish, xotira mustahkamligiga erishish va mustaqil fikrlash, chuqur mulohaza yuritishga undash, o‘zaro hurmat va birbirini baholay olish ko‘nikmasini shakllantirish.

Dars jihozi: ko‘rgazmali qurollar (plakatlar, Ch.Aytmatov portreti, rag‘bat uchun kartochkalar, badiiy asar, hikmatli fikrlar), texnik vositalar (kompyuter, proyektor, ekran), 2 ta “Bilimlar sandig‘i” uchun quticha-lar.

Dars usullari: “Intellektual zarba”, “Ibtido va intiho”, “Qaynoq kartoshka”, “Men kimman?”, “Mushohada”, “O‘n ikki oy bir yilda”.

Dars turi: yangi bilim beruvchi, mustahkamlovchi.

Dars shiori: “Milliy tilni yo‘qotmak millat ruhini yo‘qotmakdir”. (A.Avloniy)

Darsning borishi:

I. Tashkiliy qism: Darsni falsafiy daqiqa bilan boshlash mumkin:

“...Hech kim o‘z-o‘zidan yozuvchi bo‘lib qolmaydi: yillar sabog‘i, qilingan mehnat, badiiy adabiyotga bo‘lgan qiziqish va e‘tiqod orqali bunga erishish mumkin”. (Ch.Aytmatov)

O‘quvchilar 2 guruhga ajratiladi: **“Mutafakkirlar”** va **“Allomalar”**. Har bir guruh uchun alohida “Bilimlar sandig‘i” tashkil etiladi. Dars bosqichlari davomida bu sandiqlar “dur-u javohirlar”, ya’ni o‘quvchilar olgan rag‘bat kartochkalari bilan to‘lib boradi. Dars so‘nggida esa “Bilimlar sandig‘i”dagi ballar bilan “Bilimdonlar bilimdoni” aniqlanadi.

II. O‘tilgan mavzuni mustahkamlash:

Chingiz Aytmatov hayoti va ijodini o‘zlashtirish uy vazifasi sifatida so‘raladi. **“Intelektual zarba”** usuli yordamida o‘quvchilarga quyidagi savollar bilan murojaat qilish mumkin:

1. Yetti avlod shajarasi deganda nimani tushunasiz?
2. 1928-yil 12-dekabrda Shakar ovulida tug‘ilgan bolakay haqida so‘zlab bering.
3. Bo‘lajak yozuvchining adabiyotga qiziqishi sabablarini ko‘rsating.
4. Yozuvchining millatiga, Vataniga bo‘lgan sadoqatini nimalarda ko‘rish mumkin?

“Qaynoq kartoshka” usulidan foydalanib Ch.Aytmatov hayoti va ijodiga doir ma’lumotlar yanada mustahkamlanadi. Bu usulda sinf o‘quvchilarining barchasi ishtirok etishlari mumkin. Kartoshkani qo‘lda uzoq tutmagan holda adib hayoti va ijodi yuzasidan berilgan savolga qisqa, lo‘nda va tezkorlik bilan javob beriladi. Savolga to‘g‘ri javob bera olmagan o‘quvchi o‘yindan chiqariladi. Savollar qiyidagicha bo‘lishi mumkin:

1. Ch. Aytmatov qachon tug‘ilgan? (1928-yil 12-dekabrda)
2. Adibning onasi kim bo‘lgan? (Onasi – Nagima Hamzayevna Aytmatova, o‘z davrining o‘qimishli, ziyoli ayollaridan bo‘lgan)
3. Ch. Aytmatovning bolaligini turli ertak, qo‘shiq, dostonlar bilan kim bezagan? (Buvisi)
4. Ch. Aytmatovning otasi nechanchi yilda qatag‘on qurboni bo‘lgan? (1937-yilda)
5. Qoraqiz momo kim? (Ch. Aytmatovning xolasi)
6. Ch. Aytmatovni necha yoshida qishloq kengashi kotibi etib tayinlashadi? (14-yoshida)
7. Adib nechanchi yilda Jambul zoovettexnikumiga o‘qishga kiradi? (1946-yilda)
8. 1956-yilda adib qayerda tahsil olgan? (Moskvadagi Oliy adabiyot kursida tahsil olgan)
9. Ch. Aytmatov nechanchi yilda vafot etgan? (2008-yil 10-iyunda vafot etgan).

Shu tarzda guruhlar berilgan savollarga javob beradilar. Ma’lumotlar takrorlansa yoki o‘quvchi to‘xtab qolsa, “Bilimlar sandig‘i”ga shuncha rag‘bat kartochkasi kam solinadi.

III. Yangi mavzu bayoni.

O‘quvchilarning asar matni bilan to‘liq tanishgan-tanishmaganligini tekshirish uchun **“Mushohada”** usulidan foyalaniladi. Har ikki guruhga asarni turli joy-

laridan parchalar beriladi. Ushbu parchalar guruhda muhokama qilinib, asarning qaysi qismi ekanligi, asarda ushbu parchaning qanday ahamiyat kasb etganligi, uning davomi haqida o'z mulohazalarini havola etishlari mumkin. Masalan, **"Mutafakkirlar" guruhi**ga quyidagi parcha berilishi mumkin:

...Bulutlar yaxshi biladi: ko'ngling ancha noxush, qayoqlargadir jo'nab qolging yoki uchib ketging keladi, toki seni topolmay oh-voh qilishsin: «Eh bolagina, bedarak ketdi-ya, endi uni qayerdan topamiz?» – deb kuyib yurishsin. Bunday bo'lmasligi uchun – sen yo'qolib qolmasliging va jimgina yotib, bulutlardan zavqlanishing uchun sen nimani istasang, bulutlar o'shanga aylanib qoladi. O'sha birgina bulutning o'zidan turli-tuman shakllar yuzaga kela boshlaydi. Faqat bulutlar qanday shaklga kirayotganini ko'rib bilsang, bas.

"Mutafakkirlar" guruhi quyidagicha javob berishi mumkin:

– Bu holat asarning boshlanishida kuzatiladi. Bolakayning tabiatga mehri, sadoqati va tabiat bilan birlashib ketgani haqida fikr yuritiladi. Bu yerda yozuvchi bolakay ko'p bora dili og'rigani va hamma narsadan xafa bo'lganida qanday holatga tushganini ko'rsatib bergan. Bu ko'p bolalar psixologiyasida uchraydi: kimdir xafa qilsa, qayoqlargadir ketib qolgisi keladi, toki hamma seni topolmay oh-voh qilishini istaydi, aytgan gaplaridan afsuslanishlarini xohlaydi.

So'ng **"Allomalar" guruhi** uchun ushbu parcha havola etiladi:

– Eh Ona bug'u, sen odamlarni bilmaysan, – bosh tebratdi Cho'tir Baymoq kampir. – Ular hayvonlargagina emas, hatto o'z-o'zlariga ham rahm-shafqat qilishmaydi. Bu yetimchalarni senga berardim, shunda mening so'zlarim qanchalik rostligiga o'zing guvoh bo'larding, lekin odamlar baribir qo'lingdan tortib olib, bu bolalarni o'ldirishadi. Buncha g'amning senga nima keragi bor?

– Men bolalarni uzoq o'lkalarga olib ketaman, u yerdan bolalarni hech kim qidirib topolmaydi. Bolalarga rahm qil, donolarning donosi, ozod qil ularni. Men ularga sadoqatli ona bo'layin. Yelinlarim to'lib turibdi, sutim bolalarni orziqib kutyapti. U bolalarga intizor".

"Allomalar" guruhi esa quyidagicha javob berishlari mumkin:

– Asar tarkibida Shoxdor ona bug'u haqida ibratli hikoyat keltirilgan. Bu parcha shu hikoyatdan olingan bo'lib, unda yetim bolalarni o'lim changalidan qutqarib qolgan afsonaviy Shoxdor ona bug'uning mehribonliklari haqida fikr yuritiladi. Insonlar o'rtasidagi xunrezliklar, o'z manfaatlari uchun jigarlarini ham ayamasliklari to'g'risida Cho'tir Baymoq kampir tilidan aytib o'tiladi. Insoniyatning tabiatga bo'lgan ayovsiz munosabati nadomat bilan tilga olinadi. Shoxdor ona bug'u ikki yetim bolani boqib, voyaga yetkazadi va Bug'ular avlodining shajarasi paydo bo'lishiga sababchi bo'ladi.

"Ibtido va intiho" usuli. Ushbu usuldan o'qituvchi bolakay obrazini kengroq va chuqurroq ochib berish maqsadida foydalanadi. Har bir guruhga ushbu jadvalni taqdim etib, ularni guruhda muhokama qilgan holda to'ldirish topshiriladi.

Bolakayning asar ibtidosidagi baxtiyorligi sabablari

Oila	Do'stlar	Orzu	Tabiat

Bolakayning asar intihosidagi baxtsizligi sabablari

Oila	Do'stlar	Orzu	Tabiat

Guruhlar jadvalni to'ldirishga harakat qilishadi va o'z mulohazalarini bildirishadi. Guruhlarning javoblari tinglangach, quyidagi slaydlar asosida fikrlarni xulosalash mumkin:

Bolakayning asar ibtidosidagi baxtiyorlik sabablari

Oila	Do'st	Orzu	Tabiat
Bobosi – Mo'min chol	"Tank", "Egar","Tuya", durbin, portfel, pechakgul, shiroljin, bulutlar	Uning bu yil maktabga chiqishi, baliqqa aylanib qolishi, oq kemaga suzib borish, otasi bilan ko'rishish, kema matrosi bo'lish	Ko'lobda miriqib cho'milish, soatlab durbin bilan atrofni kuzatish, Shoxdor ona bug'udan faxrlanish va uni e'zozlash

Bolakayning asar intixosidagi baxtsizligi sabablari

Oila	Do'st	Orzu	Tabiat
O'z ota-onasining tashlab ketgani, O'roz-qulning zulmlari, Bo'keyning baxtsizligi, bobosining o'lar holatda ichishi	Bolalardan do'sti yo'qligi, jonsiz do'stlari yordam berolmagani	Maktab ovuldan 5 ming chaqirim uzoqdaligi, har kuni maktab partasida o'tira olmasligini tushungani, oq kema hech qachon yoniga suzib kelmasligi	Shoxdor ona bug'uning so'yilishi, issiq buyragini unga ushlatib qo'yilishi.

Ushbu usul yordamida o'quvchilar asar bosh qahramonining ruhiy va jismoniy tanazzuli omillari haqida chuqur mulohaza yuritishga va uni atroflicha tahlil qilishga muvaffaq bo'ladilar.

IV. Yangi mavzuni mustahkamlash.

"Men kimman?" usulidan foydalanib, asar qahramonlari xarakteri tahlil qilinadi. Guruhlardan bittadan ishtirokchi taklif etiladi, uning "Men kimman?" degan savoliga raqib guruh biror asar qahramonining ismini aytadi va shu qahramon asosida savollar berishadi. O'quvchi shu qahramon ruhiyatini his etib, uning tilidan, asardan chetlashmagan holda savollarga javob bera-

di. Masalan, **"Mutafakkirlar"** guruhi ishtirokchisi bilan quyidagicha savol-javob o'tkazilishi mumkin:

– Men kimman?

– Siz Mo'min cholsiz.

– Qanday savollaringiz bor?

– Nega sizni Mo'min Chaqqon deyishlarini bilasizmi?

– Albatta, men har doim atrofimdagilarga yordamga tayyorman, eng qiyin va mas'uliyatli ishlarni bajarishdan charchamayman. Yosh-u qari menga yumush aytishi mumkin, lekin bundan hech qachon xafa bo'lmaganman, jonim bilan yordam beraman. O'zimni hammaga kerakli inson deb hisoblayman, har bir ishni tez va sarishta bajaraman, balki shuning uchun meni Mo'min Chaqqon deyishar.

– Sizni nima xafa qilishi mumkin?

– Ovulda kattalar tomonidan tashkil etiladigan ma'rakalarga aytilmay, eslaridan chiqib qolishim yoqmaydi. Meni aytishmagani emas, balki ma'rakalarda qadim-qadimdan bajarilib kelinayotgan urf-odatlarni to'liq ado etishmasligi meni qattiq xafa qiladi.

...Suhbat shu tarzda davom etadi. So'ng **"Allomalar" guruhi** ishtirokchisi bilan savol-javob qilinadi:

– Men kimman?

– Siz bolakaysiz.

– Menga qanday savollaringiz bor?

– Nega tabiat bilan gaplashasiz?

– Chunki men tabiat quchog'ida tug'ilganman, boshqa bolalar yo'q, do'stlarim ham, sirdoshim ham, ota-onam ham tabiat. Masalan, *"Tank", "Egar", "Bo'ri", "Tuya"* kabi tosh-do'stlarim bor. Yana bir talay yaxshi va yomon gullar, o'simliklardan do'stlarim bor. Muhimi, men tabiatni sevaman, tabiat ham menga o'z sirlarini ochgan.

– Bobongiz-chi, u qanchalar qadrli?

– Bobomning barcha xislatlari yoqadi, u menga juda mehribon, jonkuyar. Men voyaga yetib, yaxshi inson bo'lishimga ishonadi. Bobomni atrofidagilar qiynashi, g'amga botirishi meni azoblaydi.

– Oddiy portfel bilan ham gaplashsa bo'ladimi?

– Albatta, uni qancha uzoq kutdim, axir! Bobom portfel olib berishlarini bilar edim, chunki 7 yoshga to'lib, 8 yoshga o'tdim, bu yil maktabga borishim aniq. Portfelim bilan uzoq suhbatlashishim mumkin, chunki portfelim orzu-umidlarim darakchisidir...

Bu usul yordamida o'quvchilar asar qahramonlarini ruhan his qilishga harakat qiladilar, o'zini ular o'rnida tasavvur qila oladilar, ular uchragan muammolar qarshisidan chiqadilar, asosiysi, "Oq kema" asari olamiga kirishga muvaffaq bo'ladilar.

Darsning bu bosqichida **"O'n ikki oy bir yilda"** usulidan foydalanib savol va topshiriqlar bilan ishlanadi. Buning uchun guruhlar xohlagan oy nomini aytadilar. Masalan, **yanvar oyini** tanlashsa, 1-raqamli savol o'qib eshittiriladi, **mart oyini** tanlashsa, 3-raqamli savolga javob berishlariga to'g'ri keladi.

1. Chaqirtikanak, supurgio't va pechakgullarga bo'lgan bolakayning munosabati uning qaysi jihatlarini ko'rsatadi deb o'ylaysiz?

2. Bolaning bobosi Mo'min chol tabiati haqida nima deya olasiz? Uni nega hurmat qilishmaydi, u bilan nima uchun hisoblashishmaydi?

3. Adib nega Mo'min cholni "kamdan kam uchraydigan baxtli odam edi" deya ta'riflagan?

4. Bolaning durbin va portfeli bilan suhbatlashuvini nima deb tushuntirish mumkin? Sizda ham qachonlardir shunday holat bo'lganmi?

5. Bolaning baliq bo'lish va oq kemagacha suzib borish haqidagi orzusi nima uchun va qanday paydo bo'ldi?

6. Shoxdor ona bug'uning yetim bola va qizchaga ko'rsatgan mehribonchiligi sababi nimada deb o'ylaysiz? Fikringizni asar matniga tayanib asoslashga urining.

7. Shoxdor ona bug'u avlodlarining buzilishi qaysi voqeadan boshlanganini qissa matniga tayanib tushuntiring.

8. Bug'u boshini maydalayotgan O'rozqulning boltasi jonivorning ko'ziga kelib tekkanida bola nega chinqirib yuborganligini qissa matniga tayanib izohlang.

9. Bobosining Shoxdor ona bug'u haqidagi ertagi bolaga ko'rsatgan ta'siri ifoda qilingan o'rinlarni toping va buning sabablarini tushuntirishga urining.

10. Bolaning tengdoshlarisiz, yolg'iz ekanligi sababini tushuntiring.

11. Bolaning katta odamlar o'rtasida adolat, ezgulik, olijanoblik yo'qligi borasida qat'iy xulosaga kelishiga qaysi voqea turtki bo'ldi deb o'ylaysiz?

12. Bolani o'z ertagi qo'yniga – baliq bo'lib uzoq Issiqko'l tomon suzib ketishga undagan eng so'nggi voqea nima edi?

V. Baholash va rag'batlantirish.

O'quvchilarning individual olgan baholari jamlanadi, guruhlar ballari "Bilimlar sandig'i"dan olib hisoblanadi, g'olib guruh e'lon qilinadi. **"Mutafakkirlar"** hamda **"Allomalar"** guruhlaridan eng faol ishtirokchi aniqlanib, ular **"Bilimdonlar bilimdoni"** deya taqdirlanadilar.

6. Uyga vazifa.

Asar qahramonlariga maktub yozish, asar asosida rasmlar chizish.

Moxin OMAROVA,
Toshkent shahar Yashnobod tumanidagi 153-umumiy o‘rta ta’lim maktabining ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi,
Xalq ta’limi a’lochisi

«KO‘NGLUMDIN O‘ZGA MAHRAMI ASROR TOPMADIM...»

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR HAYOTI VA IJODINI O‘RGANISH USULLARI

(Mustahkamlash darsi)

(9-sinf, II chorak)

Darsning maqsadi:

a) ta’limiy maqsad: o‘quvchilarning Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodi yuzasidan olgan bilim, ko‘nikma va malakalarini mustahkamlash;

b) tarbiyaviy maqsad: o‘quvchilarni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalash, ularda o‘zaro hamjihatlik tuyg‘ularini shakllantirish;

d) rivojlantiruvchi maqsad: o‘quvchilarning og‘zaki nutq malakalarini rivojlantirish, mantiqiy fikrlash doirasini kengaytirish, xulosa chiqarish va fikrni himoya qilishga o‘rgatish.

Dars turi: mustahkamlovchi va nazorat qiluvchi.

Darsda foydalaniladigan usullar: musobaqa, “Davom ettir”, “Chiroyli ta’rif”, “Rasmlar izohi”, “Xotira mashqi”.

Darsda foydalaniladigan jihozlar: darslik, Bobur portreti va asarlari, slaydlar, oq qog‘oz, marker, plakatlar.

Darsning borishi:

Dastlab o‘qituvchining avvalgi darsda bergan qo‘shimcha ma’lumotlari va darslikdagi materiallar asosida savol-javob o‘tkaziladi. So‘ngra mavzuni mustahkamlash maqsadida **“Davom ettir”** usulidan foydalanish mumkin. Buning uchun har bir o‘quvchi Bobur hayoti va ijodiga oid ma’lumotlarni ketma-ket bayon etishlari kerak. Masalan:

1-o‘quvchi: Bobur dunyoni hayratga solgan yirik davlat va madaniyat arbobi, mohir sarkarda, donishmand tarixchi, zakovatli olim va tarjimondir.

2-o‘quvchi: Bobur 1843-yilda tavallud topgan.

3-o‘quvchi: Otasi Umarshayx Mirzo Amir Temurga to‘rtinchi avlod – evara edi.

4-o‘quvchi: Onasi Qutlug‘ Nigorxonimning otasi Yunusxon edi.

5-o‘quvchi: Boburning siyosiy faoliyati juda erta – otasi Umarshayx Mirzoning kutilmaganda vafot etishi munosabati bilan boshlangan. Shunda Bobur bor-yo‘g‘i 12 yoshda edi.

6-o‘quvchi: Bobur 15 yoshida – 1497-yilda sohibqiron Amir Temur poytaxt qilgan Samarqand shahrini egallaydi.

7-o‘quvchi: Lekin moddiy tanqislik va qaltis siyosiy vaziyat tufayli bu shaharni tashlab chiqishga majbur bo‘ladi.

8-o‘quvchi: Ikki yilga yaqin sarson-sargardonlikdan so‘ng 1504-yilda Kobulga yo‘l oladi. Kobul va G‘aznani jangsiz egallaydi va o‘zini shoh deb e’lon qiladi.

9-o‘quvchi: 1507-yildan Hindistonni zabt etish harakatiga tushgan Bobur 1526-yilda o‘z maqsadiga erishadi.

10-o‘quvchi: Bobur hind yerida keyinchalik Yevropada “Buyuk mo‘g‘ul imperiyasi” deb atalgan ulkan saltanatga asos soldi. Bobur va boburiylar hukmdorligi Hindiston tarixida muhim ahamiyat kasb etdi.

O‘quvchilar darsdagi ishtirokiga ko‘ra rag‘batlantirilib boriladi.

Yangi mavzu bayoni:

O‘qituvchi quyidagi ma’lumotlar bilan o‘quvchilarni tanishtiradi: Ulug‘ shoir, adib, qomusiy ilmlar sohibi, mohir sarkarda va yirik davlat arbobi Bobur 12 yoshida taxtga o‘tirgan, 1503–1504-yillarda Afg‘onistonni egallab, 1519–1525-yillarda Hindistonga 5 marta yurish qilgan.

Uch asrdan ziyod davom etgan (1526–1858) boburiylar saltanatiga asos solgan Bobur 1530-yilning 26-dekabrida Agrada vafot etgan. Keyinchalik uning xoki Kobulga ko‘chirilgan.

Yurt sog‘inchi Boburning hayoti va ijodida chuqur iz qoldirgan. Ammo u metin irodasi va shijoati bilan nafaqat temuriylar sulolasini saqlab qoldi, balki yangi – boburiylar sulolasiga asos soldi. Bobur va uning avlodlari Hindistonda qisqa vaqt ichida turli din va mazhablarni birlashtirib, mustahkam davlat barpo qilishdi. Bobur Mirzo ijod ahliga, olim-u fozillarga homiylik qildi, ularni moddiy va ma’naviy rag‘batlantirib turdi.

Bobur umrining oxirigacha ijod bilan shug‘ullanib, o‘zidan boy ilmiy va adabiy meros qoldirdi.

So‘ngra o‘quvchilar e’tiboriga Bobur haqida adiblarning fikrlari aks etgan quyidagi slaydlar havola etiladi:

1-slayd

U turli go‘zal fazilatlar, maqtovga loyiq sifatlarga ega podshoh edi. Barcha sifatlari ichida shijoat va muruvvatpeshaligi ustun kelardi.

Mirzo Haydar

e-mail: til@sarkor.uz

2-slayd

Chig'atoy sultonlarining eng sarasi va zo'r shijoatlisi edi.

Hasanxo'ja Nisoriy

3-slayd

Bobur – dilbar shaxs. Uyg'onish davrining tipik hukmdori, mard va tadbirkor odam bo'lgan. U san'atni, adabiyotni sevardi, hayotdan huzur qilishni yaxshi ko'rardi.

Javoharlal Neru

4-slayd

Ko'pdin berikim, yor-u diyorim yo'qtur,
Bir lahza-u bir nafas qarorim yo'qtur.
Keldim bu sori o'z ixtiyorim birla,
Lekin borurimda ixtiyorim yo'qtur.

Mavzuni mustahkamlash:

O'quvchilar to'rt guruhga bo'linib, har bir guruh uyda qo'shimcha topshiriq sifatida tayyorgarlik ko'rib kelgan o'z bilimlarini namoyish etadi va guruhlar bilan olgan bilimlari yuzasidan o'rtoqlashadi. Shu asnoda mavzu hammaga anglashiladi. O'quvchilar guruhlarda ishlab, o'z fikrlarini quyidagicha bildirishlari mumkin:



"Shoir" guruhi fikri: Boburning shoirligi o'zining takrorlanmas lirik ohanglari bilan butun insoniyatni rom etib kelmoqda. Uning she'rlarida vatanparvarlik, hijron, yuksak ma'naviy fazilatlar tarannumi ustuvorlik qiladi. Bobur lirikasidagi yuksak badiiyatning sodda va samimiy ifodasi ko'ngillarga huzur va orom beradi.

Boburdan bizga ulkan meros qolgan. Bu meros shoirning devonlari, "Boburnoma"si, qator ilmiy, tarixiy, diniy-falsafiy va axloqiy-ta'limiy ruhdagi asarlaridan iborat. Lirik merosi "Kobul devoni" 1528–1529-yillarda "Hind devoni"ga jamlangan. She'rlarining umumiy hajmi 400 dan ortadi. Bobur Xoja Ubaydulloning "Risolayi Volidiya"sini o'zbekchalashtirdi, musulmon axloqiga oid "Mubayyin" masnaviysini yaratdi, "Xatti Boburiy"ni ixtiro qildi, aruz nazariyasi va amaliyotiga oid "Muxtasar" nomli tadqiqotni yuzaga keltirdi.

Ingliz sharqshunosi Monstyart Elfinston "Boburnoma"ga shunday ta'rif bergan edi: *«Uning uslubi oddiy va mardona, jonli va obrazli. U o'z zamondoshlarining qiyofalari, urf-odatlari va intilishlarini, qiliqlarini oynadek ravshan tasvirlaydi. Shu jihatdan "Boburnoma" asari Osiyoda yagona, chinakam tarixiy tasvir namunasidir».*

«Shoh» guruhi fikri: Buyuk bobokaloni Amir Temur tuzgan saltanatni saqlab qolishdek ulkan majburiyat otasi Umarshayx Mirzo olamdan o'tgach, Boburning zimmasiga tushdi. Toj-u taxt uchun kurashda xonavayron bo'lgan saltanatni tiklash yo'lidagi tinimsiz kurash, g'alaba va mag'lubiyatlar gohida shodlik, gohida g'amalam olib keldi.

Boburning yagona maqsadi yirik va mustahkam markazlashgan davlat tuzishdan iborat bo'lgan. Bu maqsad amalga oshdi. Biroq u o'zi tug'ilib o'sgan yurtda emas, balki undan ancha olisda – Hindistonda amalga oshdi. Adibning o'zi bu hodisadan doimo iztirobda bo'lganligi asarlarida juda yorqin tarzda aks etgan:

Tole yo'qi jonimg'a balolig' bo'ldi,
Har ishniki ayladim, xatolig' bo'ldi.
O'z yerni qo'yib Hind sori yuzlandim,
Yo Rab, netayin, ne yuz qarolig' bo'ldi.

Atoqli adib Xayriddin Sultonov Bobur haqida shunday deydi: *«Saodatmand shoh – Bobur Mirzoga hind tuprog'ida besh yilgina hukmdorlik nash'asini surish nasib etdi, xolos. Jang-u jadallar, mislsiz uqubatlar, cheksiz insoniy iztiroblar, Vatan sog'inchi bilan yo'g'rilgan bu yillar yangi turkiy-hindiy davlatining shakllanish davri hamda hassos shoir Bobur she'riy ijodining gullagan bir fasli bo'ldi».*

"Sarkarda" guruhi fikri: Bobur mohir sarkarda va davlat arbobi sifatida ham shuhrat qozondi. Bobur yashagan o'sha ziddiyatli zamonda davlatni boshqarish uchun jasur sarkarda bo'lish juda muhim edi. Tabiat Boburga ana shunday xislatni in'om etgan edi. Dovyurakligi va jasurligi uchun u yoshligidan "Bobur" (sher) laqabini oladi. U ajoyib suvoriy, suzuvchi, qilichboz, kamonboz edi. Uning vujudida sarkardalarga xos

dovyuraklik, g‘ayrat, epchillik mujassam edi. Epchillikda unga teng keladigan odam kamdan kam topilgan. Manbalarda qayd etilishicha, u jismoniy jihatdan ham shunday baquvvat bo‘lganki, ikki qo‘ltig‘iga ikkita odamni olib qal’a devori ustida mashq qilgan. Bundan tashqari Bobur o‘limga tik qarash, o‘ziga va o‘z taqdiriga ishonish kabi fazilatlarga ega bo‘lgan. Bu fazilatlar esa unga kishilarni doimo o‘z ortidan ergashtirish imkonini bergan.

Bobur janglarda kimlar bilan to‘qnash kelishidan qat’i nazar, raqibining jang usullarini o‘rgangan. Chunonchi, shayboniylardan urushning “to‘lg‘ama” usulini, mo‘g‘ullardan pistirma qo‘yish, afg‘onlardan poroxli miltiq ishlatishni o‘zlashtirgan. Bundan tashqari Bobur kuchli to‘pchilar qo‘shinini tuza olgan. Uning mohir sarkardaligini hatto chet el olimlari ham tan olgan.

“Olim” guruhi fikri: Zahiriddin Muhammad Bobur nafaqat buyuk davlat arbobi, mohir sarkarda, shoir, bastakor, ayni paytda yirik tarixchi olim hamdir. “Boburnoma” – uning nomini abadiylikka muhrlagan asardir. Bu asar – Movarounnahr, Afg‘oniston, Hindiston va Eron xalqlari tarixi, geografiyasi haqida qimmatli ma’lumotlarni beradi va memuar (xotira) asarlar sirasiga kiradi.

Bobur o‘z kitobida Hindiston haqida, jumladan, quyidagilarni yozib qoldirgan: *“Hindiston... bizning viloyatlardan o‘zgacha olamdir. Tog‘ va daryosi, sahrosi, hayvonot va nabototi, eli va tili, yomg‘iri va yeli – barchasi o‘zgachadir”.*

Boburning adabiy-badiiy faoliyatida lirik she’rlar alohida o‘rin tutadi. Ularda insoniylik, mehr-muruvvat g‘oyalari ilgari suriladi. Uning “Mubayyin” asarida o‘sha zamon soliq tizimi, soliq yig‘ishning qonun-qoidalari bayon etilgan.

Mavzuni mustahkamlash uchun guruhlar o‘zaro fikr almashadilar, o‘zlari bilmagan yangiliklarni bilib olganliklarini bayon etib, bir-birlariga minnatdorchilik bildiradilar.

O‘quvchilar darsdagi ishtirokiga ko‘ra o‘qituvchi tomonidan rag‘batlantirilib boriladi.

O‘quvchilarning Bobur ijodini qanday o‘zlashtirganliklarini baholash maqsadida **“Chiroyli ta’rif”** usulidan foydalanish mumkin. Bunda har bir guruh “Boburnoma” asarini ta’riflaydi va bu jarayonda o‘zidan oldin aytilgan fikrni takrorlamasligi shart.

“Shoir” guruhi: “Boburnoma” – ilmiy-adabiy va tarixiy ahamiyatga molik asar. Unda o‘z davridagi ko‘plab kishilarning turli vaziyatlardagi kechinmalari, Osiyoning ko‘plab tog‘lari, daryolari, o‘rmon va cho‘llari, iqlimi, aholisi, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy ahvoli haqidagi ma’lumotlar jamlangan.

“Shoh” guruhi: “Boburnoma” – o‘zbek nasrining go‘zal namunasi. Bu paytgacha Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asarining muqaddimasida, Rabg‘uziy ijodida nasr namunalari uchrar edi. A.Navoiy o‘zbek tilini yuqori pog‘onaga olib chiqdi. Biroq “Boburnoma” bu borada o‘zbek nasrining o‘ziga xos kashfiyoti sifatida yuz ko‘rsatdi.

“Sarkarda” guruhi: “Boburnoma” – noyob memuar asar. “Boburnoma”da adabiyot va san’at ahli, ilm-ma’rifat kishilariga ham munosib o‘rin berilgan. Bu o‘rinda adibning A.Navoiy haqidagi ma’lumotlari alohida ahamiyat kasb etadi. Bobur ushbu asarida Navoiy siymosiga bir necha marotaba murojaat qilganini kuzatish mumkin. Yana Navoiy va Husayn Boyqaro munosabatlari haqida ko‘plab qimmatli ma’lumotlar mavjud.

“Olim” guruhi: “Boburnoma”da O‘rta Osiyoning o‘ziga xos nabotot va hayvonot olami haqida nodir ma’lumotlar, jumladan, Afg‘onistondagi Dashti Shayxda o‘sadigan o‘ttiz uch xildagi bir-birini takrorlamaydigan lola turlari, Hindistondan boshqa mintaqalarda uchramaydigan tabiatning o‘ziga xos xususiyatlari haqida ko‘plab ma’lumotlar keltiriladi.

Guruhlar fikrlari tinglanib, rag‘batlantiriladi.

Shundan so‘ng **“Rasmlar izohi”** usulidan foydalangan holda o‘quvchilardan quyidagi slaydlarda berilgan rasmlarni izohlashlari so‘raladi.

Xurshid Nazirov chizgan miniatura

Boburning toj kiyib Farg‘ona taxtiga chiqishi

(Rasmlar “Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodi” (T.,2012) kitobidan olindi.)

Shundan so‘ng **“Xotira mashqi”** usulidan foydalangan holda o‘quvchilar Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodining muhim sanalarini qay darajada yodda saqlab qolganliklarini sinash maqsadida ularga quyidagi savollar beriladi:

1. Zahiriddin Muhammad Bobur qachon tavallud topgan? *(1483-yil 14-fevralda)*
2. Bobur qachon otasi Umarshayx Mirzo o‘rniga taxtga o‘tirdi? *(1495-yilda)*
3. Samarqandni Shayboniyxon qachon egallab oldi? *(1500-yilda)*
4. Bobur qachon Afg‘onistonga yo‘l oldi va qachon Kobul taxtini qo‘lga kiritdi? *(1504–1508-yillarda)*

e-mail: til@sarkor.uz

5. Bobur qachon ilk marta Hindistonga yurish qildi? *(1519-yilda)*

6. Boburning uchinchi marta Hindistonga yurishi, Sialkot va Saidpur qal'alarini egallashi nechanchi yilda bo'lib o'tgan? *(1520-yilda)*

7. Bobur qachon Hindistonga beshinchi marta yalpi yurish boshlab, uzil-kesil g'alaba qozondi? *(1525-yil)*

8. Bobur qachon Panipatda Ibrohim Lo'diy askarlarini yengdi? *(1526-yil 27-aprelda)*

9. Bobur qachon vafot etgan? *(1530-yil 26-dekabrda)*

O'quvchilar ishtirokiga ko'ra rag'batlantirilib va baholanib boriladi.

O'qituvchi:

– Bobur Hindistonning o'ziga xos tabiatiga alohida ta'rif bitdi. Uning purviqor tog' va cheksiz daryolari, hadsiz cho'l va sanoqsiz o'rmonlari, o'simliklariga maftun bo'ldi. Hozirda Jamna bo'yida undan yodgor bo'lib qolgan so'lim maskanlar "Bog'i Orom", "Bog'i Zarafshon", "Bog'i Nilufar" deb ataladi.

Bobur Andijonda hukmronlik qilgan yillarda Bog'ishamol adirlarida turib ona yurtini tomosha qilishni xush ko'rar, bu yerda yozgi bog' barpo etishni niyat qilar edi. Oradan qariyb besh asr o'tib, shoirning bu orzusi ro'yobga chiqdi. Istiqlolning dastlabki yillarida bu yerda milliy bog' barpo etilib, unga Bobur nomi berildi.

Keling, aziz o'quvchilar, Bobur bog'idan bahramand bo'laylik *(Sinfdagi daraxt maketining barglariga shoir lirik merosidan lavhalar va unga tegishli topshiriqlar yozilgan bo'ladi. O'quvchilar ushbu barglarda keltirilgan g'azallarni ifodali yod aytishlari talab qilinadi. Masalan: "Topmadim" radifli g'azaldan berilgan parchani).*

Har guruhdan bittadan o'quvchi chiqadi.

"Shoh" guruhi:
Jonimdin o'zga yori vafodor topmadim,
Ko'nglumdin o'zga mahrami asror topmadim.

"Shoir" guruhi:
Qaro zulfung firoqida parishon ro'zgorim bor,
Yuzungning ishtiyoqida ne sabr-u qarorim bor.

"Sarkarda" guruhi:
Charxning men ko'rmagan jabr-u jafosi qoldimu?!
Xasta ko'nglum chekmagan dard-u balosi qoldimu?!

"Olim" guruhi:
Har kimki vafo qilsa, vafo topqusidur,
Har kimki jafo qilsa, jafo topqusidur.
Yaxshi kishi ko'rmagay yomonlik hargiz,
Har kimki yomon bo'lsa, jazo topqusidur.

Baholash va rag'batlantirish.

Darsda faol ishtirok etgan guruh ballari izohlanadi, rag'batlantiriladi. Eng ko'p rag'bat yig'gan guruhga Boburning "Boburnoma" asarini mukofot tariqasida topshirish mumkin.

Uyga vazifa:

1. "Bobur bobomga maktub" mavzusida matn tuzish.
2. Bobur g'azallaridan birini ifodali yod olish.

Zahiriddin Muhammad Bobur

RUBOIYLAR*

* * *

Ko'pdin berikim, yor-u diyorim yo'qtur,
Bir lahza-u bir nafas qarorim yo'qtur.
Keldim bu sori o'z ixtiyorim birla,
Lekin borurimda ixtiyorim yo'qtur.

* * *

Kim yor anga ilm, tolibi ilm kerak,
O'rgangali ilm tolibi ilm kerak!
Men tolibi ilm-u tolibi ilme yo'q,
Men bormen ilm tolibi — ilm kerak.

* * *

Har yerdaki gul bo'lsa, tikon bo'lsa, ne tong?!
Har qandaki may durdidan bo'lsa, ne tong?!
She'rimda agar hazl, agar jid, kechurung,
Yaxshi borida agar yomon bo'lsa, ne tong?!

* * *

To qilg'ali zikr tab' nomini ko'ngul,
Vird ayladi tab' ahli kalomini ko'ngul.
To hajr g'am-u mehnati taskin topqay,
Istaydurur ahbob payomini ko'ngul.

* * *

Bu olam aro ajab alamlar ko'rdum,
Olam elidin turfa sitamlar ko'rdum.
Har kim bu «Vaqoye'»ni o'qur, bilgaykim,
Ne ranj-u ne mehnat-u ne g'amlar ko'rdum.

* * *

Davlatqa yetib, mehnat elin unutma!
Bu besh kun uchun o'zungni asru tutma!
Borg'onni, kel emdi, yod qilmay, ey do'st,
Borish-kelishingni lutf etib, o'ksutma!

*Ruboiylar www.ijod.uz/?p=7788 saytidan olindi.

Gulnora ESHCHANOVA,
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti o‘qituvchisi, pedagogika fanlari nomzodi

INNOVATSION TA’LIM TEXNOLOGIYALARI – SAMARADORLIK GAROVI

Ta’lim olish izchil tarzda, ijtimoiy munosabatlar (mikrofaktorlar, mezofaktorlar, matbuot, hayotiy tajribalar) asosida shakllanib boradi. Ta’lim olishning samaradorligi shaxsning atrof-muhitga, jamiyatga bo‘lgan faol munosabatiga bog‘liq.

Odatda, ta’lim tushunchasi yosh avlodga ma’lum bilim, ko‘nikma, malakalarni yetkazish deb ta’riflanadi. Ammo yetkazish tushunchasi ta’limning mohiyatini to‘laqonli yoritib bera olmaydi. Chunki bilim, ko‘nikma, malakalar biror predmet emaski, uni to‘laqonli holda qabul qilib olsa. Shuni unutmaslik kerakki, har qanday ilm ta’lim jarayonida o‘quvchilarda osonlik bilan bilimga aylanib qolmaydi. Ilmning bilimga aylanishi uchun bir qator obyektiv shart-sharoitlar yaratilishi lozim. Bunda o‘qituvchi va o‘quvchilarning ta’lim jarayonidagi faol munosabati, ta’lim vositalari bilan ta’minlanganlik darajasi, o‘qituvchining pedagogik mahorati va boshqa omillar zarur bo‘ladi. Ma’lumki, o‘quv jarayoni bir qator pedagogik-psixologik faoliyatlarni o‘zida birlashtiradi. Bular:

1. Gnostik faoliyat, ya’ni borliqni idrok etish.
2. Pertseptiv faoliyat. Masalan: ko‘rib chiqish, eshitish, kuzatish yoki simvolik faoliyat (tasvirlash, belgilash).
3. Amaliy faoliyat, ya’ni pedagogning ko‘rsatmalari asosida bajarish.

Adabiy jarayonda yuqorida qayd etilgan faoliyatlar ichida gnostik faoliyat ustuvor xususiyatga ega bo‘lib, bu faoliyat asosida badiiy asarni o‘rganishning rivojlantiruvchi maqsadi amalga oshiriladi. Adabiy ta’lim jarayonida o‘qituvchi ushbu psixologik faoliyatni yuzaga keltiruvchi innovatsion texnologiyalardan unumli foydalanishi lozim. Ta’lim olish ma’lum xatti-harakatlar asosida yuzaga keladi. Shularni inobatga olgan holda adabiyot darslarida badiiy asarlar tahlilini bosqichma-bosqich tarzda belgilangan tartibda to‘g‘ri tashkil etish zarur bo‘ladi. Bular quyidagilardan iborat:

1. Badiiy asar mazmunini passiv holda qabul qilish va idrok etish, o‘zlashtirish.
2. Asar tahlilida zarur bo‘lgan ma’lumotlarni faol, mustaqil holda izlash va topish.
3. Badiiy asar mazmunidan tashqari unga doir qo‘shimcha materiallarni qidirish va topish.

Endi ushbu bosqichlarni pedagogik-psixologik jihatdan ko‘rib chiqamiz:

I bosqich. Bu bosqichda pedagog o‘quvchilarni badiiy asar bilan tanishtiradi va ma’lum bir o‘quv faoliyatiga yo‘naltiradi. Bunda u reproduktiv metodlar, ko‘rgazmali qurollar, mavzuga doir ilmiy va badiiy adabiyotlardan foydalanadi. Anglaganingizdek, bu bosqichda o‘qituvchi o‘quvchilarga obyekt sifatida qaraydi.

II bosqich. O‘quvchilar subyekt sifatida badiiy asarni o‘z qiziqishlari, maqsadlari asosida tahlil qiladi. Mazkur bosqichning asosini o‘quvchilarning qiziqishi, asar tahlilida nimalarga e’tibor qaratish lozimligini anglashi va bunga bo‘lgan ehtiyoji hamda faoliyati tashkil etadi.

III bosqich. O‘quvchilar o‘quv tafakkur faoliyatining subyekti sifatida faoliyat yuritib, o‘z qarashlari asosida qiziqishlarini amalga oshiradi, ya’ni badiiy asar tahliliga o‘zlarini qiziqtirgan jihatlar asosida yondashadi. Ushbu bosqich asosini o‘quvchilarning o‘z intellektual imkoniyatini maqsad sari yo‘naltirishlari tashkil etadi.

Yuqoridagilarga tayangan holda biz quyida Behbudiyning “Padarkush” dramasini o‘rganishga doir dars loyihasini e’tiboringizga havola etamiz.

Mavzu: Mahmudxo‘ja Behbudiyning “Padarkush” dramasi.

Darsning maqsadi:

a) ta’limiy maqsad: Behbudiyning “Padarkush” dramasini mustaqil o‘qish, unda aks ettirilgan muammolar va asar voqealarining bugungi kundagi ahamiyatini aniqlash, tegishli xulosalar chiqarish, ta’lim mazmunini o‘zlashtirishda malaka va ko‘nikmalar hosil qilish, ijodiy tafakkurni shakllantirish;

b) tarbiyaviy maqsad: dramadagi voqelik va obrazlar misolida insonning insonga ijobiy yoki salbiy munosabati va ta’siri haqida tushuncha berish;

d) rivojlantiruvchi maqsad: o‘zlikni anglash va bilimning inson hayotidagi ijobiy roli, ijtimoiy mohiyatini tahlil qilish, belgilangan maqsadlar qatorini ta’lim jarayonining natijalari bilan qiyoslash.

Mashg‘ulotdan kutilayotgan natija: o‘quvchilarning asar voqealariga asoslanib, mustaqil tarzda zaruriy xulosalar chiqarishlariga erishish.

Darsda foydalaniladigan jihozlar: Mahmudxo‘ja Behbudiyning portreti, asarlari, “Padarkush” dramasining matni, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, Xalqaro bolalar Konvensiyasi.

Darsda foydalaniladigan usul: keys-stadi.

Darsning borishi: o‘qituvchi o‘quvchilarga “Padarkush” dramasining tahlilida e’tibor qaratilishi lozim bo‘lgan bosh va kichik muammolar haqida ma’lumot beradi. Ular taxminan quyidagicha bo‘lishi mumkin:

Bosh muammo – “Padarkush” dramasini o‘qib, unda aks ettirilgan voqealarini tahlil qilish va undagi global muammoni aniqlash.

Kichik muammolar:

– asarda ifodalangan voqealarni tahlil qilish;

– asardagi jinoyatchilar guruhi turli millat vakillaridan iborat tarzda tasvirlanganligi sababini aniqlash;

– asarda boyning pinakka ketish epizodi nima uchun berilganligi yuzasidan o‘z mulohazalarini bayon etish.

e-mail: til@sarkor.uz

O'qituvchi bu muammolarning dasturiy xaritasi bilan birga ularning yechimini topish uchun zarur bo'lgan obyektlarni ham taqdim etadi:

1. Dramaning matni.
2. Dramadagi obrazlar tizimi.
3. Ta'lim-tarbiya bilan bog'liq masalalar.
4. Xalqaro bolalar Konvensiyasi.
5. Milliy g'oya.

O'quvchilarga ma'lumotlarni qayerdan va qanday qilib yig'ish lozimligi haqida quyidagicha ko'rsatmalar beriladi:

– dramaning yaratilishi bilan bog'liq ma'lumotlar;
– adabiyotshunoslarning drama tahliliga bag'ishlangan tadqiqotlari;
– internet materiallari;
– ilmiy maqola, dissertatsiya va monografiyalar.

O'quvchilarning «Padarkush» dramasi tahlili jarayonida bilishlari zarur bo'lgan jihatlar:

– asar tadqiqi va tahlili bilan bog'liq ma'lumotlarni o'rganish;
– dramaning o'ziga xos xususiyatlari va ularning ahamiyatini sanab berish;
– dramada ifodalangan badiiy voqelikning dolzarbligi sabablarini anglash;
– dramaga badiiy va g'oyaviy jihatdan baho berish;
– dramadagi voqealardan tegishli xulosalar chiqarish.

«Padarkush» dramasi tahlilida e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan jihatlar:

– dramaning botiniy va zohiriy mazmunini o'rganish hamda xulosalar chiqarish;
– dramadagi obrazlar tizimini o'rganish va tahlil qilish;
– asarni tahlil qilish va tegishli xulosalar chiqarish;
– asarning yoshlar tarbiyasi bilan bog'liq jihatlarini aniqlash.

«Padarkush» dramasi tahlilining amalga oshirilishi haqidagi ma'lumotlar:

1) ma'lumotlarni to'plash;
2) obyekt: kutubxonalar, arxiv ma'lumotlari va internet resurslar;
3) o'rganilgan ma'lumotlar asosida chiqarilgan xulosalar;
4) tuzilmaviy, kichik hajmdagi muammolarning yechimi.

O'quvchilarning mavzu yuzasidan to'plagan ma'lumotlarini taqdim etish shakllari: referat, ma'ruza, konspekt, esse, insho, maqola yoki slaydlar.

Yuqoridagi topshiriqlar o'quvchilarning ketma-ketlik asosida faoliyat yuritishini ta'minlaydi. Dastlab, o'quvchilar asar matni bilan tanishadilar, shundan so'ng asar tadqiqi va tahlili bilan bog'liq ma'lumotlar asosida o'zlari chiqargan xulosalarni taqdim etadilar.

Asarni bu tarzda o'rganish o'quvchilarda izlanuvchanlik, ijodkorlik qobiliyatlarini tarbiyalaydi, tegishli xulosalar chiqarish malakasini shakllantiradi.

Adabiyot darslarida dars loyihasini innovatsiyalar asosida tashkil etish o'qituvchidan ham jiddiy izlanishlarni talab etadi. Chunki loyihaning muvaffaqiyatli amalga oshishi uchun aniq va zaruriy maqsadlar ro'yxati ishlab chiqilishi va har bir maqsad asosida vazifalar belgilanishi lozim. Maqsadlarga erishganlik darajasi esa nazorat bosqichida aniqlanadi. Ushbu jarayonda o'qituvchi o'quvchilar bilan hamkorlikda reproduktiv metodlar asosida analiz, sintez, umumlashtirish, baho berish kabi bir qator mantiqiy amallarni bajaradi. Bunda ta'lim jarayonida amal qilinishi lozim hisoblangan insonparvarlik pedagogikasi ustuvor bo'lib, o'quvchilar mustaqil fikr yuritishga yo'naltiriladi va ta'lim jarayonining samaradorligi oshadi.

Rixsixon UBAYXO'JAYEVA,
Toshkent viloyati pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti dotsenti

"SEN UCHUN KO'KRAGIM ERK YERI..."

Cho'lponning "Binafsha" she'rini o'rganish tajribasidan

Bugungi kunda adabiyot o'qitish metodikasidagi yangilanishlar natijasi o'laroq har bir adib ijodini o'rganishda tarixiy haqiqat mezonlariga asoslanish talab etilmoqda. Bu so'nggi yillarda yaratilgan darslik, metodik qo'llanma va ilmiy-metodik maqolalarda o'z ifodasini topmoqda. Quyida biz umumiy o'rta ta'lim maktablarida Cho'lpon ijodini o'rganish borasidagi metodik tavsiyalarga qo'shimcha tarzda 7-sinfda «Binafsha» she'rini o'rganish yuzasidan ayrim tajribalarni havola etmoqchimiz.

Ma'lumki, umumiy o'rta ta'lim maktablarida Cho'lpon hayoti va ijodi, shuningdek, uning «Go'zal», «Xalq», «Binafsha», «Ko'ngil» she'rlarini o'rganish uchun o'quv dasturidan 2 soat ajratilgan. Ushbu dasturga muvofiq, adib hayoti va ijodi hamda «Binafsha» she'rini 1 soat o'rganish ko'zda tutilgan.

«Binafsha» she'ri XX asr o'zbek she'riyatidagi alohida yorqin sahifa sifatida e'tirof etiladi. 27 misradan iborat mazkur lirik asar o'ziga xos tili va ifoda uslubi bilan alohida ahamiyat kasb etadi.

«Binafsha» she'rini o'rganish jarayonida o'qituvchi kompyuter texnikasidan foydalanishi maqsadga muvofiq. Buning uchun o'qituvchi she'rning to'liq matnini kompyuter yordamida eshittirar ekan, uning fonida kinofotoarxiv materiallari, ko'rgazmali lavhalardan samarali foydalanishi mumkin. Bu esa o'quvchining ifodali o'qish ko'nikmasini shakllantirish bilan birga turli tarixiy lavhalarni yodda saqlab qolishiga yordam beradi. Darslikda mazkur she'rni o'rganish uchun 8 ta savol va topshiriqlar berilgan. Ular quyidagilar:

1. Binafsha obrazi qanday majoziy ma'noga ega deb o'ylaysiz?

(Davomi 28-betda)

Feruza AZIMOVA,
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti o‘qituvchisi

AKADEMIK LITSEYLARDA ALISHER NAVOIY RUBOIYLARI TAHLILI

Alisher Navoiy asarlari ta’lim bosqichlarida uzviylik va uzluksizlik tamoyillari asosida chuqur o‘rganiladi. Xususan, akademik litsey va kasb-hunar kollejlarida ham shoir ijodini o‘rganishga alohida e’tibor qaratilgan.

Akademik litseylarning II bosqichida shoirning bir qator ruboiylarini o‘rganish ko‘zda tutiladi. Dasturda «G‘urbatda g‘arib shodmon bo‘lmas emish», «Zohid senga hur-u menga jonona kerak» ruboiylarini tahlil qilish belgilangan bo‘lib, bu ruboiylar umumiy o‘rta ta’lim maktablarida ham yetarlicha o‘rganilishi nega-dir e’tiborga olinmagan. Biroq akademik litseylarning II bosqich o‘quvchilari uchun “Adabiyot” majmuasida shoirning boshqa bir qator ruboiylari ham berilgan-ki, o‘qituvchi bundan unumli foydalanib, tahlil uchun shoirning turli ruboiylarini tanlashi maqsadga muvofiq. Quyida majmuada keltirilgan ana shunday ruboiylardan birini tahlil qilish usullarini yoritamiz. Dastlabki tahlilni o‘qituvchining o‘zi amalga oshirib, o‘quvchilarni adabiy tahlilga tayyorlashi lozim. Avvalo, ruboiy matni bilan tanishiladi:

Yo‘q dahrda bir besar-u somon mendek,
O‘z holig‘a sargashta-yu hayron mendek.
G‘am ko‘yida xonumoni vayron mendek,
Ya’niki aloxon-u alomon mendek.

Shu o‘rinda ta’kidlash joizki, Navoiy juda ko‘plab ruboiylar yaratgan bo‘lib, ulardan 133 tasi «G‘aroyib us-sig‘ar» devoni tarkibiga kiritilgan. Devondan o‘rin olgan ruboiylar *falsafiy, ijtimoiy, axloqiy-ta’limiy, ishqiy* mavzu-larda bitilgan. Tahlil qilayotganimiz ushbu ruboiy ham «G‘aroyib us-sig‘ar» devonidan o‘rin olgan.

Ruboiy matni ifodali o‘qib eshittirilgach, uning mav-zu yo‘nalishi aniqlanadi. Hasbi hol ko‘rinishidagi bu ruboiyda oshiqning iztirobli kechinmalari ifodalangan. Ruboiy mazmunini to‘liq anglab yetish uchun dastlab ma’nosi qiyin so‘zlarga izoh beriladi. O‘qituvchi rubo-iydagi bunday so‘zlarni o‘quvchilar ishtirokida aniq-lashtirib oladi:

dahr – zamon, dunyo;
besar-u somon – bechora, qashshoq, besaranjom;
sargashta – boshi aylangan;
ko‘y – ko‘cha, mahalla;
xonumon – ro‘zg‘or buyumlari;
aloxon-u alomon – xonavayron, uy-joysiz.

Demak, ruboiydagi baytlar mazmuni quyidagicha: *Dunyoda men kabi bir besaranjom, bechora, o‘z holi-dan hayron, aqli parishon yo‘q. G‘am ko‘chasida butun borlig‘i vayron, mendek baxtiqaro yo‘q.* Ko‘rinadiki, ru-boiy shoirning nihoyatda tushkun kayfiyatida tug‘ilgan. Lirik qahramon o‘zini dunyodagi eng g‘amgin, eng qashshoq, bechora sifatida his qilib, o‘z holidan shiko-yat qilmoqda. Aslida shoir bu dunyoda hamma narsaga ega edi. U nafaqat shoir, balki davlat arbobi, bosh vazir, muhrdor, hokim lavozimlarida faoliyat ko‘rsatganini e’tiborga olsak, she’rdagi bunday hazin ifoda nima-ning mahsuli ekanligi kitobxonni o‘yga toldiradi. Nahotki shunday buyuk tarixiy shaxs, ulug‘ shoir o‘zini shuncha-lar bechora, besaranjom his qildi ekan? Qanday izti-roblar, qanday kemtiklar bunday satrlarga asos bo‘ldi? Nazarimizda, bu – oshiqlik holati. Shoir ayni misralarda oshiq qalbining dardli kechinmalarini oshkor qilgan. Ko‘ngil yolg‘izligi, dilga yaqin hammaslak yo‘qligi o‘zini nochor va g‘arib sezishiga sabab bo‘lgan. Lirik qah-ramon shahar yoki qishloq ko‘chalarida emas, g‘am ko‘chasida hayron; uning yashab turgan uyi bor, ammo ko‘nglida qo‘nim yo‘q; qalb o‘ziga munosib makon izlab sarson-u hayron. Ana shunday rangin ma’nolar, hazin navolar mujassam ushbu ruboiyda.

She’rning lingvo-poetik ifodasi ham o‘ziga xos. To‘rtala misrada ham yo‘qlik ma’nosi ifodalansa-da, shoir uni faqatgina birinchi misrada qo‘llaydi. Ruboiy-ning ana shu «yo‘q» so‘zi bilan boshlanishi har bir mis-raga daxldorlik kasb etgan. Bu o‘rinda sintaktik hodisa – inversiyaning mumtoz ko‘rinishi gavdalangan. Aslida: *«Dahrda mendek bir besar-u somon yo‘q»* shaklidagi fikr she’riy vazn talabiga ko‘ra *«Yo‘q dahrda bir besar-u somon mendek»* tarzida berilgan. She’rda *besar-u so-mon, sargashta-yu hayron, aloxon-u alomon* birikmalari o‘zaro -u (-yu) bog‘lovchilari vositasida juftlashib, yaxlit tushunchalarni ifodalashga xizmat qilgan. Shuningdek, ruboiyda poetik sintaksis (metafora) hodisasi ham ku-zatiladi: *«g‘am ko‘yi»* (g‘am ko‘chasi).

Ruboiyning to‘rtala misrasi ham o‘zaro qofiyadosh so‘zlar (muqayyad qofiya) va radiflardan iborat bo‘lib (a-a-a-a), taronai ruboiy (Navoiy ta’biri bilan aytganda «ruboiya»)ning go‘zal namunasidir. Shu o‘rinda qu-yidagi jadval asosida ruboiyning qofiya va radiflarini aniqlashni o‘quvchilarga topshirish mumkin:

Qofiya	Raviy	Radif
somon	-n	mendek
hayron	-n	mendek
vayron	-n	mendek
alomon	-n	mendek

Endi she’rning vazn xususiyatlarini o‘rganish maqsadga muvofiq. Ruboiy aruzning hazaj bahri, axram va axrab vaznida yoziladi. Agar vazn *maf’uvlun* rukni bilan boshlangan bo‘lsa, u ***axram*** deb yuritiladi. Agar maf’uvlu rukni bilan boshlansa, ***axrab*** deb yuriti-ladi. Mazkur ruboiyda ham ayni xususiyat mavjud. Uning rukniga qarab, aynan qaysi vaznda yozilganini aniq-lashtirib olamiz. Bunda quyidagi jadval bizga yordam beradi:

e-mail: til@sarkor.uz

1	2	3	4
Yo'q dah r – – v Maf'uvlu	da bi r be v – v – mafo'ilun	sa r-u so mon v – – – mafo'iylun	men dek – – fa'uvl
O'z ho li – – v Maf'uvlu	g'a sar gash ta v – – v mafo'iylu	yu hay ro n v – – v mafo'iylu	men dek – – fa'uvl
G'am ko' yi – – v Maf'uvlu	da xo nu mo v – v – mafo'ilun	ni vay ro n v – – v mafo'iylu	men dek – – fa'uvl
Ya' ni ki – – v Maf'uvlu	A lo xo n-u v – – v mafo'iylu	A lo mo n v – – v mafo'iylu	men dek – – fa'uvl

Ma'lum bo'ldiki, ruboiy misralari *maf'uvlu* rukni bilan boshlangan, demak, ushbu ruboiy hazaj bahrining axrab shajarasi, aqrabi maqbuz shoxobchasida yozilgan.

Darhaqiqat, «she'riyatimizda yaratilgan ruboiylarning aksariyat misralari ikkinchi rukni ***mafoilun*** bo'lgan ***aqrabi maqbuz*** shoxobchasiga mansub to'rt o'lchovga asoslanadi. Buning sababi ushbu vaznlarda qisqa va cho'ziq hijolarning joylashishi tufayli hosil bo'luvchi yoqimli, salobatli ohangda, albatta». Navoiy ijodiga mansub bu ruboiyda ham ayni xususiyatlar yorqin aks etgan. Ushbu vazn har to'rtala misrada ham aynan bir xil takrorlanmaganligi, ba'zi (birinchi va uchinchi misralardagi) ruknlarda farqli tomonlarning ko'zga tashlanishi, ushbu ruboiyning anchayin murakkab vaznda yozilganligini ko'rsatadi. Shu bois ruboiylarning vazn xususiyatlarini o'rganish adabiyot o'qituvchisidan alohida tajribani, aruziy bilim va tafakkurni talab qiladi. Ana shunday ilmiy salohiyatga ega pedagog o'z o'quvchilarini mumtoz adabiyotning sir-sinoatga boy rangin dunyosi bilan yaqindan tanishtira oladi, ularning badiiy-estetik tafakkurini yuksaltirib, boy va betakror ma'naviy merosga oshno qiladi. Zero, Navoiy ruboiylari vaznidagi o'ziga xos ohang, qofiyalardagi tovushlar takrori va radiflar ularning badiiy ko'rkamligini tayin etgan. She'rlar mazmunidagi hazin lirizmni kuchaytirishga, oshiq kayfiyati, ma'shuqa vasfi, lirik qahramonning dardchil kechinmalarini ta'sirchan ifodalashga munosib xizmat qiluvchi poetik jozibalar kitobxon qalbiga oson singib kiradi. O'quvchi ham shoirning, ham lirik qahramonning, ham oshiqning ko'ngil dardiga yaqinlashib, uning iztiroblarini dildan his qiladi.

Bunday *qamrovli tahlillar* anchayin murakkab bo'lib, bu jarayonda, asosan, o'qituvchi faollik kasb etadi. Binobarin, ruboiyning qofiya, raviy va radiflari bir qadar sodda va aniq bo'lgani bois ularni o'quvchilar ishtirokida aniqlashtirishi, vazn xususiyatlarini esa o'qituvchining o'zi chuqurroq tahlil qilib berishi maqsadga muvofiq. O'qituvchi quyidagi savollar orqali o'quvchilar faolligini oshirib, ularning ruboiy haqidagi tushunchalarini boyitishi, mazkur ruboiy atrofida kengroq bahs-munozara uyushtirishi mumkin:

1. Ruboiy aruzning qaysi bahrida yoziladi?
2. Ruboiy janrining qanday ko'rinishlari bor?
3. Ruboiyi xosa nima? Misollar ayting.
4. Taronai ruboiy qanday qofiyalanadi? Navoiy ijodidan misollar keltiring.
5. Navoiyning *«Yo'q dahrda bir besar-u somon mendek»* misralari bilan boshlanuvchi ruboiysi qanday mavzuda yozilgan?
6. Nima uchun ruboiyga *«mendek»* so'zi radif sifatida tanlangan?
7. Ushbu ruboiyda qanday she'riy san'atlar mavjud?

Bu kabi savollar o'quvchilarni ruboiy tahliliga yo'naltirib, ularning faolligini ta'minlashga xizmat qiladi.

Navoiy ruboiylarini zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda noan'anaviy usullarda o'rganishning ham imkoniyatlari keng. Shulardan biri guruhlarda ishlash bo'lib, bu usulda o'qituvchi ham vaqtdan unumli foydalanish, ham o'quvchilar faolligini teng ta'minlash imkoniga ega bo'ladi. Buning uchun o'quvchilar kichik guruhlarga ajratiladi, ularga shoir ruboiylari tahliliga yo'naltirilgan quyidagicha jadvalli kartochkalarni to'ldirish vazifasi topshiriladi:

Ruboiy matni	Mavzusi, turi (taronayi yoki xosai ruboiy)	Tushunarsiz so'zlar izohi	Radif va qofiyalari (muqayyad yoki mutlaq qofiya)	Obrazlari	Badiiy tasvir vositalari
Ko'z bila qoshing yaxshi, qabog'ing yaxshi, Yuz bila so'zing yaxshi, dudog'ing yaxshi, Eng bila menging yaxshi, saqog'ing yaxshi, Bir-bir ne deyin, boshdin ayog'ing yaxshi.	Ishq-muhabbat, ma'shuqa tavsifi; taronai ruboiy (a-a-a-a)	Qabog'-qovoq, ko'z bilan qosh oralig'i; eng – yuz; meng – xol, dudog' – lab, saqog' – iyak	Radif – yaxshi; mutlaq qofiya: qabog'ing, dudog'ing, saqog'ing, ayog'ing	Ma'shuqa, lirik qahramon – oshiq; yordamchi obr.: ko'z, qosh, meng, dudog'	Takrir, ta'did san'atlari

Navoiy ruboiylarini guruhlarga bo'lingan holda o'rganishda o'quvchilarning soni va intellektual salohiyatini hisobga olmoq joiz. Darslik-majmuada shoirning yettita ruboiysi keltirilgan. Bu ruboiylarning ba'zilari («G'urbatda g'arib...», «Zohid, senga hur-u...») umumiy o'rta ta'limda o'rganilganligini e'tiborda tutgan pedagog shoir devonlariga (jumladan, «G'aroyib us-sig'ar»ga) murojaat qilib, tahlil uchun akademik litsey o'quvchilari o'zlashtira oladigan yana boshqa ruboiylarni ham tanlashi mumkin. Ana shunda guruhlar sonini ham, o'rganiladigan ruboiylar miqdorini ham ko'paytirish imkoniyati tug'iladi. O'quvchilarni o'rtacha olti guruhga ajratish, har bir tarqatma kartochkaga tahlil uchun ikkitadan ruboiyni tanlash va guruhlardagi o'quvchilarning intellektual salohiyati, individual xususiyatlarini nazardan qochirmagan holda taqsimlash adabiy tahlil darslarini to'g'ri tashkil qilishga, ta'lim samaradorligini oshirishga puxta zamin hozirlaydi, o'quvchilarning badiiyatga, Navoiy she'riyatiga qiziqishlarini oshiradi.

O'qituvchi o'quvchilarning Navoiy ruboiylarini tahlil qilish borasidagi tasavvurlarini shakllantirib, muayyan malakaga ega qilgach, navbatdagi ruboiylarni tahlil

qilib, ularning badiiy-estetik xususiyatlarini o‘rganishni bevosita talabalarning o‘ziga havola qilishi lozim. Darslik va devondan tanlangan muayyan ruboiylarning turli usuldagi (qamrovli, qiyosiy, jadvalli) tahlillarini uyga topshiriq sifatida ham berish mumkin. Chunki dars jarayonidagi yo‘naltiruvchi tahlillar o‘quvchilarning mustaqil ishlariga turtki bo‘ladi va bu kabi vazifalarni bajarish jarayonida ularning ruboiylar tahlili (janr tabiati, vazn xususiyatlari, mazmun-mohiyati, badiiy san’atlari, tasvir vositalari) borasidagi bilim va malakalari mustahkamlanadi. Natijada o‘quvchilarning Navoiy ruboiylari to‘g‘risidagi tasavvurlari kengayadi, badiiy tafakkurlari yuksaladi. Shu bilan bir qatorda ularda o‘zgalar dardini his qilish, ko‘ngil kechinmalarini qadrlash singari muayyan insoniy fazilatlar shakllanadi.

Ruboiy tahlilida mazkur jihatlarga alohida e’tibor qaratish, o‘quvchilar diqqatini poetik fikrni gavdalantirgan she’riy unsurlarga tortish, har bir so‘zning estetik vazifasini sharhlashga undash dars samaradorligini oshirishga zamin yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.
1. B.To‘xliyev, B.Sarimsoqov. Adabiyot. Akademik litseylar uchun o‘quv dasturi. T., 2000.
2. B.To‘xliyev va b. Adabiyot. Akademik litseylarning II bosqich o‘quvchilari uchun darslik-majmua. T.: Cho‘lpon, 2010.
3. B.To‘xliyev. Adabiyot o‘qitish metodikasi. T., 2011.
4. V.Qodirov. Maktabda mumtoz adabiyotni o‘qitish: muammo va yechimlar. T., 2009.
5. A.Hojiahmedov. Mumtoz badiiyat malohati. T.: Sharq, 1999.

(Davomi. Boshi 25-betda)

“SEN UCHUN KO‘KRAGIM ERK YERI...”
Cho‘lponning “Binafsha” she’rini o‘rganish tajribasidan

2. She’rning *«Binafsha, senmisan, binafsha – senmi, Ko‘chada aqchaga sotilgan. Binafsha menmanmi, binafsha menmi, Sevgingga, qayg‘ungga tutilgan?»* misralarida ifodalangan fikr va tuyg‘ular haqida o‘ylab ko‘ring.

3. Binafsha obrazida lirik qahramon munosabati to‘liq namoyon bo‘lgan o‘rinlarni toping va izohlang.

4. Azobli hayot ta’sirchan tasvirlangan satrlarni aniqlang va sharhlab bering.

5. She’rning uchinchi bandi dastlabki to‘rt misrasidagi so‘zlar miqdoriga e’tibor bering. Uni badiiy vazifasi jihatidan izohlashga harakat qiling.

6. *«Binafsha, sen uchun ko‘kragim erk yeri»* misrasining mazmunini sharhlang.

7. She’rda shoir ruhiyatining ifodalanishiga e’tibor qiling.

8. She’rni yod oling.

Ushbu savol va topshiriqlar o‘quvchilar yosh xususiyatlaridagi umumiy jihatlarga tayangan holda havola etilgan. Ammo adabiy ta’lim tajribasidan ma’lumki, o‘qituvchi har bir darsda muayyan yangilikni kirita bilishi zarur. Shu bois o‘quvchiga kitobdagi she’rni qaytadan o‘qitish yoxud savollarga javob berish uchun ajratiladigan vaqtni tejash maqsadida ushbu savol va topshiriqlarni o‘quvchilarga uyga vazifa tarzida berish maqsadga muvofiq. Shu o‘rinda savol tug‘iladi: o‘quvchilarga mavzuni mustahkamlash uchun ta’lim beruvchi qanday metodik faoliyatni amalga oshirishi zarur?

Buning uchun dars jarayonida mazkur she’rni o‘rganishda badiiy tahlil usullarini amalga oshirish muhim ahamiyatga ega. Shu maqsadda o‘quvchilarga *ko‘chim,* uning turlari bo‘lgan *majoz, istiora, ramz* kabi tushunchalarga to‘xtalib o‘tish va dars davomida mazkur atamalarga she’rdan misollar topib, tahlil qilish topshiriladi. Ma’lumki, badiiy ijod talabiga ko‘ra ayrim so‘zlar tashiydigan ma’no boshqa so‘zlarga ko‘chirilishini anglamay turib, asarlarni tushunish, ulardan ta’sirlanish, tahlil qilish mumkin emas. Ko‘chim esa eng ko‘p ishlatiladigan badiiy san’atlardandir. She’rdagi binafsha timsoli qanday ma’no tashiyotgani to‘g‘risida o‘ylab ko‘raylik. She’rda shoirning ichki kechinmalari ko‘klam ko‘katiga qaratilganmi, xo‘rlangan qizgami yoki haqoratlangan yurtgami, ezilgan millatgami? Agar so‘z ma’nolarining ko‘chishini anglamasak, she’rning joziba kuchi yo‘qqa chiqaveradi. Chunki anglanmagan go‘zallik go‘zallik bo‘la olmaydi. Ko‘chim – tasvir vositasi bo‘lib, u kitobxonning estetik olamini boyitadi. Topshiriq davomida o‘quvchilarga ko‘chim va uning majoz, istiora, ramz singari ko‘rinishlari haqida nazariy ma’lumotlar berilib, she’rdan mazkur badiiy san’atga oid misollar keltirish topshiriladi. Ayniqsa, she’rdagi istioraviy ko‘chim haqida o‘qituvchi mufassal tushuntirish berishi zarur. Shundan so‘ng o‘quvchilarga she’rdan istioraviy ko‘chimlar topish va izohlash topshiriladi.

Masalan:

Binafsha – haqoratlangan yurt, ezilgan millat.

Ochilmay uzilish – rivojlanmaslik, bosqinchilarga qul bo‘lib qolish.

Hidlari sochilmay egilish – kamsitilish, haqoratlanish, erksizlik.

Binafshaning chiroyli yuzi – yurt go‘zalligi.

Erk yeri – ozod yurt.

Qayg‘ung zo‘r, qayg‘umni bilmaysan – Vatan, millat dardini his etish.

She’rning badiiyat qirralarini ochishda qofiya san’ati, uning she’r mazmunini ochishdagi roli kabilarga ham e’tibor qaratiladi.

Binafsha, senmisan, binafsha – *senmi,*
Ko‘chada aqchaga *sotilgan.*
Binafsha menmanmi, binafsha *menmi,*
Sevgingga, qayg‘ungga *tutilgan?*

Qofiyalangan qatorlardagi Cho‘lpon mahoratigagina xos bo‘lgan parallelizmlik xususiyatlari izohlanadi. O‘quvchilar qofiyadosh misralardagi parallellik tushunchasini daftarlariga qayd etadilar. She’rning keyingi misralarini ham shu taxlit o‘rganish orqali Cho‘lpon badiiy mahoratini yanada chuqurroq anglash mumkin.

e-mail: til@sarkor.uz

Kavsar TURDIYEVA,
filologiya fanlari nomzodi,
Toshkent Pediatriya tibbiyot instituti
dotsenti

FAN VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

Tibbiyot oliy o'quv yurtlaridagi til saboqlarida foydalaniladigan matnlar, turli xil usullar, albatta, shu soha bilan uzviy bog'liq bo'lishi maqsadga muvofiq.

Shu bois ushbu maqolada "Fe'l va fe'l zamonlari" mavzusini mustahkamlash bo'yicha quyidagi usullarni hukmingizga havola qilamiz.

"Tushimda kim bo'libman?"

Talabalarga o'tgan zamon hikoya fe'lini tushuntirishda ushbu usuldan foydalanish mumkin.

"Men bir tush ko'ribman, tushimda bemorning
Terisini ko'rikdan o'tkazibman.
Tirnoqlaringizni ko'rsating, debman.
Soch, teri qatlamlaridan tekshirishga qirqma olibman.
Tushimda kim bo'libman?

Bolg'acha bilan bemorning tizzasiga urib ko'ribman.
Bemordan ko'zini yumib, qo'lini burniga tekkazishni so'rabman.
Bemorning qon bosimini o'lchabman.
Tushimda kim bo'libman?

"Tashxis qo'ying bemorga"

Ushbu texnologiya bo'yicha talabalar yigirmaga yaqin kasallikning kechishi bilan tanishadilar. Bir talaba shifokor vazifasini o'taydi. Qolgan talabalar bemor sifatida kasalliklarning turli belgilarini aytadilar. Bunda ular hozirgi zamon fe'lining turli ko'rinishlaridan foydalanadilar. Shifokorlar esa tashxis qo'yishi kerak bo'ladi.

Vazifa shifokorga:
Tashxis qo'ying bemorga.

Birinchi talaba:
Qon bosimim goh chiqyapti, goh tushyapti,
Ko'z oldimda narsalar ham uchyapti.
Boshim goh og'riyapti, goh aylanyapti,
Qulog'imda, do'xtirjon, shovqin eshitilyapti.
Yuragimni tekshiring, u juda tez uryapti.
Qani ayting, do'xtirjon, menga nima bo'lyapti?
(Xafaqon)

Ikkinchi talaba:
Meni quruq iztirobli yo'tal qiynayotir,
To'sh suyagim atrofi ham bir-bir og'riyotir,
Nafasim qisayotir, behollik bo'layotir,
Holsizlik va terlash birga o'tayotir.
Menda qanday kasal kechayotir?
(O'tkir bronxit)

Uchinchi talaba:
Och qolsam, ovqatlansam, to'sh soham og'rimoqda.
O'sha yerim achishib, shish bordek tuyulmoqda.
Kekirish, qorin dami ko'p bezovta qilmoqda.
Do'xtirjon, qanday kasal meni qiynab qo'ymoqda?
(Surunkali gastrit)

"Bu qanday tibbiy xona?"

Ushbu texnologiya ham talabalarni ijodkorlik, fanni chuqurroq o'rganish va kasbiy ta'lim bilan uyg'unlikni o'z ichiga jamlaydi.

Qo'rquvdan kechamiz,
Bog'lamni yechamiz,
Choklarni so'kamiz,
Yo yarani ochamiz,
So'ngra uni yuvamiz.
Va malhamni suramiz,
Demak, qayda bo'lamiz?
(Yaralarni bog'lash xonasida)

Ushbu topshiriq jamoa bo'lib ham olib borilishi mumkin. Bu topshiriqlar she'riy bo'lishi shart emas, ammo talabalar ko'p holda ularni she'riy shaklda taqdim qiladilar.

Faqat to'g'ri turasiz,
Qo'lni boshga qo'yasiz,
Chuqur nafas olasiz,
Keyin tutib turasiz.
Demak, qayda bo'lasiz? (Rentgen xonasida)

Muolajada yotgancha
Qizimoqdasiz ancha,
O'zingizni siz hozir
Juda yaxshi sezyapsiz.
Demak, qayda ekansiz?
(Fizioterapiya muolaja xonasida)

Bir jamoa a'zolari ikkinchi jamoa a'zolariga, ikkinchisi uchinchisiga va uchinchisi yana birinchi jamoa a'zolariga ushbu savollar bilan murojaat etishadi. Topishmoqlarning qiziqarliligi hamda unda fe'llarning qo'llanilishi va javobning topilishiga ko'ra jamoalar baholanadi.

Лутфулло ЖЎРАЕВ

КЕЛИНГ, ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ!

Lesson 28 Let's talk about excursions!
(Келинг, сайр-томоша ҳақида гаплашамиз!)

Эслатма: Ҳурматли журналхонлар! Журналнинг аввалги сонларида инглиз тилини ўрганиш юзасидан эътиборингизга ҳавола этилган дарслар давомида муҳим грамматик маълумотлар ҳақида сўз юритилган эди. Қуйида келтирилаётган материалларни тушуниш ҳамда янги грамматик маълумотларни изчил ўрганиб бориш учун уларни яна бир марта такрорлаб олишингизни, шунингдек, айрим нотаниш сўзларнинг маъносини билиб олиш учун ёнингизда бирор луғат бўлишини тавсия этамиз.

1a Read the words and match them with their Uzbek translations.
Example: *1)c*
1) art gallery ['ɑ:t ˌgæləri]
2) beach [bi:tʃ]
3) castle ['kɑ:sl]
4) market ['mɑ:kɪt]
5) museum [mju:'zɪəm]
6) trip [trɪp]
7) nature reserve ['neɪtʃə rɪˌzɜ:v]
8) excursion [ɪk'skɜ:ʃn]

a) бозор

b) музей

c) санъат галереяси

d) табиат қўриқхонаси

e) экскурсия, сайр-томоша

f) қаср, қалъа

g) қирғоқ, соҳил

h) сафар, саёҳат

1b Work in pairs. Read and listen to the words in 1a.

2 Work in pairs. Ask and answer the questions.
1 Do you go on trips with your school? Where do you go?
2 Where do you go with your family?
3 Where do you like going? What places do you not like?

3a Read the grammar rules with your partner.

Грамматик маълумотлар

The preposition "by" and "on" — "by" ва "on" предлоглари

Бирор транспорт воситаси орқали бирор жойга бориш, сафар қилишни айтишда инглиз тилида, одатда, "by" предлогидан фойдаланилади (м-н: by bus) ва бу предлог ўзбек тилига "билан", "орқали" деб таржима қилинади. Бирор жойга пиёда, яёв боришни айтишда эса "on" предлоги ишлатилади (м-н: on foot).

3b Read the phrases and match them with their Uzbek translations.
Example: *1)d*

1) by bus [baɪ 'bʌs]; 2) by car [baɪ 'kɑ:]; 3) by coach [baɪ 'kəʊtʃ]; 4) by plane [baɪ 'pleɪn]; 5) by train [baɪ 'treɪn]; 6) by taxi [baɪ 'tæksi]; 7) on foot [ɒn 'fʊt]

a) енгил автомобил билан / орқали;
b) самолёт билан / орқали;
c) такси билан / орқали;
d) автобус билан / орқали;
e) поезд билан / орқали;
f) пиёда, яёв;
g) шаҳарлараро сайёҳлар автобуси билан / орқали

3c Work in pairs. Read and listen to the phrases in 3b.

3d How do you travel? Complete the sentences.
Example
1 I go to school by bus.
1 I go to school ..... .
2 I go to the city centre ..... .
3 We go on school trips ..... .
4 We go on holiday ..... .

4a Read the phrases and match them with their Uzbek translations.
Example: *1)i*

1) eating (a sandwich) ['i:tɪŋ (ə'sænwɪdʒ)]
2) looking at (a map) ['lʊkɪŋ ət (ə 'mæp)]
3) sitting (on a bus) ['sɪtɪŋ (ɒn ə'bʌs)]
4) taking photos ['teɪkɪŋ 'fəʊtəʊz]
5) reading (a book) ['ri:dɪŋ (ə'bʊk)]
6) talking (on the phone) ['tɔ:kɪŋ (ɒn ðə'fəʊn)]
7) walking ['wɔ:kɪŋ]
8) sightseeing ['saɪtˌsi:ɪŋ]
9) studying ['stʌdɪɪŋ]

a) фотосуратлар олиш

b) сайр қилиш

c) ўқиш, билим олиш

d) (телефонда) гаплашиш

e) (китоб) ўқиш

f) (харитага) қараш

g) диққатга сазовор жойларни томоша қилиш

h) (автобусга) ўтириш

i) (бутерброд) ейиш

e-mail: til@sarkor.uz

4b Work in pairs. Read and listen to the phrases in 4a.

5a Read the grammar rules with your partner.

Грамматик маълумотлар

Present Continuous Tense — Ҳозирги давомли замон

1. *Ясалиши.* Ушбу замоннинг бўлишли гапини ясашда эгадан сўнг "to be" кўмакчи феълининг ҳозирги замон шакллари (am, is, are)дан бири ва, ундан кейин, феълнинг "-ing" қўшимчаси қўшилган шаклидан фойдаланилади (феълга "-ing" қўшимчаси қўшиш қоидаларини журналнинг аввалги сонида берилган 27-дарсдан топишингиз мумкин). М-н:

I **am working** (Мен ишлаяпман).
He/she/it **is working** (У ишлаяпти).
We **are working** (Биз ишлаяпмиз).
You **are working** (Сиз ишлаяпсиз).
They **are working** (Улар ишлашяпти).

Бўлишли гапларда "am", "is", "are" ларнинг оғзаки нутқдаги қисқача кўриниши *'m*, *'s*, *'re* шаклларида бўлади, м-н: I'm working. He's (she's/it's) coming. We're (you're/they're) talking.

Ҳозирги давомли замон инкор гапини ясашда эса "to be" ёрдамчи феълидан кейин "not" инкор юкламаси ва ундан кейин феълнинг "-ing" ли шакли қўйилади, м-н:

I **am not working** (Мен ишламаяпман).
He/she/it **is not working** (У ишламаяпти).
We **are not working** (Биз ишламаяпмиз).
You **are not working** (Сиз ишламаяпсиз).
They **are not working** (Улар ишлашмаяпти).

Инкор гапларда учровчи "is not", "are not" ларнинг оғзаки нутқдаги қисқача кўриниши "isn't", "aren't" шаклида бўлади, м-н: He isn't writing. They aren't coming.

Эслатма: Ҳозирги давомли замон сўроқ гапини ясаш қоидалари ҳақида журналнинг кейинги сонида маълумот берилади.

2. *Ишлатилиши.* Present Continuous (яъни ҳозирги давомли замон) қуйидаги иш-ҳаракатларни ифодалаш учун ишлатилади:

а) сўзловчининг нутқи мобайнида давом этаётган иш-ҳаракатлар: I am speaking now (Мен ҳозир гапиряпман). He is writing a letter (У хат ёзяпти);

б) ҳозирги замондаги маълум бир вақт оралиғида бажарилиб турган иш-ҳаракатлар: She is preparing for her exams these days (У шу кунларда имтиҳонларига тайёрланяпти). He is not working here this month (Бу ой у бу ерда ишламаяпти);

в) келаси замонда бажарилиши аниқ ва олдиндан режалаштирилган иш-ҳаракатлар: Next week he is leaving for Gulistan (Келаси ой у Гулистонга жўнаб кетяпти);

г) ҳозирги давомли замонда қуйидаги каби пайт равишлари кўпроқ қўлланилади: now (ҳозир), at the moment (айни пайтда), at present (ҳозирда), this week (month, year) (бу ҳафта (ой, йил)), these days (шу кунларда).

Баъзан иш-ҳаракатнинг нутқ мобайнида давом этаётганини гап бошида келган: Look! (Қара!), Listen! (Қулоқ сол!), Hurry up! (Шошил!), Hey! (Ҳой!) каби сўзлардан ҳам аниқлаб олиш мумкин:

Look! He's coming to us (Қара! У биз томонга келяпти).
Hurry up! Everybody's waiting for you (Шошил! Ҳамма сени кутиб турибди).
Hey! I'm telling you (Ҳой! Мен сенга айтяпман).

5b Work in pairs. Read, listen and repeat the examples.

Affirmative		
I You/We/You/They He/She	am ('m) are ('re) is('s)	**taking** photos.
It	is('s)	**raining**.
Negative		
I You/We/You/They He/She	am not ('m not) are not (aren't) is not (isn't)	**studying**.
It	is not (isn't)	**raining**.

6a Work in pairs. Read the phone talk and translate.

Vasila and Adiba are friends. They are talking on the phone. Vasila, Davron, Dinara, Lola and their teacher are sightseeing in Tashkent, but Adiba is in Samarkand.

Vasila: Hi, Adiba! Where are you?
Adiba: I'm on the bus. I'm not doing much. I'm sitting here with Akbar, my brother. He's reading a book.
Vasila: We're sightseeing in Tashkent. We aren't studying. We're in Independence Square with Davron and Dinara. They're taking photos.
Adiba: And Lola?
Vasila: She isn't taking photos. She's looking at the map. Er, and she's eating a sandwich. It's great here in Tashkent!
Adiba: Lucky you! It's raining here in Samarkand and I'm bored!
Vasila: The teacher is looking at me. She wants to go! Bye. See you tonight.
Adiba: Bye.

6b Work in pairs. Act out the dialogue in 6a.

6c Correct the information.

Example *1 Vasila and Adiba are talking on the phone.*

1 Vasila and Lola are talking on the phone.
2 Vasila, Adiba, Lola and Akbar are sightseeing in Tashkent.
3 Adiba isn't sitting on a bus.
4 Akbar is watching television.
5 Davron and Dinara are looking at a map.
6 Lola is eating an orange.
7 Davron is looking at Vasila.
8 It is raining in Tashkent.

7a Adiba and Vasila are again talking on the phone. Put the verbs in the phone talk in the correct form.

Adiba: Hi, Vasila! Where are you now?
Vasila: We're in the Amir Temur Museum. We ..... (look) at some ancient statues. Lola ..... (read) the guidebook. Davron ..... (not take)

photos! He's with Dinara. They ..... (talk) to the teacher. Where are you?
Adiba: I'm at home. I ..... (do) my homework and I ..... (listen) to music.
Vasila: Where's Akbar?
Adiba: Akbar and Mum aren't here. They ..... (do) the shopping. Dad's in the garden. It ..... (not rain) now.
Vasila: Adiba! Davron ..... (not talk) to the teacher now. He's with that girl.
Adiba: What girl?
Vasila: Zuhra. She's Tajik. They ..... (look at) me!
Adiba: Oh, sorry, Vasila. Mum's back. She ..... (ask) for help. Bye!
Vasila: Bye.

7b Work in pairs. Now act out the dialogue in 7a.

8a Work in pairs. Imagine two situations.
A: You are at home with your family.
B: You are sightseeing in Tashkent with your friends.

8b Write sentences.
Example
A: I'm in my bedroom. I'm reading. My sister's listening to music.
B: We're looking at Amir Temur statue. My friends are taking photos.

8c You and your partner are on the phone. Ask and answer questions.
Example
A: Where are you?
B: We're looking at Amir Temur statue. My friends are taking photos. And you?
A: I'm in my bedroom. I'm reading. My sister's listening to music.

Қўшимча грамматик машқлар

Present Continuous

Affirmative

1a Write the verbs. Use full forms.
1 I *am watching* (watch) a video.
2 You ..... (study).
3 They ..... (swim) in the pool.
4 My sister ..... (write) to her penfriend.
5 My friends and I ..... (do) our homework.
6 The children ..... (dance) to the music.
7 James ..... (listen to) a CD.
8 The dog ..... (eat) in the kitchen.

1b Write the sentences in 1a with short forms where possible.
Example
1 I'm watching a video.

Negative

2 Write the sentences in the negative. Use short forms.
1 He is eating a sandwich.
He isn't eating a sandwich.
2 I am doing my homework.
3 You are running fast.
4 We are playing basketball.
5 Helen is having a shower.
6 My mother is using the computer.
7 My parents are making lunch.
8 The cat is sleeping.

Affirmative and negative

3 Correct the information in the sentences (1-7).
1 Ali and Vali are watching TV. (listen to music)
Ali and Vali aren't watching TV. They are listening to music.
2 Babur is eating. (drink Cola)
3 Vosit is watching TV. (eat sandwich)
4 Jamila and Rahima are talking to friends. (watch TV)
5 Ziyoda is listening to music. (read newspaper)
6 Ulugbek is watching a video. (talk on the phone)
7 The cats are eating. (sleep)

Affirmative and negative

4 Put the verbs in the Present Continuous. Use short forms.
Feruza: Hello?
Javlon: Hi, Feruza! It's Javlon here. Where are you?
Feruza: I'm at my grandmother's house. I *am doing* (do) my homework. My parents aren't at home. They ..... (do) the shopping. Where are you?
Javlon: I'm at the Internet café with Daler. We ..... (surf) the Internet.
Feruza: Lucky you! Is Nilufar with you?
Javlon: No, she ..... (play) tennis.
Feruza: Is she with Anora?
Javlon: No, Anora ..... (not play) tennis today. She ..... (visit) her family.
Feruza: All my friends ..... (relax) today and I ..... (study)!
Javlon: Well, we ..... (not do) much, but come to the Internet café.
Feruza: OK. See you in fifteen minutes.

Vocabulary

5 Complete the sentences with the words in the box.

castle, beach, market, museum, nature reserve, palace, art gallery

1 A *castle* is a very big, strong building.
2 There are paintings in an ..... .
3 People relax on the ..... .
4 A king or queen lives in a ..... .
5 People go shopping at a ..... .
6 There are statues and interesting objects in a ..... .
7 Animals live in a ..... .

Prepositions

6 Circle the correct word.
1 We're sitting (in)/*at*/*on* a taxi (in)/*at*/*on* Manchester.
2 They are *in*/*at*/*on* home *in*/*at*/*on* their bedroom.
3 She isn't *in*/*at*/*on* the bus. She's *in*/*at*/*on* the train.
4 My sister is *in*/*at*/*on* school *in*/*at*/*on* her classroom.
5 He isn't *in*/*at*/*on* bed. He's watching TV.

Teachers supporting each other

This series of articles from the British Council aims to help you think about *your* teaching and bring new ideas and activities into your classroom. The series covers topics including homework, working with large classes and finding resources. Today we look at **teachers supporting each other.**

How can we support each other to learn and develop as English teachers?

Read these comments from teachers.

I feel more motivated if I can talk about my classes with other teachers.

Rafael, Angola

New teachers can learn a lot from more experienced colleagues.

Moya, Mozambique

- We can share materials such as **flashcards**, **wallcharts**, pictures, and games with other teachers. Think about where and how to store your shared resources in your school. Can they be organised into different levels or ages?
- We can talk to colleagues about how to adapt teaching materials to use them with other students. For example, flashcards for presenting new vocabulary with one class can be used as a fun way to invent a story with another class.
- Teachers can help each other by observing each other's classes. Have a specific focus in mind such as: "Please watch the way that I give instructions. How can I do this better?"
- Some lucky teachers are able to participate in meetings, events and organisations aimed at professional development, for example an international conference with teaching experts as speakers.
- Teachers working in schools close to each other can form small groups and meet up every month or so. Have a topic for the meeting such as "large classes" so that everyone can bring ideas about large classes, share their problems and hopefully offer solutions.
- You can organise meetings with fellow teachers in your own school to discuss ways to improve your teaching. Sometimes teachers just need to talk to someone who understands the stresses of long hours and large classes!
- New teachers in particular may want to share problems and seek advice from more experienced colleagues, senior teachers or head teachers.
- Another idea for novice teachers is to ask for a more experienced teacher to act as your mentor – your supporter and guide.

If teachers help each other with materials, ideas and advice we can provide more effective

English classes.

What do you think?

Lyutfiya from Tajikistan writes:

Last year I had a class of 5-year-olds and I had no idea how or what to teach them. I asked an experienced lower primary teacher from my school if I could watch his class. I wanted to know what activities he did with kids who can't read or write and how he managed the class. I learnt a lot from that lesson – how to tell a story, games with flash cards and how to get the students to pay attention by praising good behaviour. The following week my colleague observed me teaching an adult exam class. He wanted to see how I helped the students with their writing skills.

A classroom activity – noughts and crosses

You can use **noughts and crosses** to revise verbs or other language. You and your colleagues can adapt this game for other levels and ages by changing the words or instructions (phrasal verbs, prepositions, write sentences in the past, future...)

- Draw a 3x3 grid on the board like the one below:

~~go~~	walk	run
play	swim	jump
kick	dive	hop

- Divide the class into three different teams and write a symbol on the board to represent each team like this: Team 1 = **X**, Team 2 = **0**, Team 3 = **$**
- The teams take turns to choose a verb and write a sentence on the board to illustrate it, e.g., *"go" -I go to school by bus.*
- If the sentence is correct they write their symbol in the "go" box.
- If the sentence is incorrect, the next team has a turn and may choose any box.
- The aim is to get three boxes in a row horizontally, vertically or diagonally.
- Each team should work together to prepare their sentences and select a writer to write the sentences on the board.

Tip: Pre-teach useful language which can be used during the game, e.g., *It's our turn. We give up.*

Glossary

Flashcards are pictures on cards to help students understand new vocabulary without translation.

Noughts and crosses is a game where players usually put crosses and circles in square grid of nine spaces; the object is to get a row of three crosses or three circles. Also called tic-tac-toe.

A **swap shop** is a meeting where colleagues exchange things or ideas.

A **wallchart** is a poster with pictures and words to help teach new language.

Think about

What can you do to help other teachers? What help do you need to improve your teaching?

Here are some ideas.

- Set up an observation with a colleague. Talk about what to observe before the lesson. Later, listen to the observer's comments and suggestions.
- Arrange a meeting with your colleagues or teachers from local schools to discuss common issues.
- Organise a **swap shop** with a few teachers. Each teacher brings one teaching idea or resource to share.

Абдуғаффор ЭШОНҚУЛ,
тадқиқотчи

УРУШ ФОЖИАСИ ВА МУҲАББАТ ТАРАННУМИ

Эрнест Хемингуэй таваллудининг 115 йиллигига

Эрнест Миллер Хемингуэй *(1899–1961) – XX аср жаҳон адабиётининг ёрқин намояндаси, Нобель мукофоти соҳиби, дунё тилларига кўп бора таржима қилинган ва эътироф этилган кўплаб ҳикоялар, "Фиеста", "Алвидо, қурол!", "Бонг кимни чорламоқда?", "Байрам ҳамиша сен билан", "Чол ва денгиз", "Килиманжаро қорлари" каби асарлар муаллифи.*

Америкалик адиб Эрнест Миллер Хемингуэй 1899 йилнинг 21 июлида Иллинойс штатининг Чикаго яқинидаги Оук-Парк шаҳарчасида шифокор оиласида дунёга келди. У эндигина эсини таний бошлаганида отаси унга қармоқ совға қилади ва ўғлини ўзи билан бирга балиқ овига олиб чиқади. Шу тариқа балиқ ови Хемингуэйнинг бир умрлик эрмаги ва завқи манбаига айланди. У машҳур адиб бўлиб танилганда ҳам дунё ғала-ғовурларидан қочиб, денгиз ва дарё бўйларига кетиб қоларди. Адиб, асосан, 1939 йилдан кейинги умрини аср талотумларидан ўзини ва қалбини асраш учун Кубанинг овлоқ гўшасида асар ёзиб, ҳордиқ чоғида балиқ овлаб ўтказди. У чексиз уммонга тикилиб, ҳаёт ва тириклик ҳақида хаёл сурган, бепоён уммондан тирикликнинг моҳиятини англашга уринган ва топган ҳам.

Отаси Кларенц ва бобоси таъсирида Эрни табиат ошуфтаси, саргузаштталаб йигит бўлиб вояга етди. У нафақат уста балиқчи эди, балки ўрмондаги ҳар бир дарахтни, гиёҳни, ҳиндулар, деҳқонлар, чорвадорлар ҳаётини яхши биларди. Отаси унга табиатни томоша қилишни эмас, ўқишни, табиат билан инсон уйғунлигини ҳис этишни ҳам ўргатганди. Кейинчалик Хемингуэйнинг кўплаб ҳикояларига қаҳрамон бўлган Ник Адамс образи аслида отасининг прототипи эди. Ёзувчи адабий қаҳрамони Ник Адамс қиёфасида отасини бир умр ўзи билан бирга олиб юрди, у билан суҳбат қурди, маслаҳатлашди, ўрни келганда ҳаёт ҳақида мунозараларга киришди. Бир сўз билан айтганда, Ник адибнинг адабий отасига айланди.

Табиат қўйнида ва отасининг ундови билан бокс спортида чиниқиб улғайган Эрнест мактабни ёзувчи бўлиш ҳақидаги қатъий қарор билан тугатди. Унинг дунёга айтадиган гаплари кўп эди. Шу сабабли у ота-онаси қанчалик талаб қилишмасин, университетга ўқишга кирмай, ўз омадини репортёр-журналист сифатида синаб кўришга қарор қилди. Канзас-Ситига бориб, маҳаллий "The Kansas City Star" газетасига ишга кирди. Газета уни қисқа, лўнда, аниқ ёзишга ўргатди. Бу эса кейинчалик уни ижодий тоблади.

Бу пайтда Европада Биринчи жаҳон уруши давом этарди. Саргузаштталаб ёш Эрнест урушга худди спорт мусобақасига кетаётгандай интиларди. Аммо кўриш қобилияти яхши эмаслиги боис, аризаси инобатга олинмади. У бундан ўзини камситилгандай, илк марта шахс ва инсон сифатида таҳқирлангандай ҳис этди. Айнан шу таҳқир туйғуси унга ўзини исботлаш учун куч-қувват берди. Қандай қилиб бўлса ҳам урушда иштирок этиш, ўзининг бошқалардан кам эмаслигини исботлаш истаги унга тинчлик бермасди. Ниҳоят, у Қизил Хоч жамиятига кўнгилли бўлиб ишга киради ва ҳайдовчи сифатида Италияга, жаҳон уруши аланга олган мамлакатга жўнаб кетади. У урушни кўриб, бу ўзи ўйлаганидек, "спорт ўйини эмас", балки унинг бошида турганлар ва ўйлаб топганларнинг мудҳиш жинояти эканига амин бўлди, алданган тасаввури бу ҳақиқатни бутун инсониятга етказиш ниятини пайдо қилди. Уруш – қаҳрамонлик майдони эмас, балки инсонни хўрлайдиган, уни тубанлаштирадиган, дунёдаги жамики эзгуликка қарши қаратилган энг қабиҳ ҳаракат экани унинг ҳаётдаги илк сабоғи бўлди. Айни шу сабоқ унинг дастлабки икки йирик романининг яратилишига туртки берди.

Ёзувчи уруш асоратининг нафақат руҳий, балки жисмоний оғриқларини ҳам бошдан кечирди. Ярадор итальян аскарини қутқараман деб, минага дуч келди ва нақ 227 жойидан катта-кичик жароҳат олди. Шифокорлар танасидан 22 та мина парчасини териб олишади, бироқ яна бир қанчаси унинг танасида қолиб кетади ва адибга бутун умр азоб бериб ўтади. Ёш Хемингуэйнинг уруш ҳақидаги тасаввурлари ана шу тариқа ўзгаради: энди уруш унинг тасаввуридаги иблисга айланади ва у бир умр бу иблисни асарлари орқали фош қилиш билан шуғулланади.

Дастлаб "Фиеста" романи "Қуёш барибир чиқаверади" номи остида босилиб чиқди. Бу асар журналист Хемингуэй номини бутун Америкага машҳур қилиб юборди. Кейинги "Алвидо, қурол!" романи эса адибни Европага ҳам танитди.

"Фиеста" асарига "Сизлар завол топган авлодсиз!" деган ибора эпиграф қилиб олинган, асарда ҳам айни шу "завол топган авлоднинг" ботиний дунёси ҳақида ҳикоя қилинади. Романда умрини руҳан хароб қилган ва энди урушсиз яшай олмай қолган авлоднинг урушсиз дунёда ўзлигини топиш машаққатлари акс эттирилади.

Уруш бу авлоднинг барча нарсасини – муҳаббати, туйғулари, инсоний қиёфаси, кўнгли,

e-mail: til@sarkor.uz

маслаги ва эътиқодини тортиб олди. Бу фазилат ва хислатлардан маҳрум бўлган авлод энди урушсиз, тинч ва осуда ҳаётдан ўзини топа оладими? Асарда ана шу саволга жавоб қидирилади ва бу авлод руҳиятининг аянчли манзаралари ғоят таъсирчан усулда кўрсатиб берилади. Завол топган авлод – бу уруш туфайли сўнган умидларини қайта тиклолмаган, урушдан сўнг ҳаётдан мазмун, қувонч тополмаган, эртанги кунини қайта яратолмаган авлодлиги асарда ёрқин гавдаланади.

Роман қаҳрамонларининг деярли барчаси урушда иштирок этган ва унинг асоратларини кўнгилларида асраб юрибди. Бошқача айтганда, уруш ҳали ҳам уларнинг кўнглини ва ҳаётини бошқаришда давом этаяпти. Асарда ичкилик, кўнгилхушлик билан боғлиқ саҳналар жуда кўп учрайди. Чунки бу авлод уруш асорати ва кечинмаларини маишат, ичкилик, кўнгилхушлик билан енгишга, унутишга уринади. Аммо уларнинг мажруҳ кўнгиллари ичларидаги Иблисни енгишга ожизлик қилади.

"Фиеста" романи урушнинг маънавий асоратлари ботқоғига ботган авлод ҳақида бўлса, 1929 йилда босилиб чиққан "Алвидо, қурол!" романи бевосита урушнинг ўзи ҳақида. Бу асарда уруш ва муҳаббат қарама-қарши қўйилади. Аслида ёзилиш вақтига эмас, маъно ва моҳиятига кўра "Алвидо, қурол!" романи "Фиеста" асарининг бошланиши, муқаддимаси эди. "Фиеста" романидаги воқеалар "Алвидо, қурол!" романининг давомидай таассурот қолдиради.

Асар қаҳрамони Фред Генри уруш даҳшатлари, қабиҳликларидан қочиб, ўзини севган қизи Кэтрин Баркли қалбига яширади. Бошқача айтганда, уруш жароҳатлаган, майиб қилган қалбини Кэтрингга бўлган муҳаббати билан даволайди. У ана шу яширин муҳаббат ва севги маконида ўзини ҳақиқий одамдай ҳис этади, инсоний туйғуларни бошдан кечиради. Адиб бу билан уруш зада қилган, ўлдирган қалбни муҳаббат тирилтиради, инсонга куч ва завқ бағишлайди, дейди. Асарда XX аср одамининг қисматини белгилайдиган иккита қутб бор: уруш ва муҳаббат. Қайси бирини танлаш одамнинг ўз қўлида. Фақат муҳаббатгина инсон қўлидан қуролни тушириши, уни умумбашарий уйғунлик, яхлитлик, бирдамликка олиб келиши мумкин. Фақат муҳаббатгина бугунги уруш туфайли ўзини намоён этаётган, уруш билан зада қилинган, алам ва нафратга тўла, лойқаланган, саёзлашган кўнгилни иситиб, уни яна ҳаётга, илоҳий уйғунликка қайтара олади. Ёзувчи бир томондан уруш манзаралари, иккинчи томондан муҳаббат саҳналари, кечинмаларини тасвирлаш орқали бу икки қутбни бир-бири билан қиёслаш имконини беради. Асарда уруш очиқчасига, ошкора лаънатланмайди, Хемингуэйга хос услубда, тагматнда уруш фожиаси ва муҳаббат тараннуми қиёсланади. Адиб бу билан хулоса чиқаришни ўқувчининг ўзига қолдиради.

Уруш урушлигини қилади, Генридан муҳаббатини ҳам тортиб олади, яъни Кэтрин вафот этади. Оқибатда бу дунёда Генри беркинадиган, уруш ваҳимасидан уни омон сақлайдиган, жароҳатланган қалбини даволаб, қутқариб қоладиган бошқа куч, бошқа макон қолмайди. Уруш муҳаббатни ўлдиради. Уруш завол топган авлод вакилини енгади. Бу роман қаҳрамонларининг руҳий-маънавий кечинмалари, гарчи исм-шарифлари бошқа бўлса-да, олдинроқ чоп этилган "Фиеста" романида давом этади. Бу икки асар Эрнест Хемингуэйни дунё миқёсидаги адиб даражасига олиб чиқади.

Отаси Эрнестнинг кўнглида ов билан бирга боксга ҳам қизиқиш уйғота олганди. Шу боис бокс ҳам унинг доимий машғулотига айланади. У Кубада яшаган йиллари ушбу мамлакатдаги барча номдор боксчилар билан рингда жанг қилиб чиқди. Ўзининг ибораси билан айтганда, адабиёт ҳам унинг учун бокс майдони эди. Унинг фикрича, бу рингда ҳам ё ғолиб, ё мағлуб бўлиб майдондан чиқилади. Умуман, адиб учун ҳаётнинг ўзи ринг эди. Ёзувчи кейинчалик шундай деб ёзганди: "Мен жаноб Тургеневни бир неча уринишда йиқитдим. Кейин жаноб Мопассанни ҳам анча қийин кечган бўлса-да, барибир таслим қилдим. Жаноб Стендал билан икки марта дуранг бўлдик, бироқ сўнгги раундда очколар ҳисобига мен ғолиб чиқдим. Жаноб Толстой билан эса рингга чиқишни хаёлимга ҳам келтирмадим".

Хемингуэй ўз замондошлари бўлган Кафка, Жойс, Пруст билан ҳам рингга чиқишга уринган. Бироқ у адабиётга кириб келган ва айни кучга тўлган пайтда бу адиблар адабиёт рингининг қироллари сифатида тан олинган ва уларнинг кураш услублари ҳам бўлакча эди. Шу сабабли Эрнест бу адибларни рингга чақириб ўтирмайди.

Эрнест Хемингуэй Сўз рингида ҳамиша ғолиб бўлишга ҳаракат қилди, бироқ баъзида ўзини енгилган деб ҳисоблар, тушкунликка тушиб, ҳаммасини бошдан бошлаш учун ўзини янгидан-янги эрмаклар, машғулотлар, хатарли ўйинлар ва саргузаштларга урарди.

Хемингуэйнинг қисқа ифода этиш ва баён қилиш, маънони матн тагига яшириш усули "телеграф услуб" деб атала бошлади ва бу адабиётда янги услуб сифатида эътироф этилди. Аммо бунга эришгунча адиб машаққатли йўлни босиб ўтди, ёзиш заҳмати ва уқубатини бошдан кечирди, айни пайтда бир умр истеъдоди ва маҳоратига шубҳа қилиб яшади. Фолкнер у ҳақда: "Мағлубиятлардан пайдо бўлган адиб", – деган эди. Чунки Хемингуэй машҳурлик ва эътирофга, шуҳрат ва эътиборга ўзининг иродаси билан эришган эди. Унинг асарлари ўзи ҳис этганлари, кўрган-кечирганлари, ҳаёт ва олам ҳақидаги қарашлари ифодаси эди. У кўрмаган, ўзи гувоҳ бўлмаган воқеалар, ҳодисалар ҳақида ҳеч қачон ёзмаган. Барча асарларида битта нарсани – ўзининг кўрган-кечирганларини, ўзининг шахс сифатидаги ботиний таржимаи ҳолини тасвирлаб берарди. Шу сабабли ҳам Эрнест Хемингуэй асарларини адибнинг бадиийлашган автобиографияси дейиш мумкин. Ҳатто маълум маънода фантастик унсурлар аралашган, романтик руҳ уфуриб турган, адибни Нобель мукофоти шоҳсупасига бошлаб борган "Чол ва денгиз" қиссаси ҳам аслида бир пайтлар ов маҳали қармоғи акула жиғилдонига тушиб қолиб, адибнинг қайиғи билан қўшиб бир неча милга судраб кетган акулани отаман деб оёғига жароҳат

етказган воқеа таъсирида дунёга келганди. Нима бўлганда ҳам асарлари Хемингуэйнинг фақат адиб сифатидагина эмас, балки шахс сифатида шаклланишига ҳам туртки берди. Бошқача айтганда, Хемингуэй қиёфасида шахс ва адиб бир пайтда шаклана бошлади.

"Фиеста" ва "Алвидо, қурол!" романлари билан Хемингуэйнинг кўнгил захираси ҳам тугаганди гўё. Унга ўзини ларзага солиш, қобилиятини ҳушёр тортириш, бутун шуурини янги асарга сарфлаш учун янги саргузашт керак эди. Шу боис адиб ўзидаги мудраб қолган ижодий кучни уйғотиш учун Африка Сафарисига ов сафарига отланди, Испаниядаги фуқаролар урушида иштирок этди. Машаққатли ов сафари, бир неча марта ўлим билан юзма-юз келишлар ниҳоят унинг илҳом қувватини уйғотади. Натижада XX асрнинг 30-йилларига келиб унинг иккита романи кетма-кет босилиб чиқди. Испаниядаги урушга бағишланган "Бонг кимни чорламоқда?" романи эса адиб ижодининг янги қирраларини намоён қилган асардир. Бу романда адиб онг ости кечинмалари услубини ўзининг "телеграф услуби" билан бирлаштиради ва янги тасвир имкониятига эришади.

Эрнест Хемингуэй номи ҳамиша ҳам модернист ёзувчилар сафида саналмаган, унинг ўзи ҳам адабиётда модернист бўлишни истамаган. Шу боис Америка модернистларининг етакчиси Гертруда Стайн хоним Хемингуэй ҳақида: «У қанчалик замонавий бўлишга интилмасин, ёзганларидан музей ҳиди келади", – деганди. Аслида Хемингуэй шакл ёки адабий услублар яратиш учун асар ёзмаган, балки инсон дарди ва қалбини баён қилиш мақсадида ўзига хос янги шакллар излаган. "Бонг кимни чорламоқда?" романи бу борада таҳлил ва талқинлар учун бой асар. Унда онг ости кечинмалари ҳам, оддий баён усули ҳам, адибга хос тагматн-у "телеграф усули" ҳам қоришиқ ҳолда келади.

Хемингуэй бир умр асарлари орқали ўзи йўқотган ҳисларни, орзуларни, туйғуларни ва маънони излади. Чунки ҳаётининг ўзи ҳам асарларида тасвирлаган, тараннум этган матонат ва қаҳрамонликка тўла эди. Биринчи жаҳон урушида орттирган саноқсиз жароҳатлар ва чандиқлар унинг руҳини синдиролмади, бу фалокатлар охиргиси ҳам эмасди. У хатларидан бирида: "Танам оғриб турмаса, ўзимни одамдай ҳис қилмайман", – деб ёзган эди. Адиб шу орқали қисматнинг азобини ҳис этар ва бу оғриқлари янги асарлар қиёфасида пайдо бўларди.

1930 йилда ўз автомобилида юк машинаси билан тўқнашиб кетиши оқибатида чап қўлининг суяклари майдаланиб кетади. Натижада ўн марта жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлади. 1944 йилда эса Англияда ҳарбий мухбир бўлиб ишлаб юрганида машинаси сув тўла темир бочка билан тўқнашиб кетади ва адибнинг юзини ойна тилиб ташлайди. 1945 йилда ҳарбий аэродромда яна автоҳалокатга учраб, мия чайқалишидан анча пайтгача азият чекиб юради. 1949 йилда балиқ овида чап кўзини жароҳатлаб олади, докторлар унга бу кўзи бошқа кўрмаслигини айтишади. 1954 йилда эса хотини Мэри билан Африка чакалакзорида авиаҳалокатга учраб, йиртқич ҳайвонлар орасида қолиб кетади.

1952 йилда эълон қилинган "Чол ва денгиз" асари адибни дунё адабиётининг улкан намояндаларидан бирига айлантирди. Ҳажман кичик бўлган қиссада бутун бир асрга татигулик инсон ҳаёти, матонати, кураши, мағлубияти ва иродаси бадиий тараннум этилган. Адиб дастлаб асар қаҳрамонлари билан бир қаторда кўплаб образлар иштирок этадиган, бисёр воқеалар юз берадиган йирик роман ёзиш ниятида бўлган. Аммо кейинчалик бу фикридан қайтиб, асарни ҳикмат-қиссага – ҳаёт ҳақидаги ҳикматга, ҳикмат-тимсолга айлантиришга уринди ва бунинг уддасидан чиқди ҳам: асар чинакам ҳикматга айланди. Икки жаҳон уруши, қирғинлар, бутун дунёни ларзага солган зулм ва зўравонликлар, турғунликлар, оммавий қирғин қуроллари, инсон эркини кишанлаб ётган қамоқхоналар, лагерлар – барчаси инсонни хўрлаган, уни буккан, ундан барча нарсани тортиб олган асрда инсон иродасига ишонч билан суғорилган бу асарнинг чоп этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қисса бир неча ойда дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди ва XX асрнинг нодир бадиий намунаси сифатида эътироф этилди.

Гарчи адибнинг ўзи: "Мен оддий балиқ, оддий денгиз, оддий балиқчи ва оддий бола ҳақида ёздим", – деган бўлса-да, асарни турли даврларда, турфа давраларда хилма-хил шарҳлаш бошланди. Ўз даврида Сантьяго, балиқ, бола, акула тимсоллари янгидан-янги талқинларга сабаб бўлди.

1954 йилда айнан шу асар учун Хемингуэйга Нобель мукофоти берилди. "Чол ва денгиз" қиссасидан сўнг адиб бор-йўғи иккита йирик асар яратди. ("Байрам ҳамиша сен билан" хотира романи ва "Океандаги ороллар" тугалланмаган романи вафотидан сўнг эълон қилинди).

Умуман, дунё адабиётида ҳам адиб, ҳам шахс сифатида ёзувчи эгаллаган ўрин ўзгача. Чунки умри давомида иккала жаҳон урушини кўрган, турли воқеа-ҳодисалар туфайли сон-саноқсиз жароҳатлар олган, ўз жонини гаровга қўйиб, уммонларни, ёввойи чангалзорларни, жазирама саҳроларни кезиб чиққан, йиртқич ва ваҳший ҳайвонлар билан юзма-юз келиб, улар билан олишган, Африка ва Кубанинг ўта хавфли юқумли касалликларини бошдан кечирган, хафақон ва диабет касалликларидан азоб тортган, бир сўз билан айтганда, ҳамиша ҳаёти қил устида турган, бир умр фалокат, ўлим, оғриқ, жароҳат билан олишиб, инсон матонатини бадиий қасидаларга айлантира олган бошқа бир адиб жаҳон адабиётида учрамайди, десак, хато бўлмас.

Эрнест Хемингуэй 1961 йилнинг 2 июлида АҚШда вафот этди.

Ўзбек тилида ёзувчининг "Алвидо, қурол!" романи ва "Чол ва денгиз" қиссаси атоқли таржимон Иброҳим Ғафуров талқинида кенг китобхонлар оммасига етиб борган, шоҳ ҳикояси "Килиманжаро қорлари" (Саид Мурод таржимаси) ҳам тилимизга ўгирилган. Афсуски, жаҳон ҳикоячилик жанри бойишига катта ҳисса қўшган адибнинг (Хемингуэй ижодида бу жанр устуворлик қилади) етук ҳикоялари ҳали ўз таржимонларини (хусусан, инглиз тилидан) кутиб турибди.

Иброҳим ДАРВИШОВ,
Наманган давлат университети
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ НАМАНГАН ДИАЛЕКТИК АРЕАЛИ ВА УНИНГ АЙРИМ ФОНЕТИК, МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. *Мақолада жанубий-ғарбий Наманган диалектик ареалига мансуб шеваларнинг фонетик ва морфологик хусусиятлари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *диалектик ареал, изоглосса, боғлиқ изоглоссалар, конвергент изоглассалар.*

Аннотация. *В статье исследованы морфологические и фонетические особенности говоров (диалектов), относящихся к диалектическому ареалу юго-западного Намангана.*

Ключевые слова*: диалектический ареал, изоглосса, конвергентные изоглоссы.*

Annotation. *The article considers the phonetic and morphologic features of the dialects related to the dialectic areal of south-western Namangan.*

Key words: *dialectical areal, isoglosses, linked isoglosses, convergent isoglosses.*

Маълумки, ҳар бир тилнинг ривожи ва бойиб боришида шеваларнинг ўрни бор. Шу маънода ўзбек шевалари ва уларнинг хусусусиятларини ўрганиш орқали ўзбек тилини ўзига хос табиати ҳам очилади. Шундай экан, ўзбек шеваларини тўлиқ ўрганмасдан туриб, умумўзбек тилининг ифода имкониятлари ҳақида атрофлича фикр юритиш мумкин эмас. Негаки шевалар бизга ўзбек халқининг этногенетик, этнографик хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотлар берадики, бундай маълумотларни бошқа ҳеч бир манбадан олиб бўлмайди.

Наманган вилоятининг жануби-ғарбий ҳудудида жойлашган бир қатор қишлоқ шеваларида ўзбек тилининг бошқа шеваларида учрамайдиган ўзига хос фонетик, морфологик хусусиятлар кузатиладики, бундай ҳодисаларни таҳлилга тортиш, рўй бериш позицияларини аниқлаш ва сабабларини ёритиш ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини объектив ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, жануби-ғарбий Наманган диалектик ареалига мансуб шеваларнинг фонетик, морфологик хусусиятларини ёритишда ареал тилшунослик тамойилларига таянамиз.

Маълумки, ареал тилшуносликнинг марказий тушунчаси тил ёки диалект ареалидир. Бошқача айтганда, айрим лингвистик ҳодисаларнинг тарқалиш чегараси ва уларнинг йиғиндисидир. Ареал лотинча *"area"* сўзидан олинган бўлиб, *"майдон", "кенглик"* маъноларини ифодалайди.

Ареалларнинг марказий тушунчаси ***изоглосса*** бўлиб, у тилнинг барча сатҳлари учун характерлидир.

Изоглоссалар боғлиқ ва конвергент изоглоссаларга бўлинади. Буларнинг биринчиси, яъни боғлиқ изоглоссалар бир генетик умумийликка эга бўлган тилларда ривожланади ва улар қиёсий-генетик тадқиқотлар усули орқали аниқланади. Конвергент изоглоссалар эса узоқ даврлар бир ҳудудда яқин алоқада бўлиш натижасида ареал умумийликнинг вужудга келиши асосида ҳосил бўлади, бундай изоглоссалар типологик таҳлил усуллари асосида ўрганилади.

Жануби-ғарбий Наманган диалекти ареалига Наманган, Тўрақўрғон, Мингбулоқ, Поп туманларидаги кўплаб қишлоқларнинг шевалари киради.

Жануби-ғарбий Наманган шеваларида ўзбек тилининг қипчоқ ва қарлуқ лаҳжаларига ҳамда ҳудуд шевасигагина хос бўлган айрим лисоний қирралар кузатилади.

Шевада боғлиқ изоглоссалар кўпчиликни ташкил этади. Конвергент изоглассалар эса айрим кичик ҳудудлардагина кўзга ташланади.

Боғлиқ изоглоссаларнинг қиёсий-генетик таҳлилидан англашиладики, ҳудуднинг ўтроқ аҳолиси, асосан, қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчилар бўлиб, қолганлари қарлуқ ва аралаш шева вакилларидир.

Бир қатор боғлиқ изоглоссалар ҳудудда "ж"ловчи ва "й"ловчи қипчоқ шевалари қорақалпоқ уруғларининг кўчиб келиб, Сирдарёнинг серўт чап қирғоғига ўрнашиши, ўзбек уруғлари билан ўзаро иқтисодий, маданий-маиший алоқалари натижасида вужудга келган[1]. Чунончи, буни ҳудуднинг аҳоли кўп ва зич жойлашган йирик қишлоқларини ўзбек ҳамда қорақалпоқ уруғлари номи билан аталганида ҳам кўриш мумкин: Тўрақўрғон туманидаги Сарой, Қатоғон, Олчин, Катта Қурама, Кичик Қурама; Мингбулоқ туманидаги Момохон (қорақалпоқ уруғи), Найман; Поп туманидаги Қорақалпоқ, Кенагас, Найман каби этноойконимлар.

Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареалининг асосий қисмини Мингбулоқ туманидаги қишлоқ шевалари ташкил этади. Тўрақўрғон, Поп туманларининг айрим қишлоқлари шеваларигина мазкур гуруҳга киради.

Конвергент изоглассаларнинг типологик таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштириш учун ишчи-деҳқонларнинг оммавий сафарбарлиги, техника ишларини жонлантириш мақсадида русийзабон аҳолининг кўчириб келиниши, йирик шаҳарлар ва қишлоқлардан қарлуқ лаҳжаси вакилларининг оилавий келишлари, форсийзабон аҳоли вакилларининг, айниқса, маззанг (форсча "мард зан", яъни эркак ишини бажарувчи аёл. Мингбулоқ туманининг Маззанг, Дамкўл қишлоқларида истиқомат қиладилар) элатини чўл ҳудудига кўчирилиши – тарқоқ элатни бир жойга тўпланиши гибридизацияни вужудга келтирди ҳамда жануби-ғарбий Наманган шеваларида диалектологик ўзига хосликлар юзага келишига асос ва сабаб бўлди.

Жануби-ғарбий Наманган диалектологик ареалидаги шеваларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Қипчоқ лаҳжасига мансуб шевалар гуруҳи:

а) "й"ловчилар гуруҳи – Наманган туманидаги Тепақўрғон, Оқбулоқ қишлоқлари; Тўрақўрғон ту-

манидаги Шовон, Сарой, Қатоғон, Олчин, Шаҳанд, Гулқишлоқ, Бураматут, Калвак, Бордимкўл қишлоқлари; Мингбулоқ туманидаги Довдуқ, Терак, Гуртепа, Шўрсув, Баланд Гуртепа, Ўртақишлоқ, Ўзгариш, Узунтепа, Мулкобод, Меҳнатобод, Қорашаҳар, Тегирмон, Бўстон, Қўғаликўл, Алами қишлоқлари; Поп туманидаги Кенагас, Майдамиллат, Уйғур, Қазноқ, Учуйли, Чиғаноқ қишлоқлари шевалари;

б) "ж" ловчилар гуруҳи – Наманган туманининг Элатан, Гулдиров, Бешкапа қишлоғининг айрим маҳаллалари; Тўрақўрғон туманининг Қурама қишлоғи; Мингбулоқ туманининг Чордана, Ингичка, Момохон, Қирқчек, Қолғандарё, Найман, Бешсерка, Қозоғовул, Мадёровул қишлоқлари; Поп туманининг Қорақалпоқ, Найман қишлоқлари шевалари.

2. Қарлуқ лаҳжасига мансуб шевалар гуруҳи:

Чуст, Косонсой, Наманган шаҳарларидан, Учқўрғон, Чортоқ, Уйчи туманларидан кўчиб келган аҳоли вакиллари ҳамда Мингбулоқ туманидаги Уйчи қишлоғи шеваси.

3. Аралаш шеваларда сўзлашувчилар гуруҳи:

Мингбулоқ туманининг Жомашов шаҳарчаси, Дамкўл (Маззанг) ва Гулбоғ қишлоқлари шевалари.

Прага тилшунослик мактабининг "Тезис"ларида тилнинг товуш жабҳасига хос тадқиқотлар хусусида сўз юритилиб, лингвистик тадқиқотларда сўзловчининг мақсадини рўёбга чиқарувчи акустик тимсолларни биринчи, асосий ўринга қўйиш зарурлиги таъкидланади[2]. Дарҳақиқат, билдириладиган ҳар қандай фикрнинг ашёвий қобиғини акустик бирликлар – товушлар ташкил этади. Фикрнинг яхлит ашёси жумла (гап) ҳисобланса, шу жумланинг ашёсини товуш ва товушлар йиғиндисидан иборат бутунлик ташкил этади. Сўз таркибидаги товуш қобиғи ҳудудий, ҳатто индивидуал шахсий фарқлар билан идрок этилади. Бу ҳол айрим ҳудудий тилларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатишга хизмат қилади.

Жанубий-ғарбий Наманган ҳудуди қипчоқ шевалари қуйидаги фонетик хусусиятлари билан характерланади:

а) контраст жуфт унлиларнинг мавжудлиги ва бунинг натижасида сингармонизмнинг сақланиши, яъни ҳозирги қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тиллари ва бошқа қипчоқ гуруҳига кирадиган турк тилларига хос бўлган товушларнинг асос ва аффиксал морфемаларда алмашиниши: ***похто*** *(пахта)*, ***монты*** *(манти)*, ***болық*** *(балиқ)*, ***борыннар*** *(боринглар)*, ***йэннар*** *(енглар)*, ***чықыннор*** *(чиқинглар)*, ***бродығон*** *(борадиган)* каби;

б) сўз бошида келган ўрта кўтарилиш унлиларининг дифтонглашуви барча қипчоқ шеваларида бўлгани каби "ж"ловчиларда ҳам мавжуд: ***йэкин*** *(экин)*, ***йэкки қўли*** *(икки қўли, "й"ловчиларда экки қўли)*, ***йэгиб бер*** *(эгиб бер)* каби;

в) "ж"ловчиларда ҳам "й"ловчиларда ҳам қисқа-узун унлиларнинг фарқланмаслиги, ундош товушларнинг тушиб қолиши сабабли иккинчи даражали узунликнинг мавжудлиги: ***ша:р*** *(шаҳар)*, ***бо:р*** *(баҳор)*, ***су:*** *(сув)*, ***келу:ди*** *(келганди)*, ***бору:ди*** *(борганди)* каби;

г) "ж"ловчиларда сўз бошида ***й*** ундошининг ***дж*** га ўтиши: ***джўл*** *(йўл)*, ***джур*** *(юр)*, ***джэнга*** *(янга)*, ***кўзыңди джум*** *(кўзингни юм)* каби;

д) "й"ловчиларда сўз боши, ўртаси ва охирида ***й*** ундошининг орттирилиши (пайдо бўлиши)*:* ***йип*** *(ип)*, ***йилон*** *(илон)*, ***райис*** *(раис)*, ***сарпой*** *(сарпо)* каби;

е) "ж"ловчиларда сўз бошида ***й*** ва ***дж*** ундошининг тушиши: ***иринг*** *(йиринг)*, ***ирик*** *(йирик)*, ***иркан*** *(жиркан)*, ***иртаки*** *(жиртаки//жиззаки)* каби.

ж) жанубий-ғарбий Наманган шеваларида барча қипчоқ шеваларига хос бўлмаган товуш алмашинувини кузатиш мумкин: **й>**г: ***туймə*** *– туғма,* ***туйсə*** *– туғса*; **в>**п: ***сов*** *– соп (кетмоннинг сопи);* х**>**с: ***укəхъ*** *– укаси,* ***болохънъ*** *– боласини;* х**>**ш: ***охноқо - əхнəқə - онохноқо*** *– ана шунақа,* ***мохноқо-мəхнəқə-монохноқо*** *– мана шунақа,* ***мохнə*** *– машина,* ***мохънəхънъ*** *– машинасини;* **х>**қ: ***қəхтə*** *– қаёқда,* ***ўҳмънан-ўҳмон*** *– ўқ билан,* **ҳ>**т: ***сийирди ўҳлот*** *– сигирни ўтлатмоқ* каби.

Жарангсиз сирғалувчи тил олди ***с*** ва ***ш*** ундошларининг жарангсиз сирғалувчи бўғиз ундоши ***ҳ*** га алмашинуви бошқа шеваларда кузатилмаслиги ва бу ҳодиса фақат Мингбулоқ тумани Гуртепа, Ўзгариш қишлоғи шевалари "й" ловчиларигагина хослиги жуда характерлидир *(**мохнəхъ** – машинаси, **əхнəқə** – ана шунақа, мана шунақа)*. Бу мазкур шеванинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бошқа шевалардан фарқлаб туради;

з) ҳудуд шеваларида бошқа қипчоқ шеваларида бўлгани каби унлилар орасида ***п, к, қ*** ундош товушларининг жаранглилашиши, сўз бошида ***ҳ*** ундошининг ортиши, пайдо бўлиши: ***ҳайван****>айвон,* ***ҳарра****>арра* каби, сўз охирида ***к, қ*** ундош товушларининг тушиб қолиши: ***кичи****>кичик* каби ҳолатлар кузатилмайди.

Жанубий-ғарбий Наманган шеваларида ёндош метатезанинг қуйидаги кўринишлари учрайди: **рғ** – ғр: ***тўрғамоқ*** *– тўғрамоқ,* ***иғрит*** *– ирғит (отиб юбормоқ),* ***ижиғранмоқ*** *– ижирғанмоқ;* **вҳ** – ҳв**:** ***авҳол*** *– аҳвол;* **рп** – пр**:** ***кипри*** *– кирпи (типратикан), супра –* ***сурпа;*** **йр** – рй**:** ***Майрам*** *– Марям (қиз бола исми),* ***дот-пайрат*** *– дод-фарёд;* **рв** – вр**:** ***арвуз*** *– авроз,* ***арва-астар*** *– авра-астар,* ***авроҳ*** *– арвоҳ,* ***Сарви*** *– Саври (қиз бола исми);* **гр** – рг: ***ўгрилай*** *– ўргилай;* **зл** – **лз:** ***музлам*** *– мулзам;* **ср** – рс: ***тесрайиб*** *– терсайиб (терсаймоқ);* **йз** – зй: ***тайзиқ*** *– тазйиқ;* **зр** – **рз:** ***арзойил*** *– азроил;* **ҳт-**(д>)тҳ: ***Аҳтам*** *– Адҳам;* **сн** – нс: ***эснам қотти*** *– энсам қотди (энсаси қотмоқ);* **р(б>)в** – бр**:** ***тербат-терват*** *– тебрат (беланчак тебратмоқ);* **лй-(н>)йл:** *начальник* (рус т.) – ***начайлик*** каби.

Ҳудуд шеваларида ёндош бўлмаган масофали метатезанинг айрим кўринишлари қуйидаги ундош товушлар доирасида кузатилади: **в-р**//р-в: ***авара*** *– арава;* **п-т**//т-п: ***питиллоди*** *– типирлади;* **қ-т**//т-қ: ***қитиллади*** *– тиқирлади;* **қ-с** //с-қ**:** ***қисиқ*** *– сиқиқ;* **ғ-м**//м-ғ: ***ғижимла*** *– мижиғла;* **н-л**//л-н: ***налати*** *– лаънати,* ***айналай*** *– айланай;* **л-р**//р-л: ***толғир*** *– тарғил (тарғил сигир);* **й-р**//р-й: ***қийғир*** *– қирғий;* **з-дж**//дж-з**:** ***мизож*** *– мижоз* каби.

Жанубий-ғарбий Наманган шевалари қуйидаги ўзига хос морфологик хусусиятларга эга:

а) қаратқич ва тушум келишиклари аффикслари-нинг бир хил ***-ди, -ти*** кўринишида қўлланиши: ***нонди*** *(нонни),* ***акаңди*** *(акангнинг),* ***китопти*** *кўр,* ***китопти бэти*** *(китобни кўр, китобнинг бети)* каби;

б) ҳозирги-келаси замон сифатдошининг ***-вғич//-овғич//-увғич*** вариантлари ўта кенг қўламда, шева ареалининг барча ҳудудида қўлланиши: ***боровғич одам*** *(борадиган одам),* ***кўрўвгичман*** *(кўрадиганман),* ***йувувғичман*** *(ювадиганман)* каби;

в) ўтган замон бўлишсиз шакли тусланганда шахс-сон қўшимчалари бўлишсизликни ифодаловчи ***йўқ*** сўзидан кейин қўшилиб қўлланиши: ***борган йўҳман, борган йўҳсон*** *(борганим йўқ, борганинг йўқ),* ***қиғон йўҳмон, қиғон йўҳсон*** *(қилганим йўқ, қилганинг йўқ),* ***кўрган йўҳмон, кўрган йўҳсон*** *(кўрганим йўқ,*

e-mail: til@sarkor.uz

кўрганинг йўқ), ***оғон йўҳмон, оғон йўҳсон*** *(олганим йўқ, олганинг йўқ)* каби. Мазкур морфологик ҳолат – қўшимчаларнинг сўзларга алмаштириб қўшиш ҳудуднинг "ж"ловчи шева вакиллари нутқида ҳам, "й"ловчи шева вакиллари нутқида ҳам учраши кузатилади. Бу жараённи биз узоқ вақтлардан бери турли лаҳжали ўзбек уруғларининг бир-бирлари билан биргаликдаги иқтисодий маиший ва сиёсий алоқалари натижаси деб изоҳлаймиз;

г) ***-да*** юкламасининг фонетик варианти ***-та*** нинг мавжудлиги ҳамда унинг қипчоқ лаҳжасига мансуб "й"ловчилар гуруҳи шевасида, асосан, феълларнинг барча замон шаклларида кенг ва ўта фаол қўлланиши: ***айттимта-****айтдим,* ***айтувдимта-****айтганман,* ***айтйаптанта-****айтяпман,* ***айтаманта-****айтмоқчиман* каби. Бу ҳодисанинг фақат Мингбулоқ тумани Гуртепа, Ўзгариш, Ўртақишлоқ, Узунтепа, Мулкобод қишлоғи шевалари "й" ловчиларигагина хослиги жуда характерлидир.

Таҳлиллардан кўринадики, жануби-ғарбий Наманган шеваларида кўплаб ўрганишга арзирли, илмий изоҳталаб лисоний жараёнлар бор.

Таъкидлаш лозимки, Наманган вилоятининг Поп, Уйчи сингари шеваларининг фонетик, лексик-грамматик хусусиятлари В.Решетов, М.Шарипов, А.Алиевлар томонидан монографик планда ўрганилган. Лекин Наманган вилояти жануби-ғарбий ҳудудида жойлашган бир қатор қишлоқ шевалари борки, уларнинг ўзига хос тил хусусиятлари тилшунос-диалектолог олимларимизнинг илмий изланишларида, классификация-таснифларида жуда кам тилга олинган. Бугунги кунда мазкур ҳудудда юз минглаб кишилар ўзининг турли ранг ва жилосига эга бўлган ўзбек тилининг жонли тили – шеваларида ўзаро алоқа қилмоқдалар. Асосийси, улар ўз жонли нутқида энг қадимги туркий тилимиз унсурларини сақлаб келаётганлигидир. Жануби-ғарбий Наманган шевалари грамматик қурилиши, луғавий сатҳи, товушлар тизими ўзига хос жиҳатларга эгаки, уларнинг илмий жиҳатдан мукаммал ва аниқ ҳолатда ўрганиш ўзбек тилшуносларини олдига катта вазифалар юклайди, алоҳида тадқиқотлар ва илмий изланишларни талаб этади.

[1]Л.С. Толстова. Каракалпаки Ферганской долины. Нукус: Каракалпакское государственное издательство, 1959. С.27.
[2]Тезисы Пражского лингвистического кружка. В кн.: В.А. Звегинцев. История языкознания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. Част II. М.: Просвещение, 1965. С. 126.

Ш.ЭРГАШЕВА,
Тошкент Тиббиёт Академияси
Фарғона филиали ўқитувчиси

ПРЕДИКАТИВ БИРЛИКНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. *Гапнинг семантик структураси мазмуни диктум ва модусдан иборат бўлиб, бунда предикатив шакллар грамматик модусни ҳосил қилади ҳамда прагматик структура асосини шакллантиришга ёрдам беради. Ушбу мақолада предикатив бирликнинг прагматик хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *семиологик, структура, парадигма, интралисоний, экстралингвистика, интралингвистика, компративистика, аспект, семантика, прагматик, когнитив, формант, модус, категория.*

Аннотация. *Содержание семантической структуры предложения, состоит из модуса и диктума, при этом предикативные формы образуют грамматические модусы и помогают в развитии образования прагматических структур.*

Ключевые слова: *семиологическая структура, парадигма, интралингвистика, экстралингвистика, компративистика, аспект, семантика, прагматический, когнитивный, формант, модус, категория.*

Annotation. *The content of semantic sentence structure consists of dictum and modus, thus it illuminates the base of pragmatic structure organizing predicative forms.*

Key words: *semiological structure, paradigm, intralinguistic, extralinguistics, comparativistics, aspect, semantics, pragmatic, cognitive, formant, modus, category.*

Йирик тилшунос олим Ф. де Соссюрнинг лингвистик қарашлари тилшунослик фани ва унинг предметини аниқлашда муҳим қадам бўлди. Айниқса, унинг тил ва нутқ ҳодисалари, ички ва ташқи лингвистика, диахрон ва синхрон лингвистика, тил ва нутқ дихотомиясига доир қарашлари кейинги лингвистик тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Тилга семиологик нуқтаи назардан қараш натижасида тилни белги сифатида талқин қилиш ва лингвистик бирликларнинг семиологик тасниф тамойиллари тизимли структура сифатида эътироф этила бошланди. Тилни тадқиқ этиш методига бир-бирига алоқадор фанларнинг уйғунликдаги таҳлил парадигмаси қўшилди. Бу, албатта, лингвистик бирликлар тадқиқидаги биринчи ва асосий, янги методологик ёндашувдир. Лингвистика соҳасида интралисоний тадқиқотлар доираси торлик қила бошлади, шунинг учун ҳам тилда кичик синтаксис, катта синтаксис каби янги атамаларнинг пайдо бўлиши гапдан ҳам катта бирликлар мавжудлигига ишора қила бошлади. Тилшунослик фани тараққиётининг дастлабки даврла-

рида, дейлик, 80-90 йилларда матн лингвистикаси, матн грамматикаси, матн семантикаси йўналишидаги тадқиқотлар амалга оширилган бўлса, XXI асрдан бошлаб ўзбек тилшунослигида ҳам жаҳон тилшунослигида бўлгани сингари лингвопрагматика, психолингвистика, этнолингвистика, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология, дискурс назарияси асослари каби фаннинг янги тармоқлари шакллана бошлади. Бу каби янги тил соҳаларининг шаклланишига В.фон Гумбольдт, А.Потебня сингари тилшуносларнинг қарашлари асос бўлди. Семантика, синтактика, прагматика каби тилнинг семиологик асоси тадқиқот объектига комплекс ва тизимли ёндашувни талаб қила бошлади, бу эса лингвистик, прагматик концепт эгаси, яъни сўзловчининг муносабатини ҳисобга олиш кераклигини ўртага қўйди.

Шу маънода матннинг антропоцентрик тадқиқи муаллиф «мен»ини янги дискурсив методология асосида таҳлил қилишга асосланганлиги билан эътиборлидир. Матннинг яратилиши ва идрок килинишида шахс омили масалалари прагматиканинг асосини ташкил қилади.

Ўзбек тилида сўзловчи тил эгаларининг тафаккур грамматикаси лисоний онг даражаси ҳамда миллий ассоциатив фикрлаш тарзи[1]ни нутқ ёки матнга қараб ажратиш ушбу фаннинг шаклланганлик даражасини белгилаб беради ва буларнинг барчаси прагмалингвистика доирасида таҳлил қилинади.

Бизнинг назаримизда, ҳозирги замон тилшунослигини уч асосий тармоғи ҳисобланган экстралингвистика, интралингвистика ҳамда компративистика кабиларнинг барчасида икки асосий аспект мавжуд бўлади:

Биринчиси, семантик структура ёки ахборот, **иккинчиси** семантик структура ёки ахборотнинг маълум шакл орқали ифодаланганлигидир.

Ахборот қандай шакл орқали ифодаланишидан қатъи назар уларнинг барчасида ахборот ифодаси ёки унинг ифодаловчиси мавжуд бўлади. Шу боис ахборот ифодаловчи ҳар қандай шаклий структурада муаллиф гапга хос бўлган ижтимоий прагматик концептлар кишининг ментал ҳолатида ўз ифодасини топади. Ахборотнинг мазмуний кетма-кетлиги, объектив оламдаги воқеликларга мослиги мантиқий категориялар кўмагида асосланади. Мантиқий категориялар когнитив структура билан боғлиқ бўлади. Муаллиф интеллекти фикрларининг мантиқий кетма-кетлиги асосида грамматик ва прагматик структура шакллантирилади.

Грамматик структура ва грамматик шаклланганлик предикатив бирликнинг асоси саналади. Анъанавий тилшуносликда гапга хос грамматик структура асосий белги деб эътироф этилган бўлишига қарамай, Европада ҳам, рус тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам гап семантикаси тадқиқотлар йўналишини белгилаб беради. Бир гапнинг грамматик асоси кесимдан иборат ва бу кесимлик шакллари воситаси билан намоён бўлади, деб айта оламиз.

Тилшуносликдаги бундай қараш мактаб дарсликларида[2] кўзга ташланади. Кесим ҳақидаги янги илмий парадигмани қуйидаги аргументлар билан асослаш мумкин. **Биринчидан**, кесим етакчи бўлак сифатида гапнинг асосини ташкил этади. **Иккинчидан**, кесимнинг грамматик структурасида унга тобеланувчи бўлакларнинг ноль кўрсаткичли формантлари мавжуд бўлади. Бу формантлар орқали кесим структурасидаги шакллантирилган савол ёки сўроқлар ёрдамида кесимга тобе бўлаклар «тирилтирилади». **Учинчидан,** гапнинг грамматик структурасига хос актуаллашув жараёни натижасида сўзловчи коммуникатив ниятини ифодаловчи бўлаклар ўзбек тилида кесимнинг ёнида жойлашади. **Тўртинчидан**, кесимлик шакллари эса гапда семантик, синтактик ва прагматик структурани юзага чиқаради. Кесимлик шакллари ичида модаллик категорияси (Ш. Балли атамаси) гапнинг мазмунини ташкил килади. Гапнинг семантик структураси мазмуни диктум ва модусдан иборат бўлиб, бунда предикатив шакллар прагматик структура асосини ташкил қилади.

Кесимлик шакллари яхлит система сифатида гапнинг мундарижасини ташкил қилади. Гап мундарижасига хос бўлган семантик ва грамматик категориялар семантик синтаксис ва прагмасемантик структураларни шакллантиришда фаол иштирок этади. Гапга хос замон, шахс-сон ва модалликни ифодаловчи воситалар муаллифнинг объектив оламга ва ўз фикрига муносабатини ифодалайди.

Модаллик, майл категорияси каби грамматик воситалар модал сўзлар ва лексик бирликнинг репрезентатив хусусиятлари орқали баён қилинади. Шунинг учун ҳам гап семантик структурасида фарқланувчи пропозиция элементлари модалликни диктум ва модус қисмига ажратишни талаб қилади. Юзаки қараганда, предикатив шаклларда прагматик хусусият йўқдек туюлади, бироқ гапнинг мазмуни прагматик мазмуний структурасиз шаклланмаслиги аниқдир. Масалан, *“Наргиза эртага келади”* жумласидаги пропозицияда икки ахборот мавжуд. Булардан бири “*Наргизанинг эртага келиши*” ҳақидаги объектив мазмун, иккинчиси эса *“Наргизанинг эртага келиши”* ҳақидаги фикрнинг қатъийлигидир. Бу субъектив мазмундир. Биринчиси диктум, иккинчиси модусдир. Гапга хос модус структурасини модал сўз ва модал гап орқали ифодалаш мумкин. Масалан, «*Менимча, Наргиза эртага келади*». «*Мен ўйлайманки, Наргиза эртага келади*». Умуман гап ва матнга хос модаллик масалалари прагмалингвистиканинг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ўзбек тилшунослиги янги ривожланиш йўлига тушиб олди. Эндиликда тил ўз соҳиби билан биргаликда ўрганилмоқда. Ўзбек тилига унинг ўзигагина хос табиатидан келиб чиқиб баҳо берилмоқда.

---

[1]Д.Худойберганова. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Т., 2013. 4-бет.

[2]М.Қодиров ва б. Она тили. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. Т.: Чўлпон, 2010. Н.Маҳмудов ва б. Она тили. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. Т.: Тасвир, 2010.

Мунисжон ҲАКИМОВ,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти илмий ходими

ОМОН МАТЖОН ШЕЪРИЯТИДА САТИРА

Аннотация. *Мақолада Омон Матжоннинг сатирик шеърлари, уларда илгари сурилган ғоялар таҳлилга тортилади. Шунингдек, шоир шеъриятидаги сатиранинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилади.*

Калит сўзлар: *сатира, сатирик ифода, ҳажв, танқидий шеър, поэтик тафаккур, образ, лирик қаҳрамон, ғоя.*

Аннотация. *В статье анализируются сатирические стихотворения Омона Матжона, рассмотрены затронутые в произведениях идеи, а также специфические особенности сатирических стихотворений автора.*

Ключевые слова: *сатира, сатирические выражения, объём, критическое стихотворение, поэтическое мышление, образ, лирический герой, идея.*

Annotation. *The article analyses Aman Matjan's satirical poems and the idea pursued in them. In addition, it talks about the peculiarities of the satire in the poet's poetry.*

Key words: *satire, satirical expression, humor, critical poem, poetic thought, character, lyrical character, idea.*

Ҳақиқат куйланган шеър ўқувчи қалби ва шуурида бетакрор из қолдиради. Чунки бунда шоир ўқувчи билан ҳамдард, ҳаммаслак. Шеърхон гўё шоирнинг лирик қаҳрамони.

Омон Матжон шеърияти билан таниш ўқувчи ана шундай хулосаларга келиши табиий. Унинг мақтов, фахр, тантанаворлик акс этмаган, сатирик ва танқидий шеърий асарлари ҳам адабиётнинг бош мақсадига хизмат қилади – виждон билан ҳисоблашишга, нафсни тийишга, эзгуликни улуғлашга, ҳалол ва ҳаромни фарқлашга, инсониятни ўзаро тотувликка, Ватанни севишга чорлайди. Мана, унинг **«Бозор ҳазили»** шеъри. Шеър 1992 йил – мустақилликнинг илк йилларида ёзилган. Деҳқон ҳам, ҳунарманд ҳам – барчаси ўз маҳсулотининг эгасига айланиб, ўзи сота бошлади: *«Ўз жойида муқим нарса қолгани гумон, Алиш-алмаш, айирбошлаш замони келмиш».* Хўш, эркинлик замонида ҳар ким ўз мулкидан хоҳлаганидек фойдаланса, нима бўлибди? Қолаверса, қадимда ҳам бу ерлардан савдо карвонлари ўтган, қимматбаҳо буюмларни бизнинг маҳсулотларимиз билан айирбошлашган. Лекин шоир масаланинг бошқа жиҳатига эътиборни қаратади. Ўз мулкига эга бўлиш дегани уни хоҳлаганча ва хоҳлаганга сотиш мумкин дегани эмас:

Наҳот фойда, тама яшар миллатсиз, ерсиз,
Катта-кичик алишмоқда не тушса қўлга![1]

Шоир шу ўринда тиниб-тинчимаган халқни боларилларга қиёслайди. Лекин боларилар *«ўз иши-ла банд... Сал хавф сезса, бир-бирига қалқону вобанд».* Ҳаётда ҳам меҳр, одамийлик, бирлик, ўзлик каби тушунчаларни асраб қолиш жуда муҳим. Уларни йўқотган халқнинг ўзи йўқолишга маҳкум. Шунинг учун шоирнинг қарори қатъий:

Халқим! Агар истиқболинг тағин булутли,
Ўтолмасанг олди-сотди, нафдан нарига –
Алишаман, сотвораман сени
бир қути,
Бир жамоа, бир аҳил уй асаларига! (15-бет)

Сўз Омон Матжоннинг миллат тақдири билан боғлиқ сатирик шеърияти ҳақида борар экан, бу жиҳатдан унинг **«Ажойиб ғалабалар»** шеъри ҳам эътиборни тортади. Шеър собиқ Иттифоқ халқларининг етмиш йил мобайнида эришган *«минглаб ташбеҳлар билан жисми жонимизга томирлаб кетган»* ғалабалари, зафарлари хусусида. Лекин шоир улардан ғурурланишга шошилмайди. Моҳият ва натижаларга эътиборни тортади. Ғалаба, албатта, ғолибники. Мағлуб эса *«басир, қул, ризқи ҳам нимчорак».* Инқилобдан сўнг халқнинг мулкига эгалик қилган, дея бойларни қулоқ қилдик. Уларнинг бойликлари эса халққа қайтарилиш ўрнига ташиб кетилди. Шунинг учун бу *«ғалаба»*дан сўнг ҳам *«камбағалнинг тўймади қорни».* Ўтган асрнинг 30–40-йилларда *«Биз элни, илмни, оламни билган Халқнинг «душман»ларин «енгдик» беомон!»* Мустамлакачиларга зиёлиларимизни ўз қўлимиз билан тутиб бериб эришган бу *«ғалаба»*миз эса аввалгисидан ҳам ўтиб тушди. Энди босқинчилик сиёсатини амалга ошираётганларни ҳисоб беришга мажбур қиладиган кишининг ўзи қолмади. Аслида эса ҳақиқий халқ душманларига енгилдик. Жамият фақатгина роботдек ҳеч қаршиликсиз буйруқни бажарадиган бўлиб қолди. *«Ғалаба»*ларимиздан яна бири Иккинчи жаҳон урушида *«газанда Гитлерни – қора балони девни чивин билан ҳайдаган мисол»* енганимиз. Ачинарлиси шуки, бу жангга иттифоқлик, хусусан, марказий осиёлик жангчилар ҳеч қандай қуролсиз ва тайёргарликсиз киритилаверган. Инсон қадри билан ҳисоблашишни, айниқса, марказий осиёликлар ҳақида гап кетганда, хаёлга ҳам келтиришмас эди. Кам сонли душманга қарши беҳисоб қурбонларимизнинг дарё бўлиб оққан қонига бўялган *«байроғимиз – ол!»* Бироқ биз яна мустамлакалигимизча қолавердик, мағлублар тараққиётда биздан илдамлаб кетди: *«Еттинчи осмонда яшар ҳур, озод!»*

Пахта ҳосилини етиштириш учун чўллар, қўриқ ерлар ўзлаштирилди. 1944 йилда Ўзбекистон 820 минг тонна пахта топширди. *«Бу ўзбек деҳқонининг эришган катта ғалабаси эди».*[2] Бу *«ғалаба»*нинг ўзига хослиги шундаки, *«ҳосилни эгамас, ҳашарчи бўлиб»* топширдик. Унинг тақдири ва фойдаси бизга бегона.

Ана шунақа ур-сурли *«ғалаба»*ларни кетма-кет забт этавериб, фақат моддий бойликларнигина эмас, маънавий бойликларимизни ҳам қўлдан бера бошладик. Миллий байрамларимизу урф-одатларимиз тамомила унутилаёзди. Шунча *«ғалаба»*га эришган миллатнинг тили Давлат тили сифатида қаноатлантирилмади.

Иттифоқ аталмиш *«қонли кема»* бизни минглаб йиллик тарихимиз ва маданиятимиз қирғоқларидан олисларга олиб кетди.

Во ажаб! Биз қанча зафар қозонсак,
Шунча бор қул, қарам бўлиб қолибмиз! (85-бет)

Халқимиз пешонасига ана шундай *«ғалаба»*ларнинг битишига ҳам ўзимиз сабабчи. Чунки амирлик ва хонликларга бўлинган ҳолда бир-бири билан зиддиятда бўлган учта давлат Чор Россиясига қарши курашда бирика олмади. Буюк Темур давлати ўрнида ана шу парчаланган ҳокимиятлар ҳукмронлик қилди. Шоирнинг мана бу тўртлигида ана шундай ҳолат ўзига хос сатирик тарзда ифодасини топган:

Иккига бўлинди бир гуруҳ ўртоқ,
Интилиш озайди – торайди сўқмоқ.
Бир ялов остида эдилар, энди
Чити мунда қолди, мунида – таёқ. (29-бет)

Бир байроқ остида ҳаракат қилувчи миллат иккига бўлиниб, мол-мулкни тенг бўлишган. Ҳаттоки байроқни ҳам. Лекин иккига бўлинган байроқ энди оддий латта ва таёқдангина иборат матоҳ. Энди улар миллат эмас, оломон. Оломоннинг бошига эса хоҳлаган кўйни солиш мумкин. Даҳо шоиримиз А. Ориповга кўра бу жамият *«Машраб осилганда»* ҳам *«Чўлпон отилганда»* ҳам томошага ўч, холос. Чунки бу жамият аъзолари иккиюзламачилик ва ёлғончиликдан тап тортмайдиган, ўз манфаати йўлида ёлғонни – ростга, ростни – ёлғонга тўнкариб тураверади. Бу жиҳатдан Омон Матжоннинг **«Бу – ёлғон!..»** шеъри эътиборга молик. Шеърда шоир *«ёлғон»* сўзини турли кўринишда турли шахслар тилидан сўзлатади. Шу биргина сўзни айтиш орқали кимдир *«эрка, тўқ», «инграна-ди кимдир бағри қон», «ишшайди биров», «кўкракка муштлади кимдир». «Эрка, тўқ»*лар ҳақиқат юзига оёқ қўйсалар, *«бағри қон»*лар ҳақиқат исташади. *«Ишшайган биров»лар «ифлос виждон билан ғолиб» (А. Қодирий) бўлсалар, «пок виждон билан мағлуб» «ҳақиқат йўлида боши кетса, «их» демай»*диганлар (А. Қодирий). Хуллас:

Шундоқ, битта рост сўз айтилгунича
Ким қанча жонларнинг умиди сўнди. (317-бет)

Омон Матжоннинг **«Табиатнинг «Қизил китоб»ига»** шеърида ҳам экологик муаммолар билан бирга виждон, садоқат, дўстлик каби инсоний туйғулар ҳақида сўз юритилади. Шоирнинг бой поэтик тафаккури бу тушунчаларни «Қизил китоб» билан муносабатга киришитради. «Қизил китоб»га қирилиб кетаётган ўсимлик ва жонзотлар номи киритилиб, улар асраб қолишга ҳаракат қилинади. Демак, «Қизил китоб» қайсидир маънода *«нажот элчиси бўлса, етди унга кўп гап ёзмоқнинг пайти!»* Биринчи галда самолёту машиналардан чиқаётган заҳарли тутунлар туфайли ноёб бўлиб қолаётган тоза ҳавони, кейин тоза сувни ёзишни хоҳлайди шоир. Сўнг китобхон диққатини у инсоний муносабатларда йўқолиб бораётган тушунчаларга қаратади. *«Кимлар пур-тўкин, Кимлар энг охирги бир кўмакка зор!»* Унинг наздига кўра *«қиймати буюк»* ДЎСТЛИК, «собит ЭЪТИҚОД», табаррук УДУМларни ҳам топиш мушкул.

Удумлар наинки бир-икки авлод,
Бир Халқ тақдиридан шаҳодатнома! (143-бет)

Омон Матжоннинг **«Фалончининг фикри», «Гўдак феълли дўстимга»** шеърларида жамият ва шахслар характеридаги иллатлар аёвсиз кулгига тортилади. **«Фалончининг фикри»** шеърида тама кутувчи амалдорларнинг сансоларчилиги, мансабни суиистеъмол қилиши фош этилган. Янги ихтиро тасдиқдан ўтиши учун ҳакам олдига қўйилади. Аммо у *«лом-мим – кутганмиш бир кишини»*. Иш ҳақида бирор мард фикр билдирмабди. Ихтирочи «баланд»га кўтарилаётганда:

Фалончи сўз қистирибди:
«Ёш-да... Ғўр-да... Аланга!... (274-бет) –

дея уни ишдан ҳам, тақдирловдан ҳам қолдириб юборишади. Хуллас, унинг *«ичган бир қулт ароғи»*ю бировнинг қизи билан саломлашгани ҳам унинг бошига битган бало бўлади. Чунки ихтирочи *«ўзни мағрур тут»*ган, *«фалончи»*ни эсламаган, *«фалончи»*га ёқмайдиган кийим кийган. У «Шахс»ларга ёқиш учун:

Хушомадни ва «хўп-хўп»ни
Ҳужжат – қасам қилиб ол... (275-бет)

Муаммолар осон ҳал бўлишини истаган киши шунга одатланиши керак. Иккиюзламачи ва амалпараст кимсалар учун истеъдод, қалб – сариқ чақага ҳам арзимас тушунчалар. *«Фалончилар қилмагунча мурувват»* икки дунё қоронғи уларга. Айнан шулар – ўз тинчи, қорин ғами учун яшайдиганлар миллатнинг эрки, ғурурининг топталишига сабаб бўлмаганмиди? Шунақалар сабаб Абдурауф Фитрат Миррих юлдузидан:

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар?[3] –

дея нажот тиламаганмиди?

«Гўдак феълли дўстимга» шеърида эса шахслар характеридаги қусурларни болага хос хусусиятга қиёслаш орқали қаттиқ кулги остига олади. Бола қилган хатолари учун тез-тез катталардан дакки эшитади, ўрни келганда жазоланади, сўнг йиғлайди, узр сўрайди. Бу ҳолат катталарда йўқ дейсизми?

Йўқса, ҳар қадамда нечун хатолар,
Нечун шунча йиғи ҳам илтижолар?! (148-бет)

Болага хос нафснинг қули бўлиш катталарда ҳам бор. *«Йўқса, не учундир бунча тўймаслик?»* Ёмони шуки, боланинг нафсини бирор егулик ёки ўйинчоқ билан алдаш мумкин, лекин катталарнинг нафси ўпқон мисоли ҳамма нарсани ўз домига тортаверади. Ёш болада тақлидга мойиллик кучли – катталардан эшитганини такрорлаб юради. Шоир катталардаги лаганбардорлик, *«соясига салом бериш»* каби иллатларни шунга ўхшатади:

Йўқса, нима учун катталар зинҳор
Не десалар шуни қиламиз такрор?! (148-бет)

Шеър сўнггида кулгининг салмоғи кульминация талабига кўра ортади. Энди шоир айрим шахсларни эмас, миллатни гўдакка қиёслаш билан шеър талабига хос образлиликни яратади. Яъни бирор нимани талаб қилаверган ёки йиғлаётган болани катталар алдашади, овутишади. Агарда ҳеч имкони бўлмаса, онаси уни ухлатади. Шўро мафкураси таъқиби ва таъсирида ўтган етмиш йиллик тасаввуримизни ҳам, тафаккуримизни ҳам гўдакники сингари тутишга уринилди. Миллатнинг Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Файзулла Хўжаев, Усмон Носир каби уйғоқ вакиллари қатағон қилинди. Минг йилликлар оша шаклланган цивилизациямиз таъқибга учради, тарихимиз тўғри баҳоланмади. Бу қилмишларнинг ҳаммасида миллатимизнинг ўзлигини эсламаслик, мустамлака бўлиб қолиш, ЭРК, ОЗОДЛИК

каби тушунчаларни ёдга олмаслик кабилар мақсад қилиб олинган эди:

Йўқса, не учундир шунча овутмоқ,
Шунча алдаб, шунча уйқуда тутмоқ?! (148-бет)

Шеърнинг 1975 йилда ёзилганлиги тутқич билмас тўлқинларнинг шоир қалбидан ўша мафкура ҳукмронлик қилган даврлардаёқ отилиб чиққанлигидан далолат! Чунки ҳақиқий ШОИР қалбида замон ва макон пойлаб турмас дардли туйғулар жўш уради.

Шоир ижодида Ватанни асраш, юртга содиқлик шу даражада кучлики, унинг поэтик тафаккури «**Плайнзликларнинг антиқа ирими**»да ҳам бу борада ўзига хос образлилик ярата олган. Шоир 1979 йилда АҚШнинг Плайнз шаҳри дўконларидан бирига кирганида деворда игналар қадаб ташланган харитага кўзи тушади. Сотувчи қиз шоирга одатни тушунтиради:

– Сайёҳ қайси юртга қайтмоқчи бўлса,
Ўша жойга, мана, игна қадасин! (230-бет)

Мана шу оддий деталь тўққиз банддан иборат каттагина шеърга таянч – тугун вазифасини ўтаган. Хўш, қаҳрамонимиз игна қадайдими, йўқми? Қадаса нима бўлади? Қадамаса-чи? Шоир игна қадашни ватанига хиёнат деб билади ва таклифни рад этади.

Юртимиз қалбини бир бор кўрсайдинг,
Найзалар ўрнини минглаб битмаган.
Доро, Искандарлар тиғ урган унга,
Энди мен санчишим гўё етмаган. (230-бет).

Араблару Чингиз босқинларида тўкилган қонларда *«Океанлар косадан чиқарди». «Ҳатто тож-тахт деб ўз элин»* не-не хонлар қон тўкмади бу юртда. Шундай бағри хун ва яра юртига шоир қандай қилиб игна санчсин! Узоққа бормай, Иккинчи жаҳон урушини эсга олинг – *«Гитлер ўзбек тупроғига отмаса-да ўқ»,* жангга кетган ватандошларимиздан келган *«қўрғошиндан оғир қорахатлардан»* ҳар бир оиланинг бағри кемтик. Ўқувчи энди бир тўхтамга келади: қаҳрамонимиз игнани қадамайди! Йўқ, у игнани қадайди ва бунга тайинли асос топа олади:

Юртга игна санчмоқ нечоғлик оғир,
Лекин қайтиб бориш истаги зўрроқ! (231-бет)

Араблару Чингиз босқинига қарши ўн минглаб аскарлар жанг қилгандир, тож-тахт талашларида юз минглаб аскарлар қурбон бўлгандир, Иккинчи жаҳон урушида миллионлаб ватандошларимиз ҳалок бўлгандир, лекин қайноқ қони уларникиданда устунроқ жасорат кўрсатишга шай! Шунинг учун у ватанига қайтиши, уни миллионлаб аскарларга ишонмасдан, ўзи ҳимоя қилишни истайди.

Ўқувчи Омон Матжон шеърияти билан танишар экан, унда сатирик ифода салмоқли мавқега эга эканлигига гувоҳ бўлади. Бу шеъриятдаги сатира гоҳ у, гоҳ бу кўринишда шахсни ҳалоллик, виждонлилик, меҳр-муҳаббатли бўлишга; миллатни жасурлик, ғурурлилик, уйғоқликка; инсониятни бирдамлик, эзгуликни улуғлашга чорлайди.

---

[1]О. Матжон. Сайланма. Т., 1995. 15-бет (Бундан кейин шу манбадан олинган шеърий парчалар саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).
[2]Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Т., 2000. 449-бет.
[3]А. Фитрат. Танланган асарлар. Т., 2000. 36-бет.

Шоирахон ТОШХЎЖАЕВА,
Қўқон давлат педагогика институти
катта илмий ходим изланувчиси

ЭРКИН АЪЗАМ ИЖОДИДА МАЪНОДОШЛИК

Аннотация. *Ушбу мақолада Эркин Аъзамнинг маънодош сўзлардан фойдаланиш маҳорати ўрганилган. Унда лексик, фразеологик, морфологик ва синтактик маънодошлик ҳодисаси лингвопоэтик нуқтаи назаридан таҳлил этилган.*

Калит сўзлар: *маънодошлик, лингвопоэтик ёндашув, лексик маънодошлик, фразеологик маънодошлик, морфологик маъно, синтактик маънодошлик.*

Аннотация. *В статье изучено мастерство Эркина Аъзама в области использования синонимичных слов, проведён лексический, фразеологический, морфологический анализ синонимов с лингвопоэтической точки зрения.*

Ключевые слова: *синонимичность, лингвопоэтический подход, лексическая синонимичность, фразеологическая синонимичность, морфологическое значение.*

Annotation. *This article studies Erkin A'zam's skill in using synonymous words. It analyses the phenomena of lexical, phraseological, morphological and syntactical synonymy from the lingo-poetic point of view.*

Key words: *synonymy, lingo-poetic approach, lexical synonymy, phraseological synonymy, morphological meaning, syntactical synonymy.*

Ўзбек тилшунослигида маънодошлик ҳодисаси, яъни синонимия юзасидан баъзи тадқиқотчиларнинг ишларида бир-биридан фарқланувчи фикрлар билдирилган. Масалан, "Ўзбек тили стилистикаси"да "маънолари бир хил ёки ўзаро яқин, талаффуз ва ёзилиши ҳар хил бўлган сўзлар"[1] синонимлардир, деб таъриф берилса, А.Ҳожиев уни "бирлаштирувчи маънолари бир хил, талаффузи ва ёзилиши ҳар хил, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби қатор хусусиятлари билан фарқланадиган сўзлар синонимлардир"[2], дея изоҳлайди. Кейинги изоҳда айтилганидек, синонимлар бир-биридан турли маъно нозиклиги, даражаси билан фарқланади. Улар бир бош атрофига уюшган бўлиб, шу доминант сўз орқали баён қилинган мазмунни тўлдириши, кенгайтириши, унга аниқлик киритиши мумкин.

И. Қўчқортоев тилнинг синонимик бойлигини икки қатлам: 1) марказий, ядро қатлам ва 2) периферик

қатламга ажратади ҳамда синонимик бойликнинг ядро қатламига асл синонимлар, вариантлар ва дублетлар; периферик синонимик қатламга квазисинонимлар, дериватлар, иккиламчи номинациялар, перифрастик ифодалар киришини айтиб ўтади.[3]

Ўзбек тилида синонимия ҳодисаси Г. Муҳаммаджонованинг номзодлик ишида чуқур текширилгани ҳолда назарий хулосалар чиқарилган. Бу шакл ва маъно муносабатига кўра сўзларнинг мазкур тури фикр ифодасининг қайтариқлардан сақлашда, жозибадорлиги, маъно кўламининг кенглиги, мазмуний жиҳатдан кўп қатламлигига эришишда фойдаланилиши қайд этилган.[4]

Бадиий асарларда "синонимлар нутқни таъсирчан баён қилишда ҳамда услубнинг рангдор бўлишини таъминлашда, қайтариқларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга."[5] Ижодкорнинг ўз асарларида ушбу усулдан фойдаланиш даражасининг кенглиги ёзувчи тилининг нақадар бойлигидан далолат беради. "Тилдаги синонимларни яхши эгаллаш, улардан тўғри фойдаланиш, киши нутқи учун катта имкониятлар яратади. Бунинг натижасида улар ўз фикр ва идеяларининг энг нозик ҳолатларини, ўз нутқларининг ҳамма маъно жилоларини тушунарли ва равшан, равон ва жозибадор, ширали ва таъсирчан қилиб ифодалаш шарафига муяссар бўладилар"[6]. Уларни чуқур ўрганиш ва маъно фарқларини билишда эса, албатта, синонимик луғатлар, синонимияга доир адабиётлар ва илмий тадқиқотлар ёрдамга келади.

Маънодош сўзларни ўз ўрнида, унинг нозик қирраларини чуқур англаган ҳолда бадиий асарга олиб кириш ижодкордан ҳушёрлик ва катта масъулият талаб этади. Чунки ҳар қандай ёзувчи "Синоним (маънодош сўз)лар бойлигини чуқур ва мукаммал эгаллаб, нутқнинг аниқлиги, ифодалилиги ва равонлигига эришиши мумкин эмас".[7]

Мавжуд адабиётларда синонимларнинг идеографик[8], стилистик[9] ва контекстуал[10] кўринишлари қайд этилади. Баъзи бир манбаларда эса индивидуал-муаллиф[11] синонимлари деб ҳам аталади.

Маълумки, синонимлар тилнинг луғавий жиҳатдан бойлик даражасини кўрсатиб берувчи ўзига хос воситадир. Тилда синонимларнинг кўп бўлиши тилнинг эстетик вазифасини янада тўлиқ бажара олишини осонлаштиради.[12]

Зеро, синонимларни лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш ҳам тилшуносликдаги долзарб масалалардандир. Шу маънода Эркин Аъзам ижодидаги синонимияни текшириш орқали ёзувчининг бадиий маҳорати, ўз сўзи ва унинг қиймат-эътиборини назарда тутиши, ижодкорнинг сўз танлаш ва қўллашдаги маҳорати тадқиқ этилади.

Ёзувчи асарларида маънодошликнинг қўлланиш доираси кенглиги ҳамда эмоционал-экспрессивлик бўёғининг кучлилиги нуқтаи назаридан ушбу ҳодисани тилнинг қуйидаги сатҳлари асосида кўриб чиқиш мумкин:

1. Морфологик синонимия (қўшимчалар маънодошлиги).

2. Лексик синонимлик (сўзлар маънодошлиги).

3. Фразеологик синонимлик (иборалар ўртасидаги маънодошлик).

4. Синтактик синонимия (сўз бирикмаси ва гаплар маънодошлиги).

1. Морфологик синонимлик.

Мисол: Ҳаракатлари катталарникидек вазмин, салмоқдор, гаплари ҳам аллақандай сирли... ("Шайтончалар кўчаси". 27-бет). *Салмоқдор* сўзидаги *-дор* сифат ясовчи қўшимчаси *сирли* сўзидаги *-ли* сифат ясовчи қўшимчага маънодош, яъни бу қўшимчалар асосдан англашилган бирор белги-хусусиятга эгалик, тегишлилик маъноларини ифодалайди *(-пулдор йигит – пулли йигит.)*

Файзининг амакиси қишлоққа ҳар келганида Самад мисгарнинг ҳалқасимон қабзаларига гул зарб берилган қўш тавақали дарвозаси ёнидаги серсоя тол тагида тахминан ана шундай гап-сўз бўларди (Э.Аъзам. Файзининг амакиси). Ушбу мисолда қўлланган *ҳалқасимон* ва *тавақали* сўзларидаги *-симон* ва *-ли* ўзаро маънодош. *Серсоя* сўзидаги *сер* сифат ясовчи қўшимча ўз навбатида, *-ли* билан маънодош бўла олса, *-симон* қўшимчаси билан эса маънодошлик ҳосил қила олмайди. Кўринадики, ҳатто қўшимчалар доирасидаги синонимик қаторда бир қўшимча ўзининг бажарган вазифаси ва мазмунига кўра бошқа бир синонимик қатордаги бирор бир қўшимча билан ўзаро маънодош бўлар экан.

2. Лексик синонимлик (сўзлар маънодошлиги).

Эркин Аъзам асарларида қўлланган лексик синонимларни ўрганишда икки жиҳат кўзга ташланади. Улардан бири ёзувчининг икки ёки ундан ортиқ маънодош сўздан ифодаланаётган мазмун учун энг мақбулини танлаши бўлса, иккинчиси айни бир матн таркибида икки ёки ундан ортиқ маънодош бирликларни бадиий тасвир мақсадига уйғун ҳолда қўллашидир. Масалан, ўзбек тилида *кўп, мўл, анча, талай, бисёр, сероб, беадад* тарзидаги маънодош сўзлар қаторидаги *бисёр* сўзида *кўп* сўзига нисбатан миқдорий белги анча юқори, яъни унинг маъно қурилишида "*катта миқдорда, жуда кўп, чексиз, чегараси йўқ*" деган қўшимча ифода семаси мавжуд. Шунинг учун ҳам ушбу парчада Э. Аъзам айни мазмун ифодаси учун *кўп* сўзини эмас, балки *бисёр* сўзини танлаган ва тасвирда миқдорий белгининг ортиқлиги ва экспрессивликни оширишни мақсад қилиб қўйган: *Боз устига, акаси ҳар йили туғилган кунида уни йўқлаб бисёр хижолатга қўяди* (Э.Аъзам. «Жавоб»).[13] Бизнингча, ёзувчининг мазкур танлови услубий жиҳатдан бироз ноўрин мазмунни келтириб чиқарган. Чунки *кўп* сўзи нарса-предмет ва иш-ҳаракатлар ифодаловчи сўзлар билан ҳам бирдек қўлланаверса (*кўп китоб, кўп ўқимоқ, кўп ўйламоқ, кўп қизиқ*), *бисёр* сўзи эса асосан, иш-ҳаракат ифодаловчи феъллар олдидан қўлланилади. Бунда *хижолат* от сўз туркумига мансуб бўлгани учун ҳам услуб талаби билан *кўп* сўзини қўллаши ўринли бўларди.

Маънодош сўзлардан икки ёки ундан ортиғини айнан бир матнда аниқ бадиий мақсадга бўйсундирган ҳолда қўллаш масаласида ҳам Э. Аъзам услуби алоҳида диққатга сазовордир. Масалан: *(Баҳром) зийрак йигит, серфаҳм йигит.* («Жавоб», 81). Ижодкорнинг асл бадиий тил маҳорати унинг лексик маънодошликдан тасвир тиниқлиги, ифодадаги муайян нуқтага урғу бериш мақсадларида фойдаланишида яхши кўринади. Ушбу гапда ёзувчи *зийрак* ва *серфаҳм* маънодош сўзларини қўллаш орқали шахснинг айнан ижобий белги-хусусияти маъносига алоҳида урғу берган бўлса, қуйидаги парчада "китобий" ифода се-

масига эга *синов* ва одатдаги *имтиҳон* каби маънодош сўзларни ёнма-ён қўллаш орқали ижодкор айни шу объектга алоҳида таъкид беради: *Менингча, одамнинг ҳаётдаги ҳар қадами синов, имтиҳон* («Отойининг туғилган йили»).

Э. Аъзам асарларида маънодош сўзлар аксар ҳолларда ифодалилик, экспрессивликнинг кучайиб, даражама-даража ортиб боришини кўрсатишга хизмат қилади ва бу синонимик градуонимияни кўрсатади. Масалан, *жилмаймоқ, илжаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ* ва *иршаймоқ* маънодош сўзлар қаторидаги бош сўз *жилмаймоқ*дир. Айни пайтда бироз ижобий баҳони ҳам ифодалайди. Парчада келтирилган *илжайиб* сўзи салбий бўёқ билан қопланган, бу салбий бўёқ *ишшайиб* ва *тиржайиб* сўзларида янада ортиб боради: *У эса қаерда, кимга қайси шароитда бўлмасин – ҳамиша қўлини кўксига қўйганча "Раҳмат, раҳмат" деб ё илжайиб, ё ишшайиб, ё тиржайиб* тураверади («Отойининг туғилган йили»).

Кўпинча, асарда икки ва уч маънодош сўзлар ёнма-ён қўлланади ҳамда ифода семалари белгининг даражаланган, аниқ ҳолда ифодаланишига хизмат қилади: *Наҳот шуни илғарироқ сезмаган, пайқамаган бўлсанг?* («Жавоб»). *Қўлида рўмолча, рўмолчаси ҳўл, ғижим; кўзлари қизариб кетган, ёшланаверганиданми чақнайди ўтдек, оловдек* («Жавоб»). *Ўҳў-ў, осмону фалак-ку!* («Жавоб»). *Ахир, бундайларга инсон, инсоннинг кўнгли деган гаплар бозордаги бежама матоҳдек бир нарса: нарх қўйишади, баҳолашади, савдолашади* («Жавоб»). *Бор, борки бу ёруғ дунёда узоқроқ турмоқни, узоқроқ яшамоқни, умрзоқликни, абадийликни истайди* («Жавоб»).

Маънодош сўзларнинг ҳар биридан олдин *бир* сўзини қўллаш орқали тушунча, белгининг алоҳида-алоҳида таъкидланиши таъминланади: *Одамзодга ҳамиша бир эрмак, бир овунчоқ керак экан-да!* («Жавоб»). Ёзувчи маънодош сўзлардан кейин *бор* модал феълини қўллаши орқали эса даражама-даража ортиб бораётган тушунча белгиси алоҳида урғу олади: *Қолаверса ўртада аҳд бор, ваъда бор* («Жавоб»).

3. Фразеологик синонимлик (иборалар ўртасидаги маънодошлик).

Э.Аъзам асарларида фразеологик маънодошликнинг гўзал намуналари мавжуд. Тилимиздаги *дили оғримоқ* ва *хафа бўлмоқ* иборалари ўзаро маънодош. *Ўзи ҳам бунга кўникиб кетган, баъзида дили оғрийди-ю, аммо кимсага сездирмайди, майли, хафа бўлишмасин, мен қилсам нима бўпти, бирор жойим камайиб қоладими?* («Жавоб»). Икки ибора маънолари таркибидаги қўшимча маъно нозикликларида анчайин фарқ бор, яъни иккинчи ибордаги ҳаракатнинг миқдорий даражаси паст.

Адиб асарларида лексик-фразеологик маънодошлик муайян мазмунни қуюқ экспрессивлик билан ифодалашга хизмат қилган. Сўз маъносидаги ифода семасини ибора ёки ибора маъносидаги шундай семали сўз бўрттиришга ёрдам беради. Масалан: *Элчиев андак шаштидан тушди, бўшашиброқ, оталарга хос бир вазминлик билан гапирди* («Жавоб»). *Аммо – айтмадинг, бир оғиз чурқ этмадинг* («Жавоб»). *Бироқ адашган, катта хатога йўл қўйган экан* («Жавоб»). *Лекин иложингиз қанча: сизни кўргани, холингиздан хабар олгани атай вақт сарфлаб келган* («Жавоб»). *Кетса кетсин, даф бўлсин, изи ўчсин, номи ўчсин* ("Пиёда"). Ушбу мисолда *кетсин* сўзига маънодош сифатида бир эмас, уч фразеологик ибора (*даф бўлсин, изи ўчсин, номи ўчсин!*) қўлланган.

4. Синтактик синонимия.

Ёзувчи турли хил тил бирликларини контекстуал маънодошлик касб этиши учун энг қулай контекстлар яратган: *Бор беғамлигу эркаликлари, шўхлигу шаддодликларини ота-онаси олиб кетгандек, у фавқулодда сипо тортиб, халиму ҳазим, мунису мушфиқ бўлиб қолган эди* ("Жавоб"). Кўриниб турганидек *беғамлигу эркаликлари, шўхлигу шаддодликлари* сўз шакллари ҳамда *халиму ҳазим, мунису мушфиқ* сўз шакллари айни матнда икки маънодошлик қаторини юзага келтирган.

Хулоса қилиб айтганда, Э. Аъзам тилдаги маънодош сўзлар орасидан тасвир мақсади ва руҳига мувофиқ келадиган аниқ сўзни танлаб қўллаш орқали мазмуннинг энг нозик нуқталари, қаҳрамон руҳияти, тасвир объектининг энг кичик қирраларигача реал кўрсатишга ҳаракат қилади. Ёзувчи маънодош сўзлардан энг мақбулини танлашда ҳам, маънодош сўзлар қаторидан маънони кучайтириб, даражалаб ифодалаш ниятида фойдаланишда ҳам бетакрордир. Ёзувчининг матн устида ишлашини, хусусан, унинг маънодошлик ҳодисасидан фойдаланишини ўрганиш, бир томондан, ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини очишга ёрдам берса, иккинчи томондан, ўзбек тилининг синонимик бойлигини чуқурроқ тушунишга имкон беради.

---

[1]А.Шомақсудов, И.Расулов. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983. 45-бет.
[2]А.Хожиев. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1974. 3-бет.
[3]И.Қўчқортоев. Луғавий синонимик воситалар ва уларнинг асосий турлари //Ўзбек тили ва адабиёти, 1984, 4-сон, 8-бет.
[4]Г.Муҳаммаджонова. 80-йиллар охири, 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтикаси: Филол. фан. ном. …дисс. Т., 2000, 43-бет.
[5]А.Шомақсудов, И.Расулов. Ўзбек тилининг стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1983. 49-бет.
[6]Э.Қиличев. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Т.: Фан, 1982. 16–17-бет.
[7]Х.Абдураҳмонов, Н.Маҳмудов. Сўз эстетикаси. Т.: Фан, 1981. 6-бет.
[8]В.И. Кодухов. Введение в языкознание. М., 1979. С. 209.; У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1975. 30-бет. Р.Қўчқоров, И.Қўчқортоев. Тилшуносликка кириш. Т., 1976. 37-бет.
[9]Д.Н.Шмелев. Современный русский язык. М., 1977. С. 197.
[10]Ю.С.Степанов. Основы общего языкознания. М., 1975. С.31–32.
[11]А.И.Ефимов. Стилистика художественной речи. М.: Изд-во МГУ, 1957. С.245.
[12]М.Йўлдошев. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол.фан.док. дисс. Т., 2009.
[13]Э. Аъзам. Кечикаётган одам. Т.: Шарқ, 2002.

Yorqinjon ODILOV,
Alisher Navoiy nomidagi Til va adabiyot instituti ilmiy xodimi

IMLO QOIDASI – ABITURIYENT FOYDASI

O‘zbekiston Respublikasida bo‘lib o‘tadigan kirish imtihonlarida ona tili fanidan o‘tkaziladigan test sinovlarida tilshunoslikning orfografiya – imlo qoidalari yuzasidan beriladigan test savollari alohida ahamiyat kasb etadi. Negaki bo‘lajak mutaxassis uchun puxta kasbiy bilim bilan birga, imlo qoidalaridan tegishli darajada xabardorlik ham juda zarur. Qolaversa, bugungi talaba ertaga yetuk mutaxassis sifatida u yoki bu muassasada faoliyat olib borar ekan, uning oldida davlat tilida ish yuritish zarurati ham ko‘ndalang bo‘ladi. Shu bois amaldagi Davlat ta’lim standartida ham o‘quvchining savodxonlik darajasini o‘stirishga muhim e’tibor beriladi. Ana shu hayotiy ehtiyoj va kirish imtihonlari nuqtayi nazaridan ushbu tahliliy maqolada bevosita imlo qoidalariga aloqador test topshiriqlarini tahlilga tortamiz.

Tilshunoslikning Imlo (orfografiya) bahsi yuzasidan tuziladigan test savollarida, asosan, quyidagi yo‘nalishdagi topshiriqlar tanlanadi:

I. Muayyan so‘zning to‘g‘ri yozilishini aniqlashga qaratilgan topshiriqlar.

II. Mavjud imlo tamoyillari (fonetik, morfologik, shakliy yozuv prinsiplari) bilan bog‘liq topshiriqlar.

I. Tildagi u yoki bu so‘zning to‘g‘ri yozilishini aniqlashga qaratilgan test topshiriqlarida, asosan, qo‘sh undosh yoki qo‘sh unli bilan yoziladigan so‘zlarning imlosi, talaffuzi bilan yozilishi o‘zaro mos kelmaydigan so‘zlarning imlosi, asos va qo‘shimchalar imlosi, bosh harflar imlosi, paronim, variantdosh so‘zlarni va ularga tegishli ma’nolarni farqlay olish, qo‘shma so‘zlarning qo‘shib yoki ajratib yozilishi, juft so‘zlar imlosi, bo‘g‘in ko‘chirish, x yoki h tovushining ishtiroki, tutuq belgisining qo‘llanilishi yohud qo‘llanilmasligi kabi mavzular qamrab olinadi. Quyida Imlo bahsining ana shu mavzulari bilan bog‘liq ba’zi test topshiriqlarini ko‘rib o‘tamiz.

Birinchi tahlil. Bu boradagi testlarda talaffuzi bilan yozilishi o‘zaro mos kelmaydigan so‘zlarning imlosi yuzasidan qo‘yiladigan savollar o‘ziga xos. Masalan:
Qaysi gapda imloviy xatoga yo‘l qo‘yilgan?

A) 1-oktabr – Ustozlar va murabbiylar kuni.

B) “Bu sirni faqat senga aytayapman”, – dedi u.

C) U vaqtda Toshkent ikkita shahardan iborat bo‘lib, birini Eski shahar, ikkinchisini Yangi shahar deyishardi.

D) Berilgan gaplarda imloviy xatoga yo‘l qo‘yilmagan.

Bir qarashda mazkur testning javoblaridagi so‘zlar imlo qoidalariga mos tarzda yozilgandek ko‘rinadi. Ammo B variantdagi *aytayapman* so‘zi qanday talaffuz etilsa, shunday yozilgan. Aslida imlo qoidasiga ko‘ra bu so‘z **a** tovushini orttirmasdan *aytyapman* shaklida yozilishi zarur edi. Demak, to‘g‘ri javob **B**.

Ba’zan ayni tipdagi topshiriq boshqacha tarzda ham qo‘yilishi mumkin: ***Pastda esa odamni oqizadigan katta suv xarsanglarga urilib, shovullab oqayapti.***

Berilgan gapda qaysi turkumga oid so‘zni yozishda imloviy xatoga yo‘l qo‘yilgan?

A) ravish B) fe’l C) ravishdosh D) ot

Bu savolda ham yuqoridagi test topshirig‘i singari talaffuzda orttirilgan **a** tovushi bilan bog‘liq xatolik yuz bergan, ya’ni **oqyapti so‘zi oqayapti** shaklida yozilgan. Shunga ko‘ra to‘g‘ri javob **B**.

Bu kabi so‘zlarning imlosi bilan bog‘liq qoida umumiy o‘rta ta’lim maktablarining amaldagi 6-sinf ona tili darsligidagi «Hozirgi zamon shakllarining talaffuzi va imlosi» mavzusida berilgan[1]. Shuni ham aytib o‘tish kerakki, undosh bilan tugagan fe’l asoslariga ba’zi holatlarda hozirgi zamon shakllari **-ayotir**, **-ayotib** tarzida ham qo‘shilishi mumkin: yur**ayotir**, yur**ayotib**di kabi. Mazkur tipdagi savollarga to‘g‘ri javob topish uchun, albatta, mazkur qoida va unga muvofiq yoziladigan so‘zlar imlosi yuzasidan yetarlicha mashqlar bajarilishi lozim.

Ikkinchi tahlil. Ba’zan test savollarida shunday so‘zlar tanlanadiki, ularning imlosi bilan bog‘liq to‘g‘ri javob, umuman, e’tiboringizni tortmaydi, ya’ni bu javob to‘g‘ridek tuyuladi. Masalan: **Imlo qoidasiga ko‘ra xato yozilgan so‘zni toping.**

A) hasharot B) zalvorli

C) qaynana D) qat’i nazar

O‘quvchi-abituriyent ko‘p hollarda ushbu testdagi yo *qaynana* variantini, yo *qat’i nazar* variantini tanlaydi. Bunga **qaynana**ning qaynona, **qat’i nazar**ning **qat’iy nazar** tarzida yozilishi mumkin, degan qarash sabab bo‘ladi. Aslida esa unday emas. Xususan, **qaynana** so‘zining ikki xil shakli bo‘lib, ular **qaynana** va **qaynona**dir. Har ikki shaklda yozish ham to‘g‘ri. D variantdagi birikmaning ham **qat’i nazar** shaklida berilishi to‘g‘ri. Aslida ushbu test topshirig‘idagi **zalvorli** varianti xato yozilgan bo‘lib, uning to‘g‘ri imlosi **zalvarli**dir. Bu so‘z “muayyan salmoqqa ega bo‘lgan”, “juda zich, qattiq narsalarning og‘irligi, salmoq”[2] ma’nolarini bildiradigan **zalvar** so‘ziga sifat yasovchi **-li** qo‘shimchasining qo‘shilishidan hosil bo‘lgan. **Zalvardor** so‘zi ham uning sinonimi (ma’nodosh)dir. Hozirgi o‘zbek tilidagi **jangovar**, **zararkunanda**, **tatbiq** kabi so‘zlar ham **jangovor**, **zararkuranda**, **tadbiq** tarzida talaffuz qilinsa-da, unday yozilmaydi.

Uchinchi tahlil. Bosh harflar imlosi bilan bog‘liq savollar ham test ishlovchi uchun yetarlicha murakkablik tug‘diradi. Shuning uchun ba’zi test topshiriqlarini izohlab o‘tamiz. **Tarkibli nomning qaysi biri to‘g‘ri yozilgan?**

A) O‘zbekiston Milliy Tiklanish demokratik partiyasi

B) O‘zbekiston milliy tiklanish demokratik partiyasi

e-mail: til@sarkor.uz

C) O‘zbekiston Milliy Tiklanish Demokratik partiyasi
D) O‘zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasi

Mazkur tipdagi savollarga to‘g‘ri javob berish uchun quyidagi qoidadan xabardor bo‘lish lozim: **Davlatlarning, davlat oliy tashkilotlari va mansablarining, xalqaro tashkilotlarning nomidagi har bir so‘z bosh harf bilan boshlanadi: O‘zbekiston Respublikasi, Rossiya Federatsiyasi, Misr Arab Respublikasi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Raisi, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Sudining Raisi, Birlashgan Millatlar Tashkiloti, Jahon Tinchlik Kengashi kabi.**

Boshqa tarkibli nomlarda oliy mansabni bildiruvchi birinchi so‘zgina bosh harf bilan boshlanadi: Bosh vazirning o‘rinbosari, Mudofaa vaziri, Yozuvchilar uyushmasi, O‘zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasi kabi[3].

Ko‘rinadiki, yuqoridagi test topshirig‘idagi to‘g‘ri javob D variant. Shuni ham aytib o‘tish kerakki, ko‘pincha, oliy o‘quv yurtlari nomlarining imlosi bilan bog‘liq test topshiriqlari beriladi. Bunda davlat yoki shahar nomining o‘zigina bosh harf bilan, qolgan qismi esa kichik harflar bilan yoziladi. Masalan, *O‘zbekiston Milliy universiteti, O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti, Samarqand davlat universiteti, Qo‘qon davlat pedagogika instituti* kabi. Bu kabi test topshiriqlariga to‘g‘ri javob berish uchun *O‘zbekiston Milliy universiteti* kabi tarkibli nomlarning yozilishini bilib olgan holda yuqoridagi qoidani puxta yodlab olmoq joiz. Jurnalxon-o‘quvchilarimizning bu boradagi bilimini sinash maqsadida quyidagi testni havola etamiz: *Qaysi tashkilot, korxona va muassasa nomlari noto‘g‘ri yozilgan?*

1. Xalqaro Olimpiya Qo‘mitasi. 2. “Bahor” konsert zali. 3. Oliy Xo‘jalik sudi. 4. “Istiqlol” fermer xo‘jaligi. 5. Temuriylar tarixi davlat muzeyi.

A) 1, 5 B) 3
C) 1, 3, 5 D) barchasi to‘g‘ri yozilgan.

To‘rtinchi tahlil. Asos va qo‘shimchalar imlosiga oid savollar ham orfografiya mavzusida ko‘p beriladigan test topshiriqlari hisoblanadi. Asosga qo‘shimcha qo‘shilishi bilan yuzaga keladigan tovush o‘zgarishlari, ko‘p hollarda, o‘quvchi-abituriyentdan orfografik bilimlar bilan birga morfemika, so‘z yasalishi kabi til bo‘limlaridan olgan bilimlarini sinovdan o‘tkazadi. Demak, bunday test topshiriqlarini to‘g‘ri topishda o‘quvchi-abituriyentdan ona tili kursining har uch bo‘limi yuzasidan olingan bilimlarni umumlashtira olish malakasi talab etiladi. Ayniqsa, o, o‘, u, e unlilari bilan tugaydigan so‘zlar (**avzo**, **mavzu**, **mavqe**, **obro‘**, **orzu**, **parvo)**ga egalik qo‘shimchalarining qo‘shilishi bilan yuzaga keladigan tovush o‘zgarishlari va imlosini topishga yo‘naltirilgan testlarni izohlab ko‘rsatish bu boradagi malakalarni mustahkamlashda muhim. Masalan: **1995-yilda qabul qilingan imlo qoidasiga ko‘ra quyidagi so‘zlarning qaysi biri xato?**

A) parvoyim B) obro‘yim
C) avzoyim D) orzuyim

Mazkur testni izohlashdan oldin quyidagi qoidani keltirishni lozim topdik: **o**, **o‘**, **u**, **e** unlilari bilan tugagan so‘zlarga egalik qo‘shimchalari quyidagicha qo‘shiladi: a) ko‘pchilik so‘zlarga egalik qo‘shimchalari **-m**, **-ng**, **-si**; **-miz**, **-ngiz**, **-si** (yoki **-lari**) shaklida tovush orttirmay qo‘shiladi: **bobom**, **bobong**, **bobosi**, **bobomiz**, **bobongiz**, **bobosi** (yoki **bobolari**); **orzum**, **orzung**, **orzusi**, **orzumiz**, **orzungiz**, **orzusi** kabi;

b) **parvo**, **obro‘**, **mavqe**, **mavzu**, **avzo** so‘zlariga I, II shaxs egalik qo‘shimchalari qo‘shilganda, bir **y** tovushi qo‘shib aytiladi va shunday yoziladi: **parvoyim**, **parvoying**; **parvoyimiz**, **parvoyingiz**; **obro‘yim**, **obro‘ying**; **obro‘yimiz**, **obro‘yingiz** kabi; III shaxs egalik qo‘shimchasi **parvo**, **avzo**, **obro‘**, **mavqe** so‘zlariga **-yi** shaklida, **xudo**, **mavzu** so‘zlariga esa **-si** shaklida qo‘shiladi: **avzoyi**, **mavzusi** kabi (**dohiy** kabi **y** undoshi bilan tugagan so‘zga ham III shaxsda **-si** qo‘shiladi: **dohiysi** kabi)[4].

Mazkur qoidadan kelib chiqib aytish mumkinki, yuqoridagi test topshirig‘ining **orzuyim** varianti (**orzum** shaklida yozilishi lozim edi) noto‘g‘ri yozilgan.

Jurnalxon-o‘quvchilarimizga mazkur mavzu yuzasidan olgan bilimlarini sinash maqsadida quyidagi testni ilova qilamiz: ***Metall* so‘ziga qanday qo‘shimcha qo‘shilganda qo‘sh undoshning biri yozilmaydi?**

A) *faqat **l** harfi bilan boshlanadigan qo‘shimchalar qo‘shilganda*
B) *undosh harf bilan boshlanadigan qo‘shimchalar qo‘shilganda*
C) *unli harf bilan boshlanadigan qo‘shimchalar qo‘shilganda*
D) *har qanday qo‘shimcha qo‘shilganda*

Beshinchi tahlil. Asos va qo‘shimchalar imlosi bilan bog‘liq yana bir izohtalab testlar mavjud. Ma’lumki, imlo qoidalarining “Asos va qo‘shimchalar imlosi” qismidagi 37-qoidaning birinchi bandida “taqlid so‘zlardan fe’l yasovchi **-illa** (chirilla, taqilla) qo‘shimchasi so‘z tarkibida **v** yoki **u** tovushi bo‘lganda **-ulla** aytiladi va shunday yoziladi: shovulla, lovulla, gurulla kabi” degan qoida keltirilgan. Shunga ko‘ra “**Qaysi qatordagi taqlid so‘zdan fe’l yasalganda <u>-illa</u> <u>-ulla</u>ga aylanadi va shunday yoziladi?**

A) duk, lov B) chirs, qars C) lov, chiq D) taq, duk” tarzidagi test topshirig‘ining A variantidagi taqlid so‘zlarda **u** hamda **v** tovushlari bo‘lgani uchun bu javob to‘g‘ri hisoblanadi. Chunki mazkur variantdagi **guv**, **duv** so‘zlariga **-illa** qo‘shimchasi qo‘shilganda **dukulla**, **lovulla** tarzida aytiladi. Ammo tilimizda tarkibida v tovushi bo‘lgan **viz**, **vish**, **vaq**, **var**, **vosh** kabi taqlid so‘zlar ham bor. Agar yuqoridagi qoidaga amal qilinsa, ushbu so‘zlardan yasalgan fe’llar **vizulla**, **vishulla**, **vaqulla**, **varulla**, **voshulla** tarzida yozilishi lozim bo‘ladi. Biroq bunday yozib bo‘lmaydi. Bu kabi so‘zlarda mazkur qoida istisno etiladi. Imlo borasidagi bu kabi o‘ziga xosliklar o‘qituvchi tomonidan, albatta, ko‘rsatilishi zarur. Bizningcha, mazkur so‘zlarning imlosida chalg‘imaslik uchun ularni yodlab olish zarur.

Oltinchi tahlil. Paronim so‘zlarning imlosiga doir test topshiriqlari ham o‘quvchi-abituriyentdan ham bir necha til bo‘limlari yuzasidan bilimga ega bo‘lishni taqozo etadi. Garchi bunday test savollari imlo qoidalari yuzasidan berilsa-da, lekin bu tip test topshiriqlarini to‘g‘ri yechishda, avvalo, leksikologiyaga oid bilim va malaka talab etiladi, ya’ni o‘quvchi-abituriyent bir tovush bilan farq qiladigan paronim so‘zlarga tegishli ma’nolarni bilishi zarur. Masalan, **bikir** so‘zining “pishiq, baquvvat”, **bikr** so‘zining esa “toza”, “iffatli” ma’nosini anglatishi kabilar. Shu ma’noda quyidagi test tahlili ham muhim.

Qaysi qatordagi so‘z imlo qoidasiga ko‘ra xato yozilgan?

A) bazur B) bazo‘r
C) bahuzur D) berilgan so‘zlar to‘g‘ri yozilgan.

Ushbu test topshirig‘idagi **bazur** so‘zi “bemalol”, **bazo‘r** so‘zi “zo‘rg‘a, arang”, **bahuzur** so‘zi esa “bamaylixotir”, “bemalol” ma’nolarini anglatadigan alohida-alohida so‘zlardir. Demak, ushbu savoldagi barcha so‘zlar imlo qoidasiga ko‘ra to‘g‘ri yozilgan. Ko‘p hollarda, o‘quvchi-abituriyentlar **bazur** javobini xato yozilgan deb o‘ylaydilar va adashadilar.

Paronim so‘zlar bilan birga, variantdosh so‘zlar imlosiga doir testlar ham murakkab savollar sirasiga kiradi. Negaki bunday test topshiriqlarini to‘g‘ri yechish uchun o‘quvchi-abituriyentlar ham paronim so‘zlar va ularning ma’nolarini, shuningdek, variantdosh so‘zlarni ham aniq ajrata olishlari kerak. Masalan: **Quyidagi so‘zlarning qaysi biri bir so‘zning ikki xil yozilishi sifatida qaraladi? 1) bazur-bazo‘r; 2) saboh-sabo; 3) xosiyat-hosiyat; 4) bekik-berkik; 5) yupqa-yuqa.**

A) 2, 4, 5 B) 1, 2, 3, 4
C) 2, 3, 4 D) 1, 2, 4, 7

Ushbu testni ishlash jarayonida, avvalo, savoldagi **bir so‘z** birikmasiga e’tibor berilishi zarur. Demak, **bir so‘z** deyildimi, bu yerda paronimga ham, sinonimga ham o‘rin yo‘q. Zero, paronimiya va sinonimiya kamida ikki so‘z o‘rtasida bo‘ladi. Bu yerda gap bitta so‘z haqida ketmoqda. Diqqat qilinsa, **saboh** va **sabo** so‘zlari bitta ma’noni – “erta tong”, “subh, subhidam”[5] ma’nosini anglatadi. To‘g‘ri, sabo so‘zining “ertalabki mayin, yoqimli shamol” ma’nosi ham bor. Biroq mazkur so‘z ko‘p ma’noli bo‘lib, uning ikkinchi ma’nosi “erta tong”, “subh, subhidam”dir. **Bekik** va **berkik** so‘zlari ham bitta so‘z bo‘lib, “berkitilgan”, “yopiq”[6] ma’nolarini bildiradi. **Yupqa** va **yuqa** ham aslida bitta so‘zdir. **Yuqa** so‘zi “qalin emas, ko‘ndalangiga ingichka”, “nozik” ma’noni anglatadigan **yupqa** so‘zining shevadagi variantidir[7]. Ko‘rinadiki, bir so‘zning ikki xil yozilishi sifatida **A** variantini belgilash joiz. Ko‘pincha, o‘quvchi-abituriyentlar **bekik** va **yuqa** so‘zlarini so‘zlashuv shakli sifatida tushunadilar hamda xato yozilgan deb o‘ylaydilar.

Yettinchi tahlil.

II. Orfografiyaga doir test topshiriqlarida fonetik, morfologik, shakliy yozuv tamoyillari bilan bog‘liq savollar ham ko‘p uchraydi. Negaki yozuv tamoyillari bilan bog‘liq savollar ham ona tilining ikki-uch bo‘limi yuzasidan bilimga ega bo‘lishni talab etadi. Jumladan, fonetika, morfemika, so‘z yasalishi, morfologiya bo‘limlarini qamrab oladi. Shuning uchun ushbu til bo‘limlari yuzasidan olingan bilimlarni muttasil mustahkamlab borish darkor. Bu borada har bir til bo‘limi o‘rganilib bo‘lgandan keyin unga doir mavzular yuzasidan kollokvium o‘tkazilishi maqsadga muvofiq. Bu o‘quvchining har bir til bo‘limiga tegishli bilimlarning umumlashishiga, sistemaga tushishiga yordam beradi. Quyidagi test topshirig‘ini ko‘rib o‘taylik: *Qush edim, qanotim qayrildi; gul edim, bulbulimdan ayrildim; ko‘nglim sindi chil-chil; mening ozurda yuragimni bu kun so‘roqlamas hech kim*.

Ushbu gapda fonetik qoida asosida yozilgan so‘zlar qaysi gap bo‘lagi vazifasida kelgan?

1) ega 2) kesim
3) aniqlovchi 4) to‘ldiruvchi
A) *1 va 2* B) *1, 2, 3, 4*
C) *1, 2, 4* D) *2, 4*

Ma’lumki, fonetik yozuv deb asosga qo‘shimcha qo‘shilishi bilan yo asos, yo qo‘shimcha tarkibida yuz beradigan fonetik o‘zgarishlar (tovush tushishi, ortishi, almashinishi)ning adabiy me’yor sifatida yozuvda aks etishiga aytiladi. Ushbu testdagi *qayrildi* (qayir+il; **i** tovushi tushgan) *ayrildim* (ayir+il; **i** tovushi tushgan), *ko‘nglim* (ko‘ngil+im; **i** tovushi tushgan), *mening* (men+ning; **n** tovushi tushgan), *yuragimni* (yurak+im; **k g** ga almashgan), *so‘roqlamas* (so‘ra+q; **a o** ga almashgan) so‘zlari fonetik yozuv asosida yozilgan. Ulardan *qayrildi*, *ayrildim, so‘roqlamas* so‘zlari kesim, *ko‘nglim* so‘zi ega, *mening* so‘zi aniqlovchi, *yuragimni* so‘zi esa *to‘ldiruvchi* bo‘lak vazifasida kelgan. Ega, kesim, aniqlovchi, to‘ldiruvchi javoblari **B** variantda berilgan.

Xulosa qilib aytganda, orfografiya borasidagi test topshiriqlari o‘quvchi-abituriyentning ona tili fani yuzasidan olgan nazariy va amaliy bilim-malakalarini sinovdan o‘tkazishga qaratiladi. Shu ma’noda, IMLOni kirish imtihonlaridan muvaffaqiyatli o‘tishning garovi, o‘quvchi-abituriyentning foydasi, ta’bir joiz bo‘lsa, insonning butun umri davomida asqotadigan hayot alifbosi deyish mumkin.

---

[1]N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, D.Nabiyeva. Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. T.: Tasvir, 2013. 86-bet.
[2]O‘zbek tilining izohli lug‘ati. II jild. 126-bet.
[3]O‘zbek tilining asosiy imlo qoidalaridan. 1995-yil 24-avgust.
[4]O‘zbek tilining asosiy imlo qoidalaridan. 1995-yil 24-avgust.
[5]O‘TIL. III jild. 410–411-betlar.
[6]O‘TIL. I jild. 215-bet.
[7]O‘TIL. V jild. 87-, 96-betlar.